

**ГУЛИСТОН**  
10  
1989





№ 10 (476)

Октябрь

1989

Журнал 1925 йилдан  
чиқа бошлаган  
Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
нашриёти

Бош муҳаррир:  
МИРМУҲСИН

Таҳрир ҳайъати:

Сарвар АЗИМОВ,

Баҳодир АМИНОВ,

Хуршид ДАВРОН,

Наримон ИБРОҲИМОВ,

Ўктам МИРЗАЕРОВ,

Эргаш МУҲАММАД

(масъул котиб),

Шомурод СИДДИҚОВ,

Азиз ҚАЮМОВ,

Саидмахмуд УСМОНОВ,

Оқилжон ҲУСАНОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Бош мусаввир  
Т. Саъдулла  
Техник муҳаррир  
М. Абдуллаев  
Корректор  
М. Набиева


«Гулистон» — ежесемьслный, общест-  
венно-политический, литературно-ху-  
дожественный журнал ЦК КП Уз-  
бекистана.

Редакция телефонлари: бош муҳар-  
рир — 33-35-20; бош муҳаррир ўрин-  
босари — 33-35-90; масъул котиб —  
32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим —  
33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва ма-  
даният бўлимлари — 33-36-59; му-  
саввирлар бўлими — 32-58-77.

Адресимиз: 700000, Тошкент — П,  
Ленин кўчаси, 41.

«Алгоритм» (А.л-Хоразмий) заводида Тошкент поли-  
техника институтининг ўқув-илмий ишлаб чиқариш  
маркази ташкил этилган. Институт талабаларининг  
машгулот пайти.

Ф. Курбонбоев сурати  
(ЎЗТАГ).



### БУ СОНДА:



Саид АЛИЕВ:

...Ҳожи Мирбобо (Мирбобо Муҳсин-  
зода) 1868 йилда Бухоро шаҳрида бах-  
мал тўқувчи касиб оиласида туғилган.  
1917 йил февраль инқилобигача қора-  
кўл териси билан савдо қилган. 1930  
йилларда адабий-ижодий ишлар билан  
шугулланган. 1936 йилда уни НКВД  
ҳибса олиб, «аксинқилобий ҳа-  
ракатда қатнашиш ва Советларга қарши  
ташвиқот олиб бориш» айбини тўнка-  
ган.



Семен ЛИПКИН:

Шаҳарлик йигитлар титкилаб юрар,  
Излаб деҳқонларнинг уйдан бугдой,  
Сахрога сочилган капалар узра  
Туркий қилич янглиғ ярақлайди ой.



Ж. САЙДАЛИЕВА:

...Зайниддин Фахриддиновнинг кўп  
йил ижодий изланишлари заминида —  
«Камолитдин Беҳзод» портрети сайқал  
топади. Портретда rassom буюк мусав-  
вирни ижод дақиқасида талқин этади.

Маълумки, Улуғ Ватан урушига қадар ва ундан кейинги йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, шахсан Усмон Юсуповнинг ташаббуси билан жумҳуриятимизда ирригация иншоотлари қурилиши кенг миқёс ва кўлам касб этди. Натижада далаларимизнинг сув билан таъминланиши кескин даражада яхшиланди. Бунда ирригаторларимиз ва мелиораторларимизнинг хизматлари бекиёсдир.

1960—1965 йилларда жумҳуриятда дарёлар оқимини тартибга келтириш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Шу қисқа давр мобайнида жумҳурият аҳамиятига молик 51 та ва республикалараро 5 та йирик сув омборлари қурилди. Булар умумлашма ҳолида 55,5 миллиард куб-метр сув сиғимига эга эди. Сув хўжалигида йўл қўйилган катта хатolik айнан ана шу сув омборларига бориб тақалади. Чунки баъзи сув

тўйинган юзлаб, балки миллиардлаб тонна ана шундай лойқа сув омборларида чўкинди ҳолига келиб ётипти.

Ана шу тарзда биз ўз еримизни ўзимиз ҳалокат ёқасига келтириб қўйдик. Устига-устак, суғориш учун далаларга берилётган сув нариги томондан — охиридан бўтанага айланиб чиқиб кетмоқда, яъни ернинг энг серҳосил қатлами доимий суратда ювиб-борилмоқда. Бу ҳол, охир-оқибатда, катта йўқотишларга олиб келиши турган гап.

Сув омборларининг тазйиқи остида қолган хўжаликлар ва районларда ҳосилдорлик йилдан-йилга пасайиб кетмоқда. Бир пайтлари бутун мамлакатга машҳур бўлган йирик ва илғор «Савай» совхозни аҳволига яна бир назар ташлайлик. Андижон сув омбори ишга туширилишига қадар (1976—1977 йиллар) хўжаликда пахта ҳосилдорлиги гектарига 36—37 центнерни

шаҳри учун ниҳоятда фожиали оқибатлар келтиришини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Қурилиш ҳажми — 150 миллион сўм. Айтишларича, у 200 миллион сўмга ҳам етиб боради. Лойиҳа бўйича сув сиғими — 350 миллион куб-метр. Иншоот қурилиши натижасида 400 хўжалик бинолари ва 1200 гектар серҳосил ер сув остида қолади. Мен бу жойларни яхши биламан, қурилиш кетаётган жойларда бир неча бор бўлдим. Масъулият билан айтаманки, мазкур қурилиш олти район аҳолисига, икки юз минг кишилик Қўқон шаҳрига катта кулфат келтиради. Бунинг икки муҳим сабабини қайд этаман: биринчиси, Қўқон атроф районлари — кучли шамоллар хуруж қиладиган жойлар бўлиб, тупроқ қатлами эрозияси анча юқори; иккинчиси, совуқ ва тип-тиниқ сув тупроқнинг юза жойлашган қумлоқ ва қумоқ қатламини осонлик билан ювиб кетади. Сув

## ҲАР ТОМЧИСИ АЗИЗ, ТЎТИЁ

Мирзаали МУҲАММАДЖОНОВ,  
академик, ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера»  
Ўзбекистон Миллий комитети раиси

омборлари қурилишига эҳтиёж сезилса-да, ишларни бу қадар катта миқёсларда олиб бориш учун зарурат йўқ эди. Қурилишни амалга оширишда чуқур илмий ёндашувнинг йўқлиги, олимлар ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари инobatга олинмаганлиги натижасида табиий шароитларга путур етказилди, Орол денгизи олдиндан ҳалокатга маҳкум этиб қўйилди. Табиат устидан қозонилган ҳар бир галаба учун у биздан ўч олади, деб башорат қилган Ф. Энгельснинг фикрига бефарқ қараганлигимиз учун бизнинг музофотда экологик, иқтисодий ва социал шароитларда кескин вазият юзага келди.

Сув омборлари қурилиши натижасида юзлаб қишлоқлар, ўн минглаб гектар ҳосилдор ерлар сув остида қолди. Ана шу сув омборлари юзасидан ҳар йили 5 миллиард куб-метрга яқин оби-ҳаёт бефойда буғланиб ётипти. Ҳолбуки ана шу миқдордаги сув Орол денгизига қанчалар мадад бўлур эди.

Энг катта кулфат шундан иборатки, сув омборларининг ўзи ҳамда ундан далаларга етказилиб берилётган совуқ ва тоза сув иқлим шароитларини салбий томонга ўзгартирди, сизот сувлар даражаси ошди, шўрланиш ва ботқоқланиш кучайди, фойдали ҳашаротлар нобуд бўлди, суғориладиган ва суғорилмайдиган юз минглаб гектар серҳосил ерлар қашшоқлашди.

Масалан, 1,9 миллиард куб-метр сиғимга эга бўлган Андижон сув омбори атроф-муҳитга қанчалар салбий таъсир этганлигини назар-эътиборга олиб кўринг. Қўрғонтепа районида — сув омборидан 20 чақирим нарида жойлашган «Савай» совхозига фойдали ҳарорат миқдори 1977 йилдагига нисбатан 1987 йилда 402 даражагача, энг қулай келган 1988 йилда 204 даражагача пасайди. Бу — сув омбори атрофидаги Қўрғонтепа, Жалолқудук, Хўжаобод ва Марҳамат районларида экин-тикиннинг ўсув даври 20—35 кунга қисқарди демакдир. Андижон сув омборининг совуқ суви билан ғўзаларни суғориш ерости ҳашаротлари ва микроорганизмларга ҳалокатли таъсир этди.

Энг ташвиш уйғотадиган нарса шуки, дарё сувлари билан оқиб келадиган лойқа сув омбори остига чўкиб, далаларга бериладиган сув ниҳоятда тиниқ бўлади. Дарёлар минглаб ирмоқлардан ташкил топиши ва далаларга ҳамда ирригация тармоқларига ҳар гектар ер ҳисобига ҳар йили 25—40 тоннадан лойқа келтириши маълум. Айниқса Амударё ва Сўх дарёлари лойқага жуда бой, ҳаётбахш модалар билан ниҳоятда

ташкил этган бўлса, бу рақам 1987 ва 1988 йилларда 20—21 центнерга тушиб қолди. Ана шу давр мобайнида Қўрғонтепа районида ўртача ҳосилдорлик 31,6 центнердан 21, Марҳамат районида 35 центнердан 18,5 центнергача камайди. Жалолқудук, Хўжаобод ва бошқа айрим районларнинг аҳволи ҳам бундан яхши эмас. Пахтачилик учун жуда қулай келган ўтган йилда мазкур тўрт район пахта тайёрлаш йиллик планини атиги 48—67 фоиз қилиб бажардилар, холос. Фарғона вилоятининг Каркидон ва Қўрғонтепа сув омборлари таъсири остида бўлган Қува, Охунбобоев ва Олтиариқ районлари ҳам нохуш аҳволда қолганлар. Мазкур районларда пахта топшириш планлари ўтган йили фақатгина 79—82 фоизга бажарилди, холос.

Сув сиғими 7,3 миллиард куб-метрга эга бўлган Туямўйин сув омбори Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Тошҳовуз вилоятларига жуда катта зарар етказди. Мазкур музофотларда сизот сувлар ёппасига юқорига кўтарилди, ёппасига иккиламчи шўрланиш юзага келди, аҳолиси касалликка чалинди, сув сифати бузилди, боғлар ва дарахтзорлар нобуд бўлди. Сув омборлари одамлар дам олиб даволанадиган кенг қатламли туз конлари атрофида қурилди. Ана шундай шароитларда миллиард сўм маблағ сарфлаб, сув омборлари қуриш, кейин эса, яна шунча миқдор маблағ ҳисобига ўнг ва чап қирғоқ сув коллекторларини қуриб, сизот сувларни Оролга ҳайдаш, суғориладиган улкан майдонларни нобуд этиш шартми, деган савол туғилади. Бундан кўра сув омборлари сувини батамом бўшатиш яхшироқ ва мақсадга мувофиқроқ эмасми?

Шофиркон районидаги Шўркўл сув омборининг таъсири остида «Ғиждувон» ва «Жилвон» совхозининг боғлари ва узумзорлари тенг ярмига нобуд бўлди.

Табиий суратда шундай савол туғилади: икки миллионли Тошкент шаҳрининг шундоққина биқинида унга хавф солиб турган — 2 миллиард куб-метр сув сиғимига эга Чорвоқ сув омборини қуриш шартми? Ахир, 1948 йилда Ашхободда, 1966 йилда Тошкентда, 1988 йилнинг декабрида Арманистондагидек фавқулодда кучли ерости силкинишлари бундан кейин бўлмаслигига ким кафолат бера олади? Шунга қарамасдан, СССР Сув хўжалиги министрлиги ва ЎзССР Сув хўжалиги давлат комитети тўғонлар ва сув омборлари қуришни давом эттирмоқдалар.

Сўх дарёсида қуриладиган Сўх сув омборининг Қўқон атроф районлари ва Қўқон

омбори қурилар экан, орадан 40—50 йил ўтиб, мазкур районлар тўлалигича дашт ерларга айланади. Сўх сув омбори қурилиши муаллифлари тарихий Қўқон ва унинг атроф-теварагидаги районларга мана шундай нарсаларни раво кўрмоқдалар!

Бизнинг замин табиат туфайли ва аждодларимизнинг меҳнати натижасида вужудга келган, биз эса, маданиятли кишилар, уни ўта энгилтаклик билан қурбон бераётимиз. Фикримизча, ернинг айнишини тезлаштирган, атроф-муҳитга путур етказган сув омборлари фаолиятини тўхтатиш, уларни бўшатиш, тўпланиб қолган бекиёс миқдор лойқадан фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир; зарур деб топилган сув омборларидан эса вақти-вақти билан фойдаланиш, яъни тошқинлар ва қиш пайтларида сув тўплаш, экин-тикин ўсуви даврида ҳамда шўр ювиш жараёнида ўқариш эрдамида сувни лойқа билан чиқариш лозим; янги сув омборлари қурилишини тўхтатиш керак. Республикалараро йирик ГЭСлар ва сув омборларига тааллуқли масалаларни манфаатдор томонлар билан келишган, табиий ва иқтисодий шароитларни аввалдан чуқур таҳлил этган ҳолда ҳал этиш зарур. Ахир биз КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг қарорига биноан, Оролни ҳеч бўлмаганда ҳозирги ҳолида сақлаб қолишга етарли миқдорда сув етказиб беришимиз лозим-ку. Барча ортиқча сув омборларидан бўшатишган оби-ҳаёт фақат Орол денгизига йўлланиши керак.

Биз бу муаммоларга янгича кўз билан қарашимиз ва қайта қуриш руҳида уни янгича ҳал этишимиз лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турипти. Сув хўжалиги қурилиши ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, хусусан, каналларни бетонлаштириш ва нов тармоқларини яхшилаш муаммолари ҳақида жиддий мулоҳаза билан чора-тадбирлар изламоқ керак. Кўпгина олимлар ва мутахассислар сув буғланишини камайтириш мақсадида каналларни бетонлаштириш ва бетон-нов тармоқларини ўрнатиш тарафдорлари бўлиб, ирригация ва мелиорация ишларининг намунаси сифатида Мирза чўлда ортирилган тажрибаларни мисол келтирадилар. Биз бу фикрга қўшила олмаимиз. Шаҳарларда, йўл ёқаларида, сув омборларида, каналлар ва тармоқлар — ҳамма ёқда пайдо бўлажак объектларни тасаввур этиб кўринг. Каналларни бетонлаштириш ва бетон-новларни ўтказиш ана шу тармоқлар шағаллик ва қумликлар бағридан ўтаётган жойлардагина ўзини оқлайди, чунки бу ер-

ларда сувнинг йўқотилиши анчагина салмоқли. Бошқа ерларда, хусусан, майдонларимизнинг кўп қисмини ташкил этган майда тупроқли жойларда бу усул фойдасизгина эмас, балки зарарли ҳамдир. Каналларни бетонлаштирар ва далаларда бетон-нов тармоқларини ўрнатар эканмиз, биз бу билан табиатга қўпол суратда аралашаётганимизни, ерости сувлари ва маълум жойнинг микроклиминини қўпол суратда бузаётганлигимизни билмай қолаётимиз.

Ирригация тармоқларидаги маълум сувнинг миқдори ерга сингиши ерости сувлари даражаси ва миқдорини мўътадиллаштириб туради. Энг муҳими шундаки, каналларнинг ҳамда суғориш шохобчаларининг қирғоқларига ёғочбоп ва мевали дарахтларни тигиз қилиб ўтказиш лозим. Улар бизнинг арид (қурғоқ) зона ўлкамиз учун ниҳоятда зарур ва фойдали. Дарахтлар ўзларининг қудратли ва чуқур отган илдиэлари билан ерости сувларини насос каби сўриб олиб, япроқлари орқали буғлантиради ва микроклиминини яхшилайти, ҳавони тозалайти, одамлар ва мавжудотни жазирамадан, экинларни шамол ва гармселлардан ҳимоя қилади, суғориладиган сувлар сарфини камайтиради ва тупроқ эрозиясининг олдини олади, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда муҳим аҳамият касб этадиган кушларни ўзига чорлайди ва уларнинг кўпаяювиге имконият яратади. Умуман, дарахтлар атроф-муҳитга ниҳоятда самарали таъси қўрсади. Каналларни бетонлаштириш ва бетон-нов тармоқларини ўрнатиш тарафдорлари масаланинг ана шу томонини эътибордан соқит қиладилар ва унга бир томонлама тор бошқармавий нуқтаи назар билан ёндадилар.

Суғориладиган сув миқдорини иқтисод қилишнинг муҳим омилларидан яна бири пайкалларни мувофиқлаштириш, уларни мақбул ҳолатга келтиришдан иборатдир. Амалда эса, кўпгина хўжаликларда комплекс механизмлаштириш учун шароит яратиш баҳонасида пайкаллар ниҳоят даражада катталаштириб юборилган. Қадимдан суғориб келинаётган жойларда яхлит майдонлар 25—30 гектарни ташкил этса, янгидан ўзлаштирилган ерларда эса 50, баъзан эса 100 гектаргача етиб боради. Этаги кўринмайдиган далаларда суғориш ишларини мақсадга мувофиқлаштириб олиб бориш мумкинми? Бундай шароитда суғориш қандай бораётганини сувчининг ўзи ҳам назорат қилишдан ожиз. Бу хил майдонларда сув сарфи миқдори икки барабар зиёд. Мазкур муҳим масала 1986 йилда иҳота дарахтзор-

лари муаммосига бағишланган илмий-ишлаб чиқариш кенгашида анчайин мунозараларга сабабчи бўлди. Кенгашда кучли шамол ва гармсел мавжуд жойларда далаларнинг мақбул ҳолати 4—6 гектар, бошқа ерларда 8—12 гектарда бўлиши мақсадга мувофиқ, деб топилган эди.

Шу билан бирликда биз майдони 1,5—2 гектардан иборат майда пайкалларга ҳам эгамиз. Айниқса, Фарғона водийси вилоятларида бундай майдонлар жуда кўп. Бундан ташқари, катта-кичиклигидан қатъи назар далаларнинг атрофи икки қаторлама мевали ва ёғочбоп дарахтлар билан ўраб олиниши лозим.

Тупроқ ҳосилдорлигини кучайтириш ва сувни иқтисод қилиш масалалари суғориш ишларида бир қатор масалаларни ҳал қилишни тақозо этади. Одатда бир гектар ерга ўрта ҳисобда йилига 14—15 куб-метр сув сарфланади. Ана шу сарфни 35—40 фоизга ва ундан ҳам кўпроқ қисқартириш мумкинми? Агар суғориш ишларини илмий муассасаларнинг тавсияси асосида олиб борилса, мумкин. Бироқ ғўза ва бошқа экинларни суғориш ишларида ҳеч қандай техник тараққиёт кўзга чалинмаётир. Ҳамон алмисоқдан қолган усул билан — эгат узунлиги бўйлаб суғориш давом этмоқда. Сув сарфини камайтирувчи энг янги технология ва механизмлаштирилган суғориш усуллари жорий этилмаётир.

Биз йиллар давомида деҳқонлар каби сувчиларни ҳам ер ва сувдан маҳрум қилиб қўйдик. Сувни ортиқча сарфлаш ва сув ресурсларини талон-торож қилишдаги муҳим сабаблардан бири ана шу. Сувни иқтисод қилиш ишларини биринчи галда сувчининг роли ва малакасини оширишдан бошлашимиз керак. Районлар ва хўжаликларда сувчилар мактабини ташкил этиш, разрядлар бериш, «уста сувчи» деган унвон таъсис этиш, уларнинг меҳнатига механизаторлар билан бир хилда ҳақ тўлаш, фақат хўжаликлар учунгина эмас, балки пудратчи ва ижарачилар учун ҳам сув сарфи миқдорини қатъий белгилаб қўйиш, маҳсулот ишлаб чиқариши плани бажарилганлигида бўлган каби, суғориладиган сув иқтисод қилингани учун ҳам қўшимча ҳақ тўлаш лозим.

Илм-фан хулосасига кўра, ўсимликнинг қалинлиги қанчалар зич жойлашса, барглар орқали шунча кўп сув буғланади. Агрономия фанининг йирик намояндалари ўтган асрдаёқ ана шу ҳолатга эътиборни жалб этган эдилар. Бизда эса, турғунлик йилларида айрим олимлар зўр бериб ўсимликларнинг ўта қалинлиги каби фанга зид тавсия-

ларни жорий этдилар. Эндиликда ана шу тавсиялардан ниҳоятда қийинчилик билан қутулаётимиз. Эгат оралатиб суғоришни кенг жорий этиш лозим. Бу усул тупроқнинг юмшоқ қатламни мўътадиллаштириб, ҳароратини кучайтиради, тупроқ айнишини камайтиради, ҳосилдорликни гектарига 2,5 центнерга қадар ўстиради, ҳосил етилишини бир ҳафтага тезлаштиради, энг муҳими, сувни 15—20 фоиз ва ундан зиёд иқтисод қилиш имконини беради. Ўрта Осиё илмий муассасалари томонидан ёмғирлатиб, томчилатиб, қувур орқали, эгиловчан шланглар воситасида суғориш каби суғоришнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган.

Жумҳуриятимиз суғориладиган деҳқончилик, мелиорация ва ирригация маркази ҳисобланади. Музофотнинг фаровонлиги ана шу соҳаларнинг ҳолати билан чамбарчас боғлиқ. Бунда бирон-бир бузилиш рўй берган экан, бунинг сабабларини, энг аввало илм-фанга ва тадқиқот ишларига бефарқлик натижаси деб қарамоқ керак. Илм-фан тараққиёти учун жуда кам маблағ ажратилмоқда, унинг тажриба ўтказиш базаси қашшоқ.

Сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида илмий муаммоларнинг ҳал этилишини етарлича баҳолай олмаслик оқибатида 60-йилларда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси ҳамда ЎзССР Фанлар академияси Сув муаммолари институти тугатиб юборилди. Илгари республика академияси таркибда «Ирригация» ва «Мелиорация» мутахассислиги бўйича 10 та, «Пахтачилик» бўйича 8 та академик ва муҳбир аъзо бор эди. Уларнинг биттадан ўрлақ ҳаммаси оламдан ўтдилар, уларнинг ўрнига эса, битта ҳам олим сайланмади. Бу кечирилмас хатолик бўлиб, академияга бўладиган сайловларда бу хатолик тузатилиши лозим.

Ҳозирги пайтда ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими тугатиб юборилган қишлоқ хўжалик фанлари академияси бажарган вазифани ўтай олмайди. Ана шу муассаса қошида собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясини, шунингдек республика фанлар академияси Сув муаммолари институти тиклаш қаёт тақозосидир.

Мамлакат бўйлаб қайта қуриш жараёни фаол давом этмоқда, ўтмишда қилинган ва истиқболда қилинажак ишлар очиқлик ва ошкоралик билан муҳокама этилмоқда. Биз кўпгина соҳаларда анчайин қийин аҳволдамиз. Тубдан қайта қуриш даврида ҳамма нарса муаммоларга янгича муносабатда бўлиб, дадиллик ва жасорат билан уларни рўёбга чиқаришда қолган.

УЛАР ТУРТИДА  
БИР ШИНИМ

## АФРОСИЁБ ШАҲРИСТО- НИДА

Самарқанддаги кўҳна Афросиёб шаҳристониде совет-француз археологлари экспедицияси иш бошлади. Мазкур экспедиция таркибиде Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология институтининг ҳамда Франция Миллий илмий тадқиқот марказининг олимлари бор. Улар тўрт йил давомида илмий ҳамкорлик қиладилар. Бу тадқиқот ишлари 1984 йили олимлар ўртасида келишилган шартнома доирасида ўтказилади.



Шу пайтга қадар илмий ҳамкорлик антик даври мавзуи доирасида олиб борилган эди. Энди Франция ва ЎзССР ФА Археология институти, шунингдек Тошкентдаги Ҳамза номидаги санъатшунослик институти археологлари ўртасида яна бир шартнома тузилди.

Қазиш ишлари учун икки жой мўлжалланди: бири — илгари совет археологлари томонидан архитектура қолдиқлари топилган санам қасри билан унинг ёнидаги бутхона, иккинчиси — антик даврга тегишли бўлган шаҳристоннинг шимолий қисмидаги қалъа деворидир. Бу жойларнинг француз олимларини қизиқтираётгани боиси шундаки, мазкур нуқта олимларнинг эллинизм — эразмиздан олдинги III—I асрлардан юнон ва миср маданиятларининг қўшилиб ривожланган даврида Ўрта Осиё тараққиётини ўрганишларига ёрдам беради, яъни, Афросиёб тадқиқотлари француз олимларининг бундан бир неча йил муқаддам Афғонистондаги Ойхоним

шаҳристониде бошлаган тадқиқотларининг узвий давоми ҳисобланади.

Р. Гофуров суратга олган (ЎЗАТА)





Алибек РУСТАМОВ,  
профессор

# МАҲБУБУ-Л-ҚУЛУБ

ИККИНЧИ МАҚОЛА

**ТАНЗИҲИ ТИЛ ШАРҲ ҚИЛУРДИН МУВАРРО, ТАҚДИСИ ЭЛ ВАСФ ЭТАРДИН МУАРРО. АЗАМАТИ БОГИДА СИПЕҲР-И ДАВВОР БИР НИЛУФАРДИН КАМУ ҚУДРАТИ ОЛДИДА НУЖУМ-И СОБИТАЮ САЙЁРА УЛ НИЛУФАР ЮЗИДА БИР НЕЧА ҚАТРА-ЙИ ШАБНАМ. НИЛУФАР ЮЗИГА ШАБНАМ СОЧҚУЧИ ҲАМ УЛ ВА ШАБНАМ СУЙИДИН НИЛУФАРЗОР БАЛҚИ ГУЛИСТОН-И ЭРАМ ОЧҚУЧИ ҲАМ УЛ.**

## ШАРҲ

**Танзиҳ ва тақдис** — Бу икки ваздош сўзининг маъноси бир-бирига яқин. Сўзларнинг товушлари миқдор жиҳатдан тенг бўлиб, унлилари айнан такорланса, бундай сўзлар мутаваззин, яъни ваздош деб аталади. Та билан бошланиб, ундан сўнг ёнма-ён келган икки ундошдан кейин и унлиси келиб, яна бир ундош билан тугаган тақдирда, **ташқил, тақлиф, тақдим, таълим** каби сўзлар таъфийл вазнидаги сўзлар дейилади. **Танзиҳ** ва **тақдис** сўзлари ҳам таъфийл вазнидаги ваздош сўзлардир. **Танзиҳ** сўзининг луғавий маъноси назихлигини ифода қилишдир. **Назиҳ** сўзининг луғавий маъноси эса айб, яъни камчиликдан холий, софдир. Демак танзиҳ деганда айбдан холийликни, софликни тил билан ифодалаш тушунилар экан.

**Тақдис** қудслаш, яъни қудслигини баён этиш деган маънодадир. Қудус шаклида ҳам истеъмол этилгучи қудс сўзининг луғавий маъноси зотий поклик, покликнинг ўзидир. **Зотий поклик** деганда бирор нарсанинг пок сифатга эга эканлиги эмас, ҳеч бир нарсани назарга олмаган ҳолдаги покликнинг ўзи тушунилади. Биз бунини тасаввур қилишимиз қийинроқ. Чунки соф покликнинг ўзини маҳсуотсиз, яъни ҳис қилиш мумкин бўлган нарсаларсиз идрок этишимиз қийин. Аммо баъзи ҳақимлар, яъни шарқ файласуфлари ва айрим файласуфлар, яъни ғарб ҳақимлари кўринишда сифат бўлиб туюлганни ўзича бир нарса деб ҳам қарайдилар.

Муқаддас сўзи ҳам мана шу қуд(у)с сўзидан ясалган бўлиб, қудслашган, яъни зотий покликка нисбати бор, шундай покликка эришган деган маънодадир. «Танзиҳи» ва «тақдиси»даги и дан мурод маҳмуд, яъни ҳамд айтилаётган вужуддир.

**Мураббо ва муарро** — Бу икки шаклдош сўз шу ўринда шаклдошликдан ташқари танзиҳ ва тақдисга луғавий маъно жиҳатдан ҳам нисбати борлиги учун қўлланган. **Муарронинг** луғавий маъноси аритилган, муарроникки яланглангандир.

Демак, маҳмуднинг танзиҳи, нуқсондан холийлигининг таъбири, тил шарҳ қилурдин, тақдиси, мутлақ покликнинг ифодаси, эл васф этардин холий, яъни унинг ҳамма нарсдан ориғ ва яланг мутлақ поклигини инсон тил билан тушунтириб, сўз билан сифатлай олмас экан.

Аммо бу поклик ҳақида тахминий бир тушунча ҳосил қилишимиз мумкин. Ўзидан ўзга нарса қотишмаган, юқмаган нарса пок бўлади. Шунинг учун ҳар бир нарса, вужуд поклиги нуқтан назаридан қараганимизда, мураккаб нарсага қараганда содда нарса покроқ бўлади. Масалан, сувга ҳеч нарса аралашмаган бўлса, сув нуқтаи назаридан у пок ҳисобланади. Аммо умуман мавжудот нуқтаи назаридан сув мураккаб бўлгани учун, унинг таркибидаги оксиген ва ҳидроген унга нисбатан содда бўлгани учун уларнинг ҳар бири сувга нисбатан покроқдир. **Навоий Ҳамд айтаётган вужуд эса бутун мавжудотнинг энг поки ва энг латифидир.** Латиф касифнинг зидди бўлиб, буларнинг орасидаги фарқга жисмонийёт, яъни жисмдан иборат нарсалар билан чеклаб назар соладиган бўлсак, қаттиқ жисмлар касиф ҳисобланади. Суяқ жисмлар қаттиғига нисбатан латифроқ, газ ҳолатидаги жисмлар яна ҳам латифроқ, жисмонийётнинг энг латифи нурдир. Нарса қанча латифроқ бўлса, унинг ҳаракати шунча тезроқ ва макону замон чекланмаганроқ бўлади.

**Азамат азимлик**, яъни улканлик дегани. Азаматидаги — и маҳмудга оид бўлиб мадҳ этилгучининг улканлиги назарда тутилган.

**Сипеҳр олам:** жумладан осмон куррасидир. Сипеҳр ва сфера бир сўзнинг икки, шарқча ва ғарбча шакллари дидир. Сипеҳридаги и **изофа** аломати бўлиб, бу сипеҳр сўзининг аниқланмиш ва ундан кейинги сўзнинг аниқловчи эканлигини билдиради.

**Даввор** — айланувчи, сипеҳр-и даввор — доим айланиб турувчи сипеҳр.

**Нужум** — нажм юлдузнинг кўплиги. Бундаги — и ҳам **изофа** аломати.

**Собит** — тургун, ҳаракатсиз, сайёр — доим кезиб юрувчи. Собита ва сайёра дегандаги а аниқловчига унинг аниқланмиши кўплик сийғасида бўлганда қўшиладиган а дидир. Агар нужум ўрнида бирлик, яъни нажм бўлганда собит билан сайёрга а қўшилмаган бўлар эди. Демак, нужум-и собитаю сайёра тургун ва кезиб юрувчи юлдузлар дегани экан. Бу иборадаги сайёра сўзи сифат бўлиб, унинг асиот сифатида планета маъносида ишлатиладиган сайёрадаги а дан фарқ қилади. Сифат сайёрадаги а фақат шаклий восита бўлиб, сайёр билан сайёра бу ҳолда маъно жиҳатдан тенгдир. Аммо от сайёрадаги а бирлик ва аниқлик билдиради ва бу ҳолда сайёр сўзи жамълик маъносига эга бўлса, сайёра маълум бир сайёр деган маънони анг-

латади. Масалан, сифат собита билан от собита орасида ҳам мазкур фарқ бор. **Нужум-и сайёра** ва **нужум-и собита** деган иборалар маънода кезар юлдузлар ва тургун юлдузларга тенг бўлса, **Зухра сайёра**дур ва **Суҳайл собита**дур деган гаплар **Зухра бир сайёр юлдуздур** ва **Суҳайл бир собит юлдуздур** деган гапларга тенгдур.

**Навоий, «азамат-и богида сипеҳр-и даввор бир нилуфардин каму қудрати олдида нужум-и собитаю сайёра ул нилуфар юзида бир неча қатра-йи шабнам»** дер экан, рангу шаклда осмоннинг нилуфарга, юлдузнинг шудрингга ўхшашлигини назарга олиб, маҳмуднинг улканлигини ўқувчига боғ тасаввурда қиёслаб англатган.

**Шоир сипеҳр-и давворни** мудаввар (тўғарак) нилуфарга, юлдузларни шабнам томчиларига ва шу тасаввур асосида бутун борлиқни даражама-даража улканлашиб борадиган кўркем боғча ва боғчалардан иборат ягона бир гўзал боқча ўхшатиб, ваҳдату-л-вужуд эътиқодини вужудга келтирган мавжудот бирлигининг тасвирини яратгач, кейинги гапда бир зикр билан нилуфар сўзини ҳам нилуфарнинг ўзига, ҳам унга ўхшамиш сипеҳрга, шабнам сўзини ҳам шудрингга, ҳам унга ўхшамиш юлдузга нисбатан қўлайди.

**Эрам** — Илк араб қабилаларидан ҳисобланмиш Од қавмининг пойтахти ҳамда **Однинг отасининг исми.** Ривоятларга кўра, Эрам шаҳрини **Однинг ўғли Шаддот** олтин, кумуш ва турли зийнат тошларидан гўзал боғу гулистони билан жаннатнусха қилиб қурдирган, лекин битгандан сўнг уни ҳатто кириб кўриш Шаддодга насиб этмаган. Бу ўринда шоирнинг инсон қўли билан яратилган гулзорларни «Эрам гулистони» деб аташдан мақсади ўқувчига Эрам ривоятини ҳам эслатишдир. Бу талмиҳ саъятидир.

**Навоий «Нилуфар юзига шабнам сочқучи ҳам ул ва шабнам суйидин нилуфарзор, балки гулистон-и Эрам очқучи ҳам ул»** дер экан, ҳокимияту қудрат эгаларини фақат табиий эмас, сунъий неъматларнинг ҳам бош сабабчисини унутмаслик ва кибру ҳавога берилмасликка ундайди.

Мазкур парча икки гапдан ва ҳар бир гап икки қаринали сажъдан иборат. Биринчи гапнинг биринчи қаринаси азамати богида сипеҳр-и даввор бир нилуфардин кам, иккинчи қаринаси қудрати олдида нужум-и собитаю сайёра ул нилуфар юзида бир неча қатра-йи шабнам. Кам — шабнам фосиладир. **Иккинчи гапнинг биринчи қаринаси нилуфар юзига шабнам сочқучи ҳам ул, иккинчи қаринаси шабнам суйидин нилуфарзор, балки гулистон-и Эрам очқучи ҳам ул.** Бу сажънинг фосиласи сочқучи ҳам ул — очқучи ҳам ул. Биринчи гапнинг қариналаридаги қуйидаги сўзларга ҳам аҳамият беринг: **азамат — қудрат; даввор — сайёр(а).**

## ЮБОРИЛМА АГАН

## МАКТУБ

Ака, бу дунёда кўп экан савдо,  
Журъатни онадай севгувчиларга.  
Айниқса уни деб мен бўлдим зада,  
Тақдирни илоҳий дегувчилардан.  
Шу мени бадарға қилган ҳовлимиз  
Тушларимга кирар анжири гуллаб,  
Кўзларига ўсма қўйган сахархез  
Бир кампир яшайди эртақлар куйлаб.  
Мана, мен кўз очиб таниган дунё:  
Чилдирма, китоб ва дуторларингиз.  
Ўзингиз қўшиққа этгансиз ошно,  
Севишни ўргатган китобларингиз.  
Ғийбатчи шамоллар қулоғингизга  
Заҳарлар қуйдилар — бўғзингизда «дод».  
Меҳр ва нафратнинг оралигида,  
Топилди бизларга муносиб ҳаёт.  
Ака, мен бўйлари булутдан ўзган  
Гул эдим, пастладим тупроққа қадар,  
Бир кун қад кўтариб етиб олардим  
Маконингиз осмон бўлмаса агар.  
Ака, қатлим учун келар ҳар баҳор  
Менинг қайсарлигим, сиздаги нуфуз,  
Гарчи орамизда ишқбилмас, беор  
Бир дунё яшайди фаслари куз.  
Энди мен ўсмайман, сизга етмайман.  
Ўсар чирмовиқлар дилни озорлаб,  
Айниқса юксалмоқ мушкул осмондан  
Энг баланд юлдузинг турмаса чорлаб.  
Деворда бир йигит, қайсар ва доно,  
Ёқаси ғуборсиз, мағрур олифта.  
Кечалар меҳрингиз ахтариб танҳо  
Узоқ термуламан суратингизга.

Унутманг, сиз қачон палов дамлайсиз  
Зиранинг бўйлари тутар ҳовлини,  
Учоқ бошда эса, афсус, кўрмайсиз  
Бир қизча ўлтирар ялаб лабини...

\* \* \*

Нима гуноҳ қилдинг ахир худога,  
Сени ўтдан олиб, сувга соладур.  
Кўз очиб кўрганинг кулиб йиғлашу,  
Лаб очиб деяринг шукру ноладур.  
Умрнинг поёни шунга етганда  
Марҳабо! Кетмасанг бўлмайди энди.  
Таҳқир-аламларга ўрганган руҳинг  
Меҳру эъвозларга кўнмайди энди...

\* \* \*

Мен булутман қошингизга  
Ёғмоқ учун бораман.  
Соғинчларим қўймас  
Унда қолмоқ учун бораман.  
Ҳар баҳорда қийнаганда  
Рухни армон тўлини  
Тўсиб қолар ўғилчамнинг  
Киприклари йўлимни.  
Оҳ қоламан, яна бир йил  
Тўлмоқ учун яшайман.  
Осмондаги энг армон булут  
Бўлмоқ учун яшайман.  
Сиз ҳар баҳор кўкка боқиб  
Қўйиб дунё ишини  
Тоқат билан кутасиз бир  
Ҳавонинг айнишини...

МАРҲАБО



\* \* \*

Ялангоёқ эдим, шу кеча  
Бойлик мени айлади асир.  
Ениқ туйғулардан мен учун  
Юрагимга қурилди қаср.  
Ишқ тожини бошимга кийдим,  
Чеккан оҳим дурга айланди.  
Ечдим жулдур жандаларимни,  
Жисму жоним нурга айланди.  
Дунё тўла гадоилар ичра  
Муҳаббат бир танлади мени,  
Изтироблар мамлакатига  
Маликалик қиламан энди...

## Замира РҶЗИЕВА

\* \* \*

Азизим, Сиз ҳақда ўйласам,  
Гўё,  
Эртақлардан чиқиб келар  
сеҳргар.  
Жилмайиб нимадир узатар,  
Илло,  
Кунларим ёришиб кетар меҳрдан.  
Ўзгариб қоламан ўзим ҳам,  
мисли —  
Томчи шабнам — биллур  
ёшдайман.  
Кўксим сиздирилмас ўт-олов  
ҳисни  
Иссиқ-иссиқ сўзлар айта  
бошлайман.

ЎЗИНИ УНУТГАН  
ЯҚИНИМГА

Мансаб деганлари сизни зўр қилди,  
Оддийлик сўзини ҳатто хотирлаб  
қўймоқ малол бўлди.  
Қалбни кўр қилди,  
Кўтариб юрдилар сизни шотирлар.  
Сенингман сенинг деб авради Кибр,  
Қаро панжаларда инсофни тўсди.  
Сиз тушлар кўрдингиз.  
Айтдилар таъбир —  
«Еттинчи осмонга мансубсиз, дўстим».

Ерда юрмас энди, учар оқ «Волга»,  
Қучоғига сиздек зўрни тўлдириб.  
Болалиги қолган майсазор йўлга,  
Тўкиб бораверди шўрни тўлдириб.

Сеҳргар эканми вожаб, мансаб,  
Сиз энди озгинмас, анча семирман.  
Чириган фирибдан милтиқлар ясаб,  
Элининг ризқиға ўқ отган мерган.

Эли алқамаса учиб юрмакнинг  
Шарҳи қуламоқдир, қавмга қайтинг,  
Зўр нотик эдингиз,  
Манов гўдакнинг  
Кўзларига қараб бирор сўз айтинг...

\* \* \*

Мен дунёга келганимда  
У кетган эди...  
Раёшан ФАЙЗ

Мен дунёга келганимда у кетган эди...  
Оқил боболар сўйлади у ҳақда,  
Оқила момолар сўйлади.  
Сўйловлари охириламай...  
Ераб, ёрабким,  
Шундоқ чап кўксимда бир чироқ ёнди,  
Тилимда муборак сўзлар уйғонди:  
«Ватан, мен сени севаман».  
«У кетган экан...»  
Кетмас бироқ хаёлларимдан,  
Боғлар юрагимга яқин келади,  
Далалар, дарёлар, ўтлоқлар яқин.  
Зулумотни тилган чақин келади.  
Дўмбирасин чертиб сўйлайди оқин.  
Тинглайман. Вужудим ёнар, тўлғонар,  
Томиримда қудрат оқар дафъатан.  
Юрагим тоғ менинг,  
Кўксим қалқондир,  
Кўзимга жойлаша билган шу Ватан  
Мени тирик тутган шарбати жондир.  
Жонин асрамаган ким бор дунёда.  
Менинг ҳам борлигим энди куч,  
Кенгая бошлайди қорачиқларим.  
Улкан нафратим бор ёғилар куйгич,  
Қиличга айланар жон санчиқларим...  
...Ватан, хаёлларинг баъзан талотўп,  
Кўкингда йиғлаган булутми, ғамми?!  
Нега сотқин учрар, нега қўрқоқ кўп,  
Е оқил боболар, момолар камми?!

Қайнонам, кўп йиллик пахтакор  
Чаманхон Турғунбой қизига  
эҳтиром билан

Сенинг умринг кўзгудир, она,  
Фош бўлади унда ёлғон, чин.  
Қирқ беш йилинг қуйди жимгина  
Заъфар кунга тириклик сувин.  
Ҳасратларинг ташга чиқмасдан  
Дил тубига бир-бир қулади.  
Бир сиқим нур — илиқ нафасдан  
Кўкрагингга чечак гуллади.  
Ана кетмон, ана қанор-қоп —  
Ўт ёшлигинг, ёйиқ қулочинг.  
Хотиралар битилган китоб —  
Ўттизида оқарган сочинг.  
Кенг далангга тўкилди бир-бир  
Кучинг, ҳуснинг, муборак  
севгинг.

Сенда қолди тўкилмай сабр,  
Уни ёрни севгандай севдинг.  
Ҳайрон боқиб ўтди қанча тун,  
Тонглар ўтди тушунмай, карахт...  
Кутавердинг, (Ҳақиқат бўлса  
Дарвозамга келади деб бахт.)  
Мўъжизасиз дунё дунёми,  
Мўъжиза!  
Вақт ўз исмин топди.  
Бошга қўйиб чин нур зиёни,  
Ҳушёр кунлар сен томон чопди.  
Хур шамоллар эсмоқда, мана,  
Унган майса, эриган қордир.  
Келар бўлди кўкламлар, она,  
Бу дунёда ҳақиқат бордир.  
Сенинг умринг кўзгудир, она...

# УФРИ

Ҳамма гап янги трактордан бошланди.

Холик ака трактор учун колхоз инженери Очил паканага нақд беш юз сўми қуртдай санаб берди. Бунни уйдагилардан яшириб ҳам ўтирмади. Худди катта ютуқ чиққан одамдай оғзи қулоғида эди.

Саттор пешайвонга стол қўйиб, мақола ёзиб ўтирарди. У дорилфунунни тугаллаб, ҳафта бурун қишлоққа қайтган, шу кунларда район газетасига ишга жойлашиш ҳаракатида юрарди. Мақола қўшни қишлоқлик бир илғор бригада бошлиғи ҳақида эди.

У хатдан кўз узиб, отасига ҳайрон тикилди.

— Ие...бундан чиқди... пора берибсиз-да?

— Қанақа пора? — Ота ажабсиниб у томонга ўғирилди. — Таомили шунақа... суюнчи пули десаям бўлади. Керак бўлса, Абдухалил мингга тушди. Меники нима... сув текин.

— Ахир бу...

— Бас! — Ота шартта оғзига урди. — Олаҳуржун бўйнингга тушмаган-да, сайрайсан! Бировни ака, бировни ука демасанг, бу замонда яшаб бўларканми. Ана, жўранг — Сафар ҳўққи. Эски тракторда эси кетиб юрибди. Тилини ширин, қўлини очик қилганида, Очил пакана қайишмасмиди? Қайишарди. Сен ҳам, дўст бор, душман бор, ҳар жойда оғзингга келганини валдирайверма. Муросаю мадорасиз иш битмайди. Очил пакана-ку Очил пакана, оддий омборчи Эшмуродга бир нима деб кўр, кейин юрасан арзиманган эҳтиёт қисмини ҳам фалон пулга қўлдан олиб. Шунақа ишлар. Катталарга иддао қилар бўлсанг, олдиндан қозонни сувга ташлаб қўявер. Тракторчини тўрт гилдирак боқади. Гилдирак эса қуруққа айланмайди. — Шундай дея у дарвозахонада бўёғи ялтираб турган тракторга ишора қилди. — Бу-ку майли, эшитишимча, мактабда медални пуллашаётганмиш... ана бунисига нима дейсан?

Саттор энди кўраётгандек, отасига бақрайганча қолди.

— И, қишлоқнинг иссиқ-совуғида йўқ одамга гапирдинг нимаю, гапирмадинг нима. Сен бу ернинг шароитини қаердан ҳам билардинг, — дея ҳўриллатиб чой ичишга тутинди ота.

Саттор ручка кетини тишлаганча, чуқур ўйга ботди. Ҳақиқатда, ҳамқишлоқларию уларнинг тирикчилиги ҳақида нима билади у? Ҳар келганда иссиқ кутиб, иссиқ кузатиб қоладиган дўстларини демаса, ҳеч нарса.

Қишлоқдан саккиз йил бурун чиқиб кетган. Кундузи ишлаб, кечкида ўқиди. Орада икки йил харбий хизмат... Тавба, бир эснагулик вақт ичида шунча ўзгарди... Ҳар келганда «Тўғри юриб-тўғри тур», деб насиҳат қиладиган отаси айтгани шу гапларни? Саттор отасидан болалик-

дан таниш ва қадрдон хокисорликни қидирди. Йўқ, отанинг афтида ишбилармон кишиларга хос қувлик акс этиб турарди. «Ҳозирча шунга олиб тур, омон бўлгир. Кейин бир гап бўлар», дея Очил паканани бошлаб гап қилганидан ота шу тобда ўзида йўқ эди. Ортиб қолган бир даста пул вужудга ором берар, хаёлида янги-янги режаларни тугдирарди: «Қолган пулга озгина қўшсак, каттароқ жонлиқ беради. Икки-уч ой яхшилаб боқилса, манову қоғозхўрнинг тўйига ярайди».

«Қоғозхўр» ҳамон изтиробда ўтирар, хаёлида яқинда шаҳарда юз берган бир воқеа чарх урарди. Эрта тонгларнинг бирида ҳамхонасининг тоғаси эшик қоқиб келди. Енида ўғли. Тоға гапни чўзмай, дарҳол муддаога ўтди: «Биринчи имтиҳонга таниш керак, жиян». «Нега энди биринчисига?» «Ўғилнинг медали бор. Биринчисидан беш ола... хуллас, ҳаракатингни қил. Пулидан қочма?» «Мактабни медал билан битирган бўлса, таниш-билишнинг нима кераги бор», деди Саттор бир четда қимтиниб ўтирган йигитчага айрича меҳр билан назар ташлаб. «Ўзи оптимист... — Тоға, бунча соддасиз, деган маънода истеҳзоли кулди. — Институтга кириш осон бўлсин дедикда. Энди озгина туртки бўлса... бу ташвишдан ҳам қутилмаиз». «Эя!» Саттор ҳайратда донг қотди. Сўнг ниманидир баҳона қилиб, ташқарига чиқди-да, то улар кетмагунча қайтиб кирмади. Қайтиб кирса бўлмасди, меҳмоннинг кўнглини оғритиб қўйишдан ўзини тиёлмасди. Ушанда бир пайтлар қўлига юз сўм тутқазиб, поездга солиб юборган отасининг, бор, пешонангни уриб кўр, зора бахтинг чопса, деган гапини эслаб, ўзимизнинг одамлар дуруст, болаларига пой-патак бўлавермайди, тўғри сўз, диёнатли одамлар, деган хаёлга борганди. У ҳануз ҳамқишлоқлари ҳақида болалик хотираси билан яшарди. Мана энди, отаси ажиб бир нурга йўғрилган таассуротларни шафқатсизларча яқсон қилмоқда.

— Айтмоқчи, — дея унинг хаёлини бўлди отаси, — гапингга киради, Сафар жўрангга сал насиҳат қилиб қўй. Кўп ҳам Очил пакана билан тиклашавермасин. Томири сувга етган унинг. Вир акаси районда прокурор (терговчи демоқчи), бир иниси магазинди еб ётибди. Пули бисийёр. Емонликка олишса, ҳар бало қилишлари мумкин. Бекорга чиранишдан нима фойда? Очил пакананинг устидан райкомга шикоят қилиб-ку, тоғасига жабр қилди.

— Нима? — Саттор тушунмади.

— Эшқул чўлоқ хирмондан дон ўғирлаб қўлга тушганди. Шомурод прокурор уни икки йилга кесиб юборди. Алининг аламини Валидан олди, баччағар. Бўлмаса, ярим халта дон киши-

нинг хуними... Шундаям кўзи очилмапти жўрангнинг. Ҳамон тирашиб юрибди. Сағир бола, одамнинг раҳми келади-да.

Сафар-а? Уша нимжонгина дўсти-я? Демак... демак, ҳамма айниб улгурмабди-да. Қизиқ, нега бу ҳақда бир оғиз айтмаган. Шошма, ўзинг дўстларингдан бирон марта ҳол-аҳвол сўраганмисан? Назарингда, дунё ташвиши елкангда-ю, ғийбатдан оғзинг бўшамасди.

Шаҳар шовқинидан толиққан асаблари қишлоқда ором топгандай бўларди. «Силар билан яйрайман!» дерди даврага соғинчли назар ташлаб. Дўстлари хуррам жилмайишади. Нурилла рубобни қўлига олади. Кимдир унга жўр бўлади. Қўшиқ яримлаганда, Саттор сархуш чайқалганча беихтиёр эҳтирос билан шивирлайди: «Асли ҳаёт шу, қолгани юрунда!» Қўшиқ қўшиққа уланади. «Қани, жўра, шаҳар янгиликларидан бир гапир энди?» У ҳушёр тортади. Дўстлар нигоҳи унда. У ёстиқдан тирсақ узиб, жойлашиброқ ўтиради. Нимани гапирса экан? Одатдагидек, ўзи ишлайдиган шопалоқдай газетанинг хомсемиз, жонсарак муҳаррири кўз олдига келади. Аммо уни ғийбат қилавериш чарчаган. Шунда хаёлида бир қиз жонланади. Ана у ичкарига кириш-кирмаликни билмай, остонада қимтиниб турибди. Қўлида тўрт буклоғли қоғоз. Бир гуруҳ ёшлар номидан фабрика маъмурияти устидан шикоят кўтариб кепти. Саттор воқеани атрофлича ўрганиб, каттагина мақола қилади. Мақолани ўқиб, муҳаррирнинг пешонаси тиришади: «Шуни дастурхон қилиш жуда зарурми? Шусиз ҳам ҳамма ёқни танқид босиб кетди». У хаёлан тахлани варақлаб тузукроқ танқидий мақолани учратолмайди. Аммо тортишув фойдасиз. Орадан ҳафта, ўн кун ўтиб, мақола йирик газеталардан бирида чиқади. «Юринг, партком чақирапти, — дейди муҳаррир ранги-қути учиб. — Сиздан ҳеч қутилмадим-қутилмадим-да». Корхона партия қўмитасининг секретари уларни совуқ қаршилайди: «Уйдаги гап кўчага чиқмасин деб неча марта айтишим керак, — дейди у қўлидаги гезетани силкитиб. — Ҳар қанча танқид бўлса, ўзимизда беринг деганман-ку, ахир. Бундан кўра ишчиларни меҳнатга рағбатлантирувчи мақолаларга зўр беринг!» Саттор зўр беради. Корхонада у мақтаб ёзмаган одам қолмайди. Шунга қарамай, ора-сира парткомга кириб туришни қанда қилмайди.

Унинг гап қозони қайнаб турганида, Сафар унга бехос совуқ сув қўйиб юборди: «Қўй, жўра, кўп майда гап бўлма». Сатторнинг жони чиқади: «Одам деган воқеликка бу қадар бефарқ бўлмайди. Аҳмоқ бўлмасам, дардимни келиб-келиб силарга айтаманми».

Аммо унинг зардаси қўшиқ саси остида қолиб кетади. Кимдир, қўй, хафа бўлма бу тентақдан, деган маънода тиззасига қўлини қўяди. Бошқа бири пиёлада арок туттади. Аслида қўшиқнинг тўсатдан бошланиши ҳам уни чалғитиш учун эди.

Эртаси у йўл тадоригини кўради. Шунинг билан бир йил, ярим йил қорасини кўрсатмайди. Ҳар сафар шу аҳвол.

Саттор гажийвериш ручка кетини чўрт узиб олгач, олдидаги қоғозга хаёлчан термулди. Илҳом билан битилган жумлалар кўзига гализ ва ғариб кўринди. У бундай мақолаларни кўплаб ёзган. Кеча муҳаррирга бир тўпини олиб борган. Муҳаррир уларни эринибгина варақлаб, шунга ўхшаш мақола ёзиб келишни буюрди. Қаерга ва кимга бориб учрашини ҳам айтди. Мана ёзапти. Чучмал гаплар, ёлғон ташбеҳлар...

Эшиги олдидаги сайхонликда қорамойга беланганча тракторини чўқилаётган Сафар уни хомуш кўриб ҳайрон бўлди.

— Бу зорманданинг янгисини минсанг бўлмайдами? — деди Саттор ўсмоқчилаб, унинг саволини жавобсиз қолдираркан.

— Янгисини? — Сафар дўстига ҳайратомуз тикилди. Кейин мийиғида кулимсиради. — Янгисига... бекорчи пул йўқ, жўра. Бунни энди... раҳматли Кўчар инженердан хотира деб қимирлатиб юрибмиз-да.

— Шу гап ростми?

— Нима?

Саттор бармоқларини бир-бирига ишқалиб, тракторга ишора қилди.

Сафар кулди.

— Ростдирки, кела солиб гапни пичингдан бошлаяпсан.

— Нега мендан дардингни яширасан? — Саттор унга гинаомуз тикилди. — Ахир бегона эмасман-ку. Ачинишу газабланишдан ташқари, яна нимадир қўлимиздан келади...

— Қанақа дарад? — Сафар ҳайрон бокди. — Нимани яширибман? Ҳа, дарвоқе... — У бошини жимжилоғи билан қашаганча, бир зум ўйга толди. — Агар қишлоқдаги паст-баланд гапларни назарда тутаетган бўлсанг... Нима десам экан? Шу дамгача ойда, йилда бир келадиган меҳмон эдинг. Сени кўриб дардимиз ҳам эсан чиқиб кетарди-да, жўра. Мана энди... секин-аста ўзинг билиб олаверасан...

Бирор соатлардан сўнг у Сафарнинг уйга қилган таклифу қистовига қарамай, қир томон юрди.

...Сафар билан бўлган гурунгда шу нарса аён бўлдики, Очил пакана қишлоққа порахўрликни олиб кирибди. Шоди таъмагир ҳар уқолига пул олармиш. Мактабда олтин медалнинг енг ичида пулланиши ҳам рост эмиш. «Одамлар! Одамлар нега жим?!»

Унинг бу саволига Сафар тезда жавоб бермади. Узоқ ўйлади. Ўйлаб туриб айтган гапи шу бўлди: «Билмадим, жўра. Емон нарса юкумли бўларканми... нафратдан кўра уларга ҳавас қилувчилар кўп. Тагин айтсам, шу-у... ҳайиқишадими-ий... Масалан, Очил пакана. Ким ўзи у? Чаласавод бир инженер. Лекин... пес песни қоронғида танийди дегандек, рай-



онда ўзига ўхшаган оғайнилари сероб. Ҳар шанба яккатутнинг тагида ароқхўрлик қилишади. Шоди дўхтир ўшалар билан...»

Саттор, зора кўнглим ёзилса, деган умидда қирга кўтарилган эди. Аммо томорқасида хотиржам айланиб юрган Шодини кўриб қолиб, дили баттар хуфтон бўлди. Беихтиёр хаёлида кечаги сухбат жонланди.

Шоди, қўлида ялтироқ темир идиш, Норхол момоникидан чиқиб келаётган экан, тўхтаб сўрашди. Кейин дабдурустдан сайраб кетди: «Қайтиб яхши қипсан. Узоқнинг бугдойидан яқиннинг сомони яхши деганлар. Ҳарна бобойга қувват... Бечора дард тортавериб, тамом бўлган. Дорининг кучи билан тиккайиб юрибди. Ҳафтада ҳолидан хабар олиб турибман. Ҳа, айтмоқчи, редакторинг танишроқ, бир оғиз... бир нима деб қўяйми? Керакмасми? Ҳай, унда ўзинг биласан. Хуллас, бобойни катта дўхтирларга кўрсатсанг ёмон бўлмасди». Саттор кеча, ундан беҳад миннатдор бўлганди. Энди ўйлаб кўрса... Ҳа, Шоди ўлгидек қув — қичийдиган жойини олдиндан қашиб қўяди. Ваҳоланки, унга тирғалишни Саттор хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Ҳозирча бутун фикри-зикри Очил паканада эди.

Бу вақтда Очил пакана биқинида «Олтой» ёзуви бор машинада уйига қайтиб, «Жигули»сида қаёққадир кетиб борарди. Саттор уни кўзи билан кузатиб қоларкан, бирдан хаёлидаги нарсанинг дахшатли оқибатини аниқ ҳис қилди: эрта-индин Очил паканани газетага ёзиб чиқса, қишлоқнинг, ҳеч деганда, учдан бир қисми у билан ёвлашади. Шаҳарнинг йўриғи бўлак эди. Бу ерда ҳамма бир-бирига хеш — чатишиб, чирмашиб кетган, бирининг оёғини боссанг, бошқа бири дод дейди...

Аммо энди кеч эди. Сатторнинг кўнглида болаликдан таниш ва доимо ташвиш келтирадиган ҳақиқатпарастлик ҳисси аллақачон бош кўтарган, миясида ёзилажак мақола пишиб, етилиб келарди.

\* \* \*

Колхозга текширувчилар келган куннинг эртаси эски дарди қўзиб, Холиқ ака ётиб қолди. Касал кўргани келган Шоди она-си узатган пулни олмади.

— Тафтишчининг бир иш чикаришига ишонмайман, ўртоқ, — деди шу иш устига келиб қолган Сафар дўстини четга тортиб. — Менга берган саволларида туз йўқ. Абдухалил акадан, бари бўхтон, деган мазмунда тилхат олишибди. Халқ назорати демай, тўғри газетга уриб чиққанинг дуруст эди. Йўқ деганда, бутун районда шарманда бўларди.

— Хавотир олма, — деди Саттор муҳаррирнинг гапини эслаб. — Ҳаммаси жойида бўлади.

Муҳаррир мақола билан танишиб чиқиб: «Жуда соз. Юморга бой материал ўқимишли бўлади. Лекин буни текширмасдан бериб бўлмайди. Қоидаси шу. Халқ назорати текширсин. Кейин уларнинг хулосаси билан бир саҳифа қилиб берамиз», дея аризасига қўл қўйганди. Берган топшириғини суриштиради ҳам.

Саттор шуларни хаёлидан кечираркан, бирдан ҳушёр тортиди. — Абдухалил акадан тилхат олишибди дедингми?

— Ҳа.

— Қизик.

— Асли уни қўшмаслик керак эди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Саттор ундан ҳам кўра ўзини овутиб. — Райондагилар ҳақиқат қилишмаса, вилоят, керак бўлса, ундан каттароқларига ёзаман. Тинч қўймайман уни.

— Шундай қил, жўра. Кўрдинг, ҳалитдан Шоди дўхтирнинг патагига қурт тушиб қопти. Эшитганда... Пулга оч итдай тикилади-ю икки кўзи сенда. Шу ўқишга ўқиб, хўп яхши иш қилгансан-да, жўра.

Эртаси кечки пайт ишдан қайтаётганда, дўхтирхона ёнида Шоди йўлини тўсди. Қўшқўллаб қуюқ сўрашди. Отасининг аҳволини суриштирди. Ноёб дори топиб қўйганини айтди.

Саттор хайрлашиб кетмоқчи

эди, Шоди қўлини қўйиб юбормади.

— Ичкарига кирайлик, гап бор, — деди.

— Айтаверинг шу ерда, — Саттор, энсаси қотиб, норози чимирилди.

— Бу ер... тўғри келмайди. — Сир денг?

— Ҳа, энди... — Шоди уни эшик томон ундади. — Қани, юра қол. Е бизни одам ўрнида кўрмайсанми? Езувчи одам халқ ғамини эшитмоғи лозим. Е нотўғримми?

— Сизда ғам нима қилади? — Саттор кулди.

— И-и, ичимиз тўла ғам.

Ичкарига кирдилар. Шоди эшикни кулфлаб, Сатторни дераза тагидаги оппоқ чойшаб ёпиғли столга таклиф этди. Саттор атрофга анграйганча бўлмай, столда яримталик билан егулик улбул пайдо бўлди.

— Кўп ўтирмаймиз, — деди Шоди унинг ҳайрон бўлганини кўриб. — Бусиз тил ешилмайди. Кейин бирга силарникига ўтамиз. Отангга укол қилишим керак.

— Яхшиси, уйга бора қолайлик.

— Йўқ. Бунинг гашти бўлакча... Е сен бунақасига ўрганмаганмисан? Сенга спирт керак эмасми? Айт, истаганингча топиб бераман.

— Ҳай, нима гап эди?

— Олдин битта-битта уриб олайлик, гап қочмас. Агар, сени одам демайман, десанг, майли, ичма. Зоримиз бор, зўримиз йўқ. — Нега ичмай, қуйинг.

Ичдилар.

Иккинчи пиёладан сўнг, Саттор жойлашиб ўтирди. Тинмай чакак ураётган Шоди кўзига ёқимли кўрина бошлади. У айтмоқчи бўлган «муҳим гап»ни ҳам унутди. Қўлига сигарет олиб, унга саволомуз тикилди.

— Чек. Чекавер, — деди Шоди. — Менга ҳам битта бер. Ичсам хумор қилади. Лекин, сенга айтсам, носдан яхшиси йўқ. Тўра чол ўлди-ю носга ёлчимай қолдик. Е менам сигаретга ўтсам-микан, а? Айтмоқчи, уйланиш ниятинг борми? Қишлоқ тўла

қиз, биттасини танла. Любойи сенга жон-жон деб тегади.

Саттор, ичида нимадир жимираб, ёйилиб кулди.

— Кеча биттаси жа ортингдан тикилиб қолди.

— Ким?

Хохлашиб кулдилар.

— Сен Мамадиёр устанинг қизини қўлдан чиқарма, — Шоди пиёлаларни тўлдириб, бирини унга узатди. — Жаҳонда унга тенг келадиган йўқ. Ана ҳусну, ана латофат. Бай-бай.

— Ушамиди?

— Ҳа, юракдан урдими дейман, бунча суриштириб қолдинг. Қани, ўша қизнинг соғлиғи учун битта кўтарайлик. Кейин...

Иккинчи шиша яримлаганда, Шоди қизни таъриф ва тавсиф этиб бўлганди.

— Уйлан ўшанга, — дея гапига хотима ясади Шоди шишага қўл узатиб.

— Қуй-йманг, бо-ошқа ичмайман.

— Икки бирдай йигитга нима бу. Қани, ол.

...Улар ташқарига чиқишганида, борлиқ ой нурига чўмган. Енгил шабада даладан қовун ҳидини олиб келарди.

Саттор йиқилиб тушадигандай, деворга суяниб тураркан, қишлоқ томонга қаради. Бир ҳатлагулик масофа ҳозир унга жуда узоқ туюларди.

— Кетдикми-и? — деди у оғир чайқалиб.

— Сен кетавер, мен изингдан етиб бераман.

— Си-из зў-ўр инсон... ҳиқ... мен кет-дим.

Шоди кулди. Кулиб туриб тева-ракка зимдан назар солди. Кейин Сатторнинг тирсагидан тутиб, йўлга солиб юборди.

Саттор қайт қилиб юборди. Кўз олди туманлашиб, йиқилиб тушишига сал қолди. Кейин ўзини ба-зўр тутиб, гандираклаганча йўлда давом этди. Бир оз юрмай, қўлини нимадир силтаб тортгандай бўлди. Қараса, қўлида арқон, ортидан боя ариқ бўйида кўрган сариқ сигир ювошгина эргашиб келарди. Е тавба?! Бу қаердан кеп қолди? Нима жин уриб буни етаклаб юрибди?

Уйлаб ўйига етгунча бўлмай, йўл бўйидаги қатор тутлар ортидан «Ушла, ўғрини!» деган ҳайкириқ эшитилди-да, зум ўтмай атрофини беш-олти чоғли киши ўраб олди.

— Энагарди боласи, сигирни қаёққа еталаб кетаяпсан?

Саттор яккатутнинг тагида қозон кавлаб юрадиган қоровул чолни аранг таниди.

Кимдир қуймичига ўхшатиб тепди.

— Ўғри! Муттахам!

Бошқа бири юзига тарсаки тортиди.

— Вей, энангни...

Кайфи учган Саттор атрофга жавдираркан, сал нарида ишшайиб турган Шодини кўрди. Очил пакананинг қорасини пайқагандай бўлди...

У ғазабдан титраб Шодига интилди.

— Аҳ-х, ярамас!

Етиб боролмади. Қорнига кетма-кет тушган тепки зарбидан тупроққа қоришди.

Эртаси у милиция хонасида ўзига келди.



О. Восихонов чизган расм.

# ФАРҒОНА: ФОЖЕА, МИШ-МИШ, ҲАҚИҚАТ

## БОШГА КУЛФАТ ТУШГАНДА

Азал-азалдан донолик руҳида тарбияланиб келган, меҳр-оқибат туйғуларини ўзгалардан қарз олишга муҳтож бўлмаган халқимиз: «Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака қочади», деб жуда яхши айтган. Шунинг учун жанжал чиқиши даргумон тутилган катта-кичик жойларга энг аввало зукко ва доно қариялар таклиф этилганлар. Қанчалар аччиқ эса-да, уларнинг етти ўлчаб, сўнгра айтган сўзлари кескин ва кескир бўлган. Ҳақиқат ва адолат тарозисида тортилган ана шундай сўзгина қатъий ва улғувор сўз бўлиб жаранглайди.

Фалсафий чекинишимиздан буромад битта: хунрезлик фожеаларида бирорта қария у ёқда турсин, мулоҳаза ва мушоҳада билан иш юриши ҳаётий тажрибасига эга бўлган ўрта ёшдаги кишилар ҳам иштирок этмаганлар. Лекин улар оддий кузатувчи сифатида ўзларини четга олиб қараб туришгани ҳам йўқ: оталар виждон ва имонни, оналар чирқиллаб турган гўдакларини ўртага қўйиб, фарзандларини фалокатли йўлдан қайтаришга уриндилар, опалар ва сингиллар сочларини ёйиб, ўз ака-укалари оёғига ташланиб дод солдилар, балойи-қазо комидан уларни даф этмоқчи бўлдилар. Кўп ҳолларда ҳаракатлар зое кетди, айрим пайтларда, оз бўлса-да, бу ишларнинг нафи тегди. Партия ходимлари ва раҳбарлар орасида ҳам ўз жонларини гаровга қўйган ҳолда фожеавий вазиятлар тизгинини ёрдам етиб келгунга қадар ушлаб туришга қобил кишилар бўлди.

Умуман, Фарғона музофотининг деярли барча жойларида аҳвол кескин ва хавфли эди. Одамлар даҳшат исканжасида қолдилар, саросимага тушдилар, дастлабки пайтлардаги нотайин вазият: ҳатто ички қўшинларнинг бу ерга келтирилган ҳарбий бўлинмаларининг ҳаракатсизлиги вужудларга ғулғула солди. Қўқон партия ва совет идоралари раҳбарларининг ўта даражада бепарволиги ва лоқайдлиги икки юз минглик шаҳар аҳолиси бошига катта кулфатлар келтирди.

Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг: қонли воқеалар арафасида — 5 июнь кунини Қўқон шаҳар партия комитетининг иккинчи котиби Юрий Гончаров энгил саноат машинасозлиги заводида учрашув ўтказди. Ишчилар Қувасой, Фарғона, Марғилон, Тошлоқ, Комсомолдаги даҳшатлар бу ерда ҳам рўй бермаслигига қафолат борми, деган савол билан мурожаат этадилар. Котибининг ўта осойишталик ва хотиржамлик билан берган жавоби: «Ваҳимага тушишнинг ҳожати йўқ. Шаҳар атрофини мингга яқин солдатлар кўриқлаб туришипти, аҳоли тинчига ҳеч кимса раҳна сололмайди».

Жинойткорона совуққонлик! Тўйдан кейин қўйилган хинадай таассурот қолдирган — қонли воқеалардан сўнг зудлик билан тузилган ишчи дружиналари айна ана шу хатарли онларда шакллантирилиши, аниқ-равшан ҳаракат программаси билан таъминланиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турган эди-ку! Оқибат нима бўлди? Орадан бир кун ўтиб, шаҳар уч кун давомда батамом ҳокимиятсиз қолди. Жазавага тушган оломон жазавага тушган қуролли кишилар томонидан ўққа тутилди.

Худди мана шу раҳбар, яъни Юрий Гончаров шаҳардаги воқеалар кескин тус олиб турган, бутун жумҳурият юрак ҳовучлаб, нафасини ичига ютиб, вужуди қулоққа, борлиги кўзга айланган хавотирли ва таҳликали дамларда Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг (Давоми. Боши ўтган сонда.)

томошабинларга бирор сўз айтиш ҳақидаги илтимосини кескин рад этди. Бу нима — қўрқоқликми, нописандликми? Ҳолбуки ҳукуматимиз раҳбари ўртоқ Н. И. Рижков Ўзбекистон телевидениеси мухбири билан суҳбатни айнан ана шу ерда — Қўқон шаҳрида ўтказди, миллионлаб кишилар бу суҳбатни қониқиб тингладилар. Шаҳарнинг ўз раҳбарлари эса, мухбир билан суҳбатлашсалар, мартабадан тушиб қоладигандай йўл тутдилар! Бу воқеа хусусий кўринишдай туюлса-да, мафкуравий ишларнинг қай даражада ўлда-жўлда аҳволга ташлаб қўйилгани ва унинг хунук оқибатларини кўрсатади.

Қўқон шаҳри ва унинг атроф мавзелари аҳолисининг сўнгги кезларда бу жойларда экологик вазият кескинлашганидан норозилик туйғулари жунбушга келган эди. Сўх сув омбори қурилиши муаммо бўлиб турарди. Янги Қўқон Кимё заводи, тугатилиши аллақачон ваъда берилган суперфосфат заводи атроф муҳитини ва ичимлик сувларни захарлашда давом этарди, митинглар ва халқ депутатлари билан учрашувларда меҳнаткашлар бу масалаларни пайсалга солмай ҳал этишни талаб қилардилар. Ана шундай бир вазиятда — 7,8 июнь кунлари шаҳарда тўс-тўполонлар ва ғалаёнлар бошланиб кетди. Социал-иқтисодий талаблар билан кўчаларга чиққан одамлар уч томондан — Поп, Риштон, Бешариқ томондан кириб келган оломон билан қўшилишиб кетди. Бир гуруҳ одамларнинг қўлида кетмон ва паншахалар, бошқа гуруҳ одамлар қўлида шпорлар ва талабномаалар. Вазиятнинг ана шу чигал ва мураккаб тугунларини атайин назардан қочирган баъзи раҳбарлар ва уларга эргашган мухбирлар «экстремистик гуруҳлар қайта қуриш ва демократия шиорини ҳам ниқоб қилиб олганлар», демоқчи бўладилар. 7 июнда шаҳар милицияси биноси олдида, 8 июнда шаҳар партия комитети биноси олдида тажовузкор гуруҳлар ҳам, ўз дарду ҳасратини шпор қилиб ёзиб чиққан тинч намойишчилар ҳам ўққа тутилади. Кўплаб бегуноҳ қон тўкилади.

Қўқонлик Маҳмуд Султонов ҳикоясидан: «Жағ суягим операция қилиниб, шаҳар ички ишлар бўлими биносига яқин жойлашган 1-шифохонада даволанаётган эдим. Қасир-қусур ўқ овозлари эшитилиб қолди. Юзларида саросима зухур топган шифокорлар бизни у томонга қўйишмади. Орадан ярим соатлар ўтиб, «тез ёрдам» машиналари шифохона ҳовлисига тўлиб кетди. Мен бунақа манзарани умримда кўрмаганман: ҳамма ёқ қон. Уликлар, ярадорлар... Баъзиларнинг афт-ангори дабдала бўлганидан одам сиёғи қолмаган. Бир ярадор қўйилган хона эшигига «номаълум киши» деб ёзиб ҳам қўйишди. Наҳотки шуларнинг ҳаммаси Фарғона фожеаларининг гуноҳкорлари бўлсалар? Ишоналмайман...»

Тошкент Автомобиль транспорти ва йўллар институти талабаси, қўқонлик Бахтиёр Аминов ҳикоясидан: «Рафиқам Нодирахон шаҳар милицияси биноси яқинидаги боғчалардан бирида ишлайди. Иш вақти тугаганига қарамасдан келавермади, хавотир олдим ва велосипедимни миниб, ўша томон ҳайдадим. Минглаб одамлар йўлни тўсиб қўйган эдилар. Нима бўлаётганини билмай, берироқда — дарахт остида тўхтадим. Бир пайт ҳамма ёқни қасира-қусур ўқ овозлари тутиб кетди. Армия хизмати муддатини бундан уч йил бурун тугатиб қайтганман, ўша ерда ҳам бунчалик ўқ овозларини эшитмаган эдим. Бир пайт шундоққина тепамдаги дарахт шох-

шаббаларини пайдарпай ўқлар шивалаб ўтди. Худди чинакам жанг чоғидагидек пусиб ва қаддимни букиб, бу жойдан ўзимни зўр-базўр олиб қочишга улгурдим. Хотиним бошқа йўл билан уйга бориб, гўдагини бағрига босганича минг хавотирликда мени кутиб ўтирган экан...»

Қўқон энгил саноат машинасозлиги заводи ишчиси Мамат Тожибоев ҳикоясидан: «Шаҳар партия комитети биноси олдидаги митингга мен ҳам иштирок этдим. Йиғилганлар жуда кўпчилик эди. Бирортасининг қўлида на тош, на таёқ бор эди. Биз қуруқ ерда ўтирганимизча қаршимизда сўзлаётган шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ҳикмат Мусабоевнинг сўзларини тинглаётган эдик. У социал-иқтисодий масалаларга доир ёзма талабно-мамизни қўлида ушлаб, биринма-кетин ундаги сўровларга жавоб қайтарарди. Рўпарамизда қалқон, автомат ва резина таёқ билан қуролланган солдатлар тизилишган эди. Тўсатдан отишма бошланиб қолди. Ваҳима ичида қолган оломон ҳамма томонга тирқираб қоча бошлади. Мен бетон ариқ ичига тушиб ётиб олдим. Одамлар устимдан ҳатлаб ўтишарди. Ариқ ичида судралиб, хиёбоннинг охиригача бордим. Тура солиб, шу ерга яқин кўча ичига ўзимни урдим. Ваҳима ичра ортимга боққанимда думалаб ётган одамларнинг гавдасига кўзим тушди, вой-войлаган овозлар қулоғимга чалинди. Рости, ўлимдан қолдим. Кейинчалик билсам, анчагина одам ўққа учган экан...»

«Меҳнат байроғи» газетаси редакциясининг биноси ҳам шу ерда жойлашган. Шаҳар журналистлари бино ойнасидан воқеаларни кузатиб туришган. Улар ваҳима ичра қочиб, йиқилиб қолган одамларнинг резина таёқлар билан калтакланишини ҳам ўз кўзлари билан кўрганлар.

Боя айтганимиздай, шаҳарда ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетган. Тинч намойишчилар билан тажовузкорлар гуруҳи баъзан қўшилишиб кетган. Орқа томондан котиб сари отилган тош автоматларнинг ишга тушишига кифоя қилган. Мамлакатимизнинг турли жойларида бўлиб турган тўс-тўполон пайтлардагидай аҳвол рўй берган: кимдир биринчи бўлиб ўқ отган, лекин ким биринчи бўлиб буйруқ берганлиги номаълум. Дастлабки расмий маълумотларга қараганда, йигирма киши ўлдирилган, бир неча ўнлаб кишилар яраланган. Совет ҳокимияти йиллари ичида Қўқон шаҳри ҳеч қачон бундай талотўп исканжасида қолмаган эди. Халқ бошига чинакамига кулфат ёғилди.

Фарғоналик табаррук қария — 86 ёшли Муҳаммадбек Сулаймонов айтганидай, хонадонларга ўт кетса, кўп нарса вайрон бўлади, лекин дилларга ўт туташса, унинг чорасини топиш мушкул бўларкан.

## БИР РИВОЯТ ХУСУСИДА

Рус халқ оғзаки ижодига мансуб бир ривоят бор: эмишки, бир сайёҳ узоқ ўлкаларга ёлғиз сафарга чиқибди. Борлиқни тун зулмати қоплаб келаётган паллада у йўлдан адашибди. Атроф-теваракда бўриларнинг улиши, бой-ўғилларнинг хунук сайроғи сайёҳнинг кўнглига ваҳима солибди. У саросима ичра ҳаётдан батамом умидини узиб турган бир пайтда рўпарасида хушрўйгина бир йигитча пайдо бўлибди-да, сайёҳга йўл кўрсатибди: «Сенинг учун биргина нажот йўли ана шу», дебди у.

Хайратдан ёқа ушлаган сайёҳ: «Сен кимсан, қаердан пайдо бўла қолдинг?», деб сўрабди. Йигитча: «Мен — шайтонман», дебди. «Шайтон бунақа бўлмас эди, шеклли, — деб эътироз билдирган бўлипти сайёҳ, — уни бадбашара, хунук, минг хил қиёфага кириб товладиган шарла, дейишардику?» «Хамма гап шундаки, — деб мулоимлик билан жавоб берибди шуруйгина йигитча қиёфасидаги шайтон, — менинг қандай қиёфага киришим менинг расмимни чизган ва чизаётган одамнинг мўйқаламига боғлиқ. Сенинг тасаввурингда эса мен ҳозир кўриб турганингдек қиёфадаман». Шайтон шундай дебдию, кўздан ғойиб бўлибди. Сайёҳнинг умри ёнига қолди.

Фарғона фожеаларининг тасвири, талқини ва таҳлили, ҳолисанилло муносабатни тақозо этгани ҳолда, сўз ифодаси учун оғиз бўшлиғида айланаётган тилимизга, қоғоз узра йўрғалаётган қаламимизга, виждонимиз ва масъулиятни қанчалар чуқур ҳис этишимизга боғлиқ. Афсуски, айрим ҳамкасабаларимиз, айниқса марказдаги мўтабар газета ва журналларнинг мухбирлари шайтонни қандай қиёфада кўришни хоҳласалар, шу йўлда ранг чаплаб ташламоқдалар. Халқ бошига кулфат тушган Фарғона воқеасида таҳликали дамларда, поклики нопокликдан фарқ қила билган зотгина ўз сўзига ишонтира олади кишини.

## МУАММОЛАР ИЛДИЗИ ЧУҚУР...

Икки халқ-элат ўртасидаги низо-нифоқни бартараф этиш керакми ёхуд улар орасига душманлик уруғини сочиб, бир-биридан хун ва қурбон талаб қилишни давом эттириш лозимми?

Ҳозирнинг ўзидаёқ қатлам-қатлам асарлар жилдига жо бўлгулик матбуот материалларини назардан кечирсангиз, халқ шаънига айтилган ҳақоратомуз сўзлардан тортиб, ростлигига ақл бовар қилмайдиган, гўё атайин тўқиб чиқарилгандай таассурот қолдирувчи тафсилотларгача дуч келасиз. Бюрократиянинг ҳамма соҳалардаги ўзбошимчилиги ва тазийқини ҳис этган одамлар матбуотнинг ошкоралик туфайли юзага чиққан ҳақ сўзига эндигина умид боғлаётган эдилар. Айрим марказий матбуот нашрларининг воқеаларни ўз билгича талқин этиши, реакцион (ҳали ақли-ҳушини йиғиб олмаган 12 яшар болани экстремист деб аташга журъат ва жасорат сезган газеталарга нисбатан бу сўзни ишлатишдан биз ҳам ўзимизни тийиб туролмадик) йўл тутиши воқеалар моҳиятини ҳали-ҳозиргача англаб етмаган маҳаллий кишиларни қаттиқ ранжитди, маълум маънода матбуотдан уларнинг ихлосини қайтарди.

Аслида экстремист деган сўзнинг маъноси нима? (Луғатда бу сўз куйидагича изоҳланади: Экстремизм — асосан сиёсатда — кескин фикр, қаттиқ тадбирларни ёқлаш: экстремист эса, экстремизм тарафдори демакдир). Беш минг, ўн минг, ўн беш минг кишилик оломон (аввало ана шу ўринда «оломон» деган иборанинг ўзи ҳам тўғри-нотўғрилигини ўйлаб кўриш керак)нинг ҳаммасини ёппасига экстремист, гиёҳванд, пиёнистлар деб аташ мумкинми? Балки ана шу тўданинг ўнтасини, ҳа, боринги, юзтасини экстремист (мана шу сўзни ишлатишдан ўзни тийишнинг асло иложи бўлмай қолса) деб аташ мумкиндир. Аммо бир неча минг кишининг ҳаммасига машъум сўзлардан ёрлик ёпиштириш, ёппасига тамға босиш шартмикин? Расмий ахборот воситалари тез орада бошқа сўз кашф этдилар — уларни газандалар деб атай бошладилар. Маҳаллий кишилар ботиний бир хавотирлик билан: агар иш шу зайилда бораверса, бу ердагиларни босмачига чиқариб қўйиш ҳам ҳеч гап эмас, деб ташвишга тушиб қолган эдилар. Таш-

вишлари чиппакка чиқмади: биринчи бўлиб «қулоқчўзма»ни «Труд» газетаси олиб қочди. У ўзининг 15 июнь сонидеёқ шундай хулосага келди: бу ерда рўй берган воқеалар аллақачон тарих саҳифаларига айланиб қолган босмачилик ҳаракатига ўхшаб кетаркан. «Ўз позицияларини узоқ муддат мустаҳкам сақлаб турган босмачилик ҳаракати айнан ана шу районларга тўғри келади», деб ёзади мухбир. Бошқа бир москвалик мухбир эса, ўз ҳамкасабаси фикрини янада «равшанлантириш» учун «аниқлик» киритади, яъни устарада қиртишлаб олинган соч «ғазаб ва қасоскорликнинг босмачиларга хос белгиси» деб таърифлайди (Анатолий Головкин, «Огонёк» журнали, 1989 йил, 29-сон). Бундай муҳокама юритиш усули билан дўппи кийган, салла ўраган кишиларни ҳам бир ўрамга олиб, улар устидан ёвузларча хукм чиқариб юбориш ҳеч гап эмас-ку?!

«Ўнлаб ва юзлаб йиллар давомида шакланган феодал структураси қанчалар ажабланарли бўлмасин, йўқолмади, балки маъмурий-буйруқбозлик системаси доирасида янада хунук шакллар касб этган бўлиб, анчайин барқарордир». Ана, холос! Аҳолисининг атиги икки фойизигина саводли бўлган, эндиликда ёппасига саводхон ўлкага айланганлиги ҳақидаги кўзни қамаштирувчи жимжимадор рақамлар қаерга йўқолди? Интернационализм ғояларига бекиёс садоқати ҳақидаги фарахбахш сўзлар бирпасда қаёққа ғойиб бўла қолди? Демак, феодализм ботқоғида ҳали-ҳамон бўй ётган эканми-да? Наҳотки кароматгўй Анатолий Головкин ана шундай тафаккур тарзи билан миллий туйғуларга ўт қалаётганлигини англамаётган бўлса?

«Ўзбекистонда ўн минглаб месхети турклари истиқомат қилади — демак, миллатчилик ёнғини вилоятдан вилоятга ўтиб боради» («Комсомольская правда», 7 июль). Мана сизга «башоратгўйлик»нинг яна бир намунаси!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномасида: «Дўстлик ва қардошлик тақдири бугун ўз қўлимизда. Арғамчига қил қувват, дейдилар. Дўстлигимиз ипи узилмасин, қаердаки унинг битта-яримта чоки сўкилган бўлса, унинг ўрнини минг қават меҳр-муҳаббат иплари билан боғлайлик», дея жумҳуриятимизда истиқомат қилаётган юзга яқин миллат ва элат вакилларига қарата жар солиб турган бўлсаю, ўзларини кароматгўй ва башоратгўйлар сафига мансуб кўрганлар ифво, уйдирма ва миш-мишларни тарқатишдан наҳотки тийинолмасалар? Бошига тушган кулфатлардан, фожеа ва фалокатлардан қарахт ҳолдаги халқимизга нисбатан ҳамияту оқибат шуми?! Яхши дўст жароҳатларга малҳам бўлишда билинади. Ҳаётнинг энг катта ҳақиқатларидан, улуғвор сабоқларидан бири бу! Буни унутиш муқаддас қадриятларни топташ билан баравар.

Фожеа ва кулфат ижтимоий муаммолар энг кўп йиғилиб қолган Фарғона музофотида рўй берганлиги аён ҳақиқат. Иттифоқ ҳукумати раҳбарлари бу ерда бўлганларида жумҳурият раҳбарлари эътиборини ҳал қилиниши жуда зарур ана шу масалаларга қаратдилар, вақт ва фурсатни қўлдан бой бермасликка, моддий ресурсларни қидириб топиб ишга солишга қақирдилар, ёрдам ваъда қилдилар. Яроқли кишиларнинг қирқ фоизи ишсиз бўлган Фарғонада иш жойлари тайин этиш учун жумҳурият ҳукумати яқин муддатларга мўлжалланган программа қабул қилди. Яхшими бу, ёмонми? Албатта яхши-да. Бироқ шу яхши ишларга ҳам соя ташлашга уринишлар борлигидан қандай хулосага келишни билмай қоласан, киши. «Собеседник» ёзади: «Энг муҳими — исён, моҳиятан, ғалаба қозонди. Месхети турклари кўчириб юборилди, кўз олдимизда эса, олдинмакетин Фарғонанинг социал муаммоларини тезроқ ҳал этиш ҳақидаги мақолалар пайдо бўла бошлади. Ибрат бўларли ҳодиса юзага чиқди — қонли тўқнашувлар, ваҳшиёна тажовузкорлик билан ҳукуматга тазийқ ўтказиш ва ўз истагига эришиш мумкин экан-да» (29-сон). Зўравонлик ва тажовузкорлик ҳеч қачон миллий қиёфага эга бўлмаганлиги ва у бундай белгилардан маҳрум эканлигини эсласак, «Со-

беседник» мухбири нима демоқчи эканлигини англаш қийин эмас. Бўлиб ўтган фалокатли воқеалар учун жазо чоралари талаб қилмоқчи у! Бусиз ҳам жазоланиб бўлди. Фарғонада бир гуруҳ жиноятчилар томонидан содир этилган ваҳшийлик оқибатлари — ёндирилган уйлари, ўлдирилган одамлар, хонумонидан, жи-гаргўшаларидан ажралган кишилар — халқимизнинг ҳали-бери дилидан аримайдиган дардлари. Лекин ўзининг ваҳшиёна қилмишлари учун жазоланиши лозим бўлган кимсаларнинг гуноҳини халқимиз икки умрда ҳам кечирмайди. Навқирон ва айни куч-ғайратга тўла йигитларимизни йўлдан оздирган, уларнинг қисматини букиб ташлаган, инқилобий қайта қуриш жараёни душманларига ёлланган кимсалар муносиб жазага мустаҳқиқ қилинишини истаётир одамлар. «Ўзбек миллий кийимларини кийган, аслида бошқа миллатга мансуб кишиларнинг» (Н. Муҳиддинов) томирлари қаерга бориб туташганлиги ҳаммамиз учун ҳам бефарқ эмас. Халқимизнинг осуда ва осойишта ҳаёт кечирishi — катта фалокат ва кулфатлар келтирган ижтимоий иллатларнинг илдизлари қай даражада қирқиб ташланишига жудаям боғлиқ.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси ўртоқ М. С. Горбачев Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқида шундай деди: «Миллий муаммоларга тааллуқли барча нарса инсоннинг онги ва қалбидан ўтади. Шу боисдан ҳам жамиятимизнинг ҳар бир граждани миллатлараро эҳтиросларни тизгинлашга даъват этадиган ўз сўзини айтиши керак». Оқилона айтилган калимага риоя қилиш ҳаммамизнинг, жумладан марказдаги ҳамкасабаларимизнинг ҳам виждоний бурчидир. Таҳликали кунларда оғзидан боди кириб-шоди чиққанлар эса, бир кун эмас бир кун уялиб қолишлари тайин гап.

Баҳодир АМИНОВ



Шахрисабзлик уста Тўра Ҳасанов ясаган бешик ва сандиқлар ҳаммага манзур.  
Р. Шагаев сурати (ЎзТАГ)

# «ВОЛОДЯ ТОҒА» КИМ?

Эмиль АМИТ



Саккиз йил муқаддам юз берган бу воқеани ҳеч унута олмайман. Москвадан Симферополга жуда кеч учиб келдим. Езувчиларнинг «Кўктепали»даги ижодий уйига етиб олиш учун йўловчи машиналарни пойлаб тоқатим тоқ бўлди. Начора, тақдирга тан беришдан бошқа иложим йўқ. Тонгни беором қаршилар эканман-да, деган ўй билан тайёралар учадиган бекатнинг кутув хонасига қайтдим. Иттифоқо ишим юришиб кетди. У ерда тошкентлик қадроним, шоир Ризо Фозилни учратиб қолдим. Манзилимиз бир экан... Амаллаб тонгни оттиргач, йўловчи машиналардан бирини ёллаб, йўлга тушдик. Кўпни кўрган ҳайдовчи гапчинозгина экан. Йўл ҳаракати посбонларининг назарига тушиб қолишдан чўчиб, бизни хилват йўллар орқали олиб борадиган бўлди. Шаҳарни ортда қолдиргач, қишлоқ йўлларидан, тик ёнли қоялар оралаб Феодосий йўлига чиқиб олдик. Уйқусизлик енгиб қўйган экан шекли, мудроқ боса бошлади. Ҳайдовчининг кўзи йўлдаю жағи тинмай сайраб борарди. Дабдурустдан у: «Бу ерларда бир пайтлар каллакесарлар яшаган. Бу қрим татарлари, қанчадан-қанча одамларнинг қонини тўкмаган дейсиз!» деб қолди. Қутилмаган зарбдан жунбушга келдик, уйқумиз ҳам ўчиб кетди. Шу пайт ҳамроҳимнинг газаб билан ҳайдовчининг жағига тушироқчи бўлиб кўтарган қўлларини ушлаб қолишга улгурдим.

«Жигули» бир чайқалиб, йўл четида тўхтади. Ҳайдовчи ўша «бандит»лар қавмидан эканлигимизни англагач, ҳанг-манг бўлиб бизга тикилар экан, миқ этмай турарди. — Сен нимага бундай деясан? — сўради Ризо ака кўксини чангаллаган кўйи нафаси бўғзига тикилиб (у яқинда оғир касалдан турган, шу сабаб ҳордиқ олиш учун бу ерларга келаётганди).

— Қайдан билай, ҳамма шундай дейдику... — жавоб берди ҳайдовчи.

У ҳақ эди. Фақат қисман, ҳамма ҳам «шундай» деявермасди. Айниқса, қрим татарларини урушгач билганлар, улар билан босқинчиларнинг оғир кунларида бирга бўлганлар «шундай» демасдилар. Таассуфки, уларнинг аксарияти бахтсизликка маҳкум этилган қрим қардошлари ҳақида билганларини ҳам гапиришдан кўра, жимгина кун кўришни афзал билдилар. Ҳа, сабаблар кўп эди.

Қрим татарларига қарши ташвиқот раҳмсиз суратда шиддат билан авж олдирилганди. Вутун бир халқ бошига қаро кунлар ёғилди. Энди бу ҳақсизликни нима қилиб бўлса ҳам қонунлаштироқ, сувдан қуруқ чиқиш йўлини излаш, баҳоналар топиш зарур эди. Чунки, гишт қолипидан кўчган эди-да!

Ҳали фронт чизиғининг оловли жанггоҳларида жон олиб, жон бераётганлар ўз оила аъзолари айқаш-уйқаш тикиб ташланган эшелон йўлга тушганидан хабарсиз, Қримда эса манфаатдор кимсалар улар ҳақида тинимсиз дахшатли миш-мишларни тарқатиш билан овора эди. Қрим татарларининг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликлари ҳақида матбуот, радио тинимсиз жавбарди...

«Ишончсизлар» юкланган эшелон Ўрта Осиё тупроғига келиб етмасидан бу ерлик тезкор ташвиқотчилар — вилоят, район маъмурлари шошилиш аҳоли ўртасида ўз вазифаларини қойилмақом қилиб бажариб қўйишганди. Улар маҳаллий халққа: «Бу ерларга ватан хоинларини, ишончсиз одамларни кўчириб келтиришяпти, сизларнинг ота-

ларингиз, ака-укаларингиз фашист босқинчилари билан курашиб жон олиб, жон беришган бир паллада улар...» дея «ишлов» бериб улгуришган эди. Шундан сўнг «хоинлар» билан қандай муомалада бўлганларини тасвирлаш қийин...

Ҳа, қанчадан-қанча оилаларнинг ёстиғи очликдан қуримади дейсиз. Кўп қолларда уларни дафн этадиганлар ҳам топилмас, очлик, касаллик ҳаммининг силласини қуриб қўйган эди.

Туб аҳоли ҳақиқий аҳволни англагунча кўп вақт ўтиб кетди. Фронтлардан ўнлаб қўлсиз, оёқсиз ногирон жангчилар қайтиб кела бошладилар. Уларнинг кўксиларида орден-медаллари, кўзларида ёш шода-шода, ўз туғишганларини, жигаргўшаларини излардилар. Афсуски, излаганларининг кўпчилиги бу оламни аллақачоноқ армон билан тарк этишганди.

Ўзбеклар қрим татарлари билан бир бурда нонларини ҳам баҳам кўришарди, бир сиқим майиз топишса ҳам мусофирларга илинишарди.

Шундай кунларнинг бирида П. Павленко деган кимсанинг «Бахт» номи романи босилиб чиқди. Роман Қримда қолганлар, қузгунлардан қутилиб бахтиёр ҳаёт кечираётганлар ҳақида эди. Табиийки, бу асар «халқлар отаси»нинг эътиборидан четда қолмади. Романга Сталин муқофоти берилди.

Вақт жуда секин ва оғир ўнглана бошлади. А. Приставкиннинг «Тилло булут уйқуга кетди» қиссаси ёзилгунга қадар ўнлаб йиллар имиллаб ўтди. Икки ёзувчи — икки хил олам. Во ажаб, гуноҳсиз одамларни Ватанидан ҳайдаб чиқариш воқеасига бағишланган бир хил мавзудан — уларнинг муқаррар халокатидан бир ёзувчи бахтни, иккинчиси фожиани кўрди.

Афсуски, А. Приставкиннинг чечен-ингуш халқининг фожиасини аниқ ифодалаб берган бу асари ягоналигича қолиб келаяпти. Аксинча, А. Козлов («Қрим яширин ташкилотда»), А. Первенцев («Номусингни ёшлиқдан асра»), жанговар сафдоши Осман Бекировни (ҳатто унинг исмини ҳам ўзгартирмасдан) — бир неча марта бирга жанговар топшириқларни бажарган дўстини аямасдан турк айроқчисига чиқариб қўйган И. Вергасов («Қрим дафтарлари») каби ёзувчиларнинг бу мавзуда илҳомлари «жўшиб» кетди. Улуғларнинг улугига садоқат билан хизмат қилган бу ёзувчиларнинг қрим татарларини ўз билганларича янчиб ташлаганлигини кўрсангиз эди! Агар шундай дейиш лозим бўлса, бу ёзувчилар ҳақиқий маълумотлардан беҳабар ёки атайин бузиб кўрсатилган воқеалардан фойдаланганлар.

Юқориди тилга олинган асарлар айнан шу мақсадга хизмат қилди. Газета ва журналларнинг имкониятлари ҳам шу мақсадга қаратилди. Агар гап Қримдаги яширин ташкилот ҳаракати ҳақида кетса, татар қавмига мансуб яширин ташкилот аъзоларининг номи атайлаб тилга олинмасди, иложи бўлмай қолганда эса, уларнинг номлари русчасига зикр этиларди. Марҳамат фактларга мурожаат қилайлик: «Севастополь — Балаклява» партизан отряди разведкачилар гуруҳининг командири Сейдали Агъаев чоп этилган ҳамма материалларда С. Агеев деб тилга олинади. Шимоллий бирлашма, 17-партизан отряди разведкачилар гуруҳининг командири Сейдали Кўртсейтов С. Курсаков номи билан аталади. Симферополдаги энг йирик яширин ташкилотнинг йўлбошчиси Абдулла Доғжи Володя тоға (лақаби) дейил-

сагина тан олинади. Керчь ярим оролидаги «Ёш гвардия» Сараймон яширин ташкилотининг бошлиғи Алиме Абденнанова — Аня; Феодосийдаги «Алев» яширин ташкилотининг бошлиғи Асие Аметова — Ася; Қрим партизанларининг Шарқий бирлашмаси коммиссари Рефат Мустафаев — Лагутин; Жанубий бирлашманинг Ялта партизан отряди командири Сирожиддин Менажиев — Сергей М; Сараймон яширин ташкилоти гуруҳи бошлиғи Нажия Баталова — Батаева деб юритилиши ва ҳоказоларни мисол келтириш мумкин. Баъзида фашистлар истилоси даврида Қримда қрим татарлари зиён кўрмаган, уларни фашистлар жазоламаган, дейишади. Бу гирт бемаъниликдир.

Фашистлар Боғчасаройни ишғол қилган кунлариданоқ саккиз одамни марказий майдонда осиб ўлдирмаганмиди? Мана улар кимлар эди: Юсуф Таиров, Абла Ибраимов, Лутфие Аединова (ўн уч ёш), Халил Османов, Алим Қуршунов, Юнус Фетиев, Усеин Жаппаров, Мамут Аметов.

1941—1944 йиллар давомида шаҳарда 350 дан ортиқ коммунист, партизан, яширин ташкилот аъзолари бўлган қрим татарларини қатл этган эдилар. Фашистлар ҳатто бу фожиани кино қилиб аҳолига кўрсатганлар ва бу билан одамларни кўрқитиб олмоқчи бўлганлар. Алуштада, Демиржи дарёси қирғоғида, Кастель қояси остида, Улу-Сала, Қизил-Тош, Дегирменкой, Тав-Бодра, Сали каби қишлоқларда ўнлаб, юзлаб қрим татарлари отиб ўлдирилганлигини унутиб бўладими ахир?!

Бурноғи йили мамлакатимиз халқлари ТАСС маълумотидан сўнг Қримнинг тоғлиқсида партизанлар макон қурган ўрамларда фашистлар ҳамма қишлоқларнинг кулини кўкка совурганини, бу жойлар «ўлик дарага» айлантирилганини билдилар. Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлган. Етмишдан ортиқ қрим татар қишлоқлари хонавайрон этилган. Уларда Қрим аҳолисининг қарийб 25 фоизи истикомат қилар эди.

Хатинь ва Саласпилсе мемориаллари бутун оламга маълум. Хатинь аҳолиси бошига тушган кулфат айнан қрим аҳолиси бошига ҳам тушди. Гуноҳсиз аҳолининг хотирасини ёдга оладиган Хатиндаги сингари бирон бир ёдгорликни Қрим шаҳридан излаб топиб бўладими?

Лекин халқ ўзи учун азиз бўлган одамларнинг номини қалбларида асраб келаяпти. Алимега бағишланган шеърларни одамлар тик туриб тинглайдилар. Еки, афсонавий синовчи учувчи, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Аметхон Султонов хотирасига бош эгмаган қрим татар топилмаса керак.

Мана, ҳар биттаси алоҳида ёдгорликка арзийдиган оилалар:

Симферополдан Азиза Асанова оиласидан беш кишининг ҳаммаси; Суин-Ажи қишлоғидан Асан Халилов оиласидан етти кишининг ҳаммаси; Алушта шаҳридан Ибраим Аметов оиласидан — ўн бир кишининг ҳаммаси; Алушта районининг Корбек қишлоғидан Беки Доғжи оиласидан — етти кишининг ҳаммаси (ҳатто етмиш яшар онасини ҳам аяшмаган) қатл этилган; Боғчасарой

шахридан Ибраим Халилни тўрт боласи билан қўшиб, тириклай ёқиб юборишган; Симферополь районининг Буюк Янкой қишлоғидан Муртаза Бекирнинг беш боласи, хотини отиб ўлдирилган; Ялта районининг Дегирманкой қишлоғидан Сундюз Чорман тўрт боласи билан осиб ўлдирилган... Санайверсанг бундай фожиаларнинг саноғи йўқ...

Ризо Фозил билан шу кезде «Жигули»нинг ўриндигида ўтириб нима ҳам қила олар эдик. Албатта ўзимиз билган қримтатар командирларининг, яширин ташкилот раҳбарларининг номларини, партизанлар бирлашмасининг жасоратларини кетма-кет санай кетдик. Қаршимизда ўтирган ҳайдовчини бу гаплар билан ишонтириш қийин эди.

— Билмайман, билмайман... Бу ҳақда бошқача ёзишди-ку... бошқача гапиршди-ку, — деди у ва бирдан энсаси қотди, — ҳайронман, сизларни тупканинг туйнуғидай бу ерга нима тортади ўзи, битталарингизнинг Москвада, бирларингизнинг Тошкентдай улкан шаҳарда уй-жойларингиз бўлса, маза қилиб яшайвермайсизларми, қадам бошига жой йўғу тикилишганларингизга ҳайронман?

Ватан, Ватан туйғуси, унинг чечаклари, ҳавоси, зилол сувлари, соғинч бизни бу ерларга чорлаб турганини шу кезде унга қандай тушунтириб бўларди. Тушунармиди у. Ватан Она билан тенглаштирилишини англатиб бўлармиди бу инсонга. Ахир онага интилмаган фарзанд фарзандми?!

«Туйнук» эмиш, балки унинг учун туйнукдир, менинг учун у ўлан тўшагим. Ўлан тўшагисиз бирон бир халқ мангу яшай олмайди. Ватани бу — тарихи, маданияти...

Туб аҳоли — қримлар қувилгандан сўнг бу ерда қолганлар улар билан боғлиқ бўлган, уларни эсга солиб турадиган барча-барча нарсаларни замин бағридан суғуриб ташлашга уриндилар. Аммо бир нарса, қрим татарлари томирлари бу ерда ёндош яшаган халқлар билан шунчалар чатишиб кетганлиги, уларнинг мангу хотираларини йўқ қилиб бўлмаслиги унутилди.

Бир неча йил муқаддам онамни Қримга бошлаб келган эдим. У менга анчадан буён ўзим туғилган Қутлоқ қишлоғини зиёрат қилдиришни дилига тугиб юрарди. Бу қишлоқ Судакнинг ёнида жойлашган. Узоқ айрилиқдан сўнг она қишлоғингда пайдо бўлганинда кечадиган ҳаяжонни ҳамма тушиниши керак... Офтоб чарақлаб порлар, заминдан тафт кўтарилаяпти, ўтган кечаси момоқалдирак гулдираб, жала куйган эди. Биз қишлоққа яқинлашдик. Сўқмоқ ўрқачли қоялар ёнидан, бир пайтлар қабристон бўлган жойдан ўтарди. Онам бу ерда дафн этилган аждодларимизни номма-ном санай бошладилар. Ва бирдан ранглири оқариб, таққа тўхтаб қолдилар. Зум ўтмай нима кори-хол юз берганига тушундим. Сўқмоқ ёқаларида, оёқларимиз остида инсон суяклари сочилиб ётар, афтидан ёмғирдан олдин бу ерлар бульдозер билан текислангану, жала ернинг юзасига чиқиб қолган суякларни ювиб оқартириб юборипти. Бу аҳволни кўргандан кўрмаган афзалроқ эди... Қаршимиздан эса қўлларидан қармоқ, балиқ овига ошиқайтган болакайлар мазор оралаб келишар, улар оёқлари остида инсон суяклари ётганига парво ҳам қилишмасди.

«...Ифлослар бу ерни яна қовлашибди. Шундай нарида сигарета қолдиқлари, ҳали тамоман ивиб улгурмаган. Унинг ёнида кўкариб кетган мис гилза... Бош суяк юзубан ётибди, узоқ вақт ер остида ётганидан куюқ-қўнғир тусга кириб, ғалати бўлиб қолган гўё улкан замбуруғлар сингари. Лаҳм маҳорат билан қазилган, икки одам бўйи келади. Биттаси ёнига қовланган, иккинчисининг тубида калта белкурак, демак бу тун ишни давом эттириш учун яна келадилар?..»

Бу парчалар таниқли шоир А. Вознесенскийнинг «Жар» поэмасидан. Бу қардошлар мазорини, хилхонасини бульдозер билан суриб ташлаган воқеани эслатмаяптими?

Ўқиб, айнан шу воқеани ҳаётда ўз кўзинг билан кўриб турганинда кўксингдан шун-

дай нидо келади: «Одамгарчилик, раҳм-шафқат, меҳр-оқибат каерда қолди? Қрим татарларининг мазорларини суғуриб ташлашга кўрсатма берган ким? Қримдаги тарихий-маданий ёдгорликларни, маърифат-парварларининг ноёб китобларини гулханларда ёққан ким? Ахир шундай ҳоллар ҳам бўлган эди-ку...»

Қримда совет ҳокимиятини ўрнатишда тамал тошини қўйган, инқилоб байроғини баланд кўтарган, уни кураш йилларида оловлардан омон олиб чиққан одамларнинг хотирасини қандай ёдга олаётганимизни холис, инсоф билан қатъий баҳолашимиз зарур. Шу муносабат билан Қримда инқилоб ғалабасини таъминлаган қрим татарларининг номлари унутилгани, ҳозирда ҳам ибрат олса арзийдиган одамлари борлигини ва уларнинг тақдири ҳақида лом-лим дейиш-маётгани бизни ташвишга солиб келаяпти.

Қримда оқ гвардиячи аксилнқилобчилар тўдаси тор-мор этилганидан сўнг, Совет ҳокимияти ўрнатилгач, партия ва ҳукуматимиз томонидан Симферополда Пушкин кўчасидаги собиқ Семинарлар боғида граждандар уруши қаҳрамонлари, оқ гвардиячилар томонидан қатл этилганлар хотирасига, уларнинг номлари қрим ва рус тилларида ўйиб ёзилган ёдгорлик ўрнатилган эди:

*«Бу ерга РКП(б) Қрим ўлка Комитети қошидаги Мусулмон коммунистлари бюросининг аъзолари дафн этилдилар: Мудат Рефатов Мурад Решид Асанов Асан Иззет Урманов Евгений Лазеревна Жигалина Абдулла Мустафа Баличев».*

Фашистлар ёдгорликни яқсон қилдилар. Урушдан сўнг ёдгорлик яна тикланди, аммо энди у ерда шундай сўзлар битилган эди:

*«Советлар ҳокимияти учун 1918—1920 йилларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга Симферополь шаҳар комсомолларидан»*

Яна бир мисол: Феодосий ўлкашунослик музейининг омборида қирқ йилдан зиёд вақт ўтаётган бўлса ҳам ниҳоятда қимматли бир экспонат сақланади. Уни бировга кўрсатиш қатъиян ман этилган. (Ким ман этган?) Бу эшик гитлерчилар истилоси даврида турма бўлиб хизмат қилган Судак комбинатининг магазинларига қарашли ертўлардан бириники эди.

1943 йил, 14 августда Судак яширин ташкилотларидан бирининг раҳбари Мамеди Эмир Усен қатл этилишидан аввал ўз қони билан ватанпарварларнинг қуйидаги рўйхатини мана шу эшикка ёзиб қолдирган: «С. Амет, С. Османов, К. И. Исмаил, Л. К. Кучук-Амет, Амир А., Амет, И., А. Адаш, Мамед Эмир, М. И. Амет, Н. Абан, Банада Ю., Иса». Яширин ташкилот аъзолари А. Савченконинг соткинлиги туфайли қатл этилган эдилар.

Судақда бир обида бор. Унга мана шундай сўзлар битилган: «Улар гестапонинг қамалида ҳалок бўлдилар».

Ҳалок бўлганлар кимлар эди? Бирортасининг тақдири аниқланмаган. Ахир бизда: «Ҳеч ким, ҳеч қачон унутилмайди», деган ақида бор-ку?! Наҳотки бу сўзлар қрим татарларига қолганда унутилса?!

«Литературная газета»нинг шу йилги 6-апрель сонидан Н. Ивинанинг «Бизга инкор этишнинг нима кераги бор» деган мақоласи босилиб чиқди. Муаллиф шаҳарларга, қишлоқларга, кўчаларга аввалги, уларнинг тарихи билан боғлиқ бўлган номларни қолдириш, тиклаш мақсадга мувофиқ, деган ғояни олға суради. Жуда тўғри гап.

Мазкур мақолада кўтарилган мамлакат аҳамиятига молик масалани бир гуруҳ қрим татарлари қўллаб, Совет маданият фондига мурожаат этдилар. Мурожаатда Қримнинг бир қанча аҳоли яшайдиган қўрғонлари ўз тарихига эгаллиги, уларнинг эски номларини

тиклаш лозимлиги қайд этилган эди. Чунки у ерда ҳозир бир нечта «Лазоревка», бир нечта «Лесная», бир нечта «Зеленая», «Приветная», «Заветная», «Счастливая» каби кўчалар бор.

Ном қўйганларнинг тафаккурлари шунчалар саёз, беандишаки, бутун бир тарихий воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ бўлган, афсонавий қудратдан далолат бериб турган, халқ тақдири билан боғлиқ номларни ҳиссиз, енгилтаклик билан ўзгартириб ташлаганлар. Ажабланарлиси шундаки, баъзи қрим татар лаҳжасидаги номлар калкалаш йўли билан мослаштирилган, масалан: Авджикой — Охотничное, Айланма — Поворотное ва ҳоказолар... Ўз тарихи, инқилобийлиги, жанговар ва меҳнат шон-шухрати билан боғлиқ обидалар қрим татарлари учун ниҳоятда азиз ва қадрлидир. Ҳар қандай номусли совет кишиси уларнинг дардига шерик бўлса керак. Ахир Қримнинг қанчадан-қанча бебаҳо маданий ёдгорликлари ер билан яқсон қилинди. Энди ҳеч бўлмаса қолганларини эҳтиёт қилайлик.

Ўтган йиллар давомида қримтатар ёшлари атрофида Қримга, ўз ватанига бўлган садоқатидан, муҳаббатидан воз кечишга, отабоболаридан нафратланишга ундаш ҳоллари ҳукм сурди. Ҳатто улар Совет Иттифоқи Қаҳрамони, уч марта Шухрат ордени нишондори ва бошқа жанговар нишонлар эгалари бўлса ҳам хоин дегб эълон қилинди, «қрим татари» деган сўз «хоин» сўзининг синонимига айланттирилди.

Шуниси қувончлики, ёш қримтатарлар ўз халқининг тарихини чуқур ўрганишга ҳаракат қилаяптилар.

Айнан оғир кунларни бошидан кечирган, оғир синовларга бардош берган, халқ фожиасини яхши билган кекса авлод вакиллари улар билан очикчасига ўтган кунлар ҳақида баҳслашишга ҳақлидирлар...

Қримтатар ёшларини ва бошқа қардош халқлар вакиллари Қримнинг маданий, инқилобий, жанговар меҳнат анъаналарига бой, қримтатар халқининг тарихи билан боғлиқ меъморчилик обидаларини сақлаб қолишга жалб этиш катта гражданлик мактабини ўташи мумкин. Қаҳрамонлар номини абадийлаштириш, улар жасорат кўрсатган жойлар номини аниқлаш зарурдир. Бу сўзлар қанчалик «ғалати» эшитилмасин, қаҳқатдир. Ахир ана шундай тарихий жойлар номлари ҳалигача аниқланмай ётибди.

Керч ярим оролига парашютда сакраган ва ўзининг аниқ маълумотларини радиogramмалар орқали етказиб турган, пировардида бўғоздан десантчиларнинг муваффақиятли кечувини таъминлаган 18 яшар Алиме Абденнанованинг хотираси абадийлаштирувга арзимайдими? Абдулла Доғжи — Володя тоға-чи? Гестапочиларнинг қонли қамчилари остида ҳалок бўлган юзлаб жабранганларнинг хотираси ёдга олишга ярамайдими?..

«Жигули» эгасининг холис хизматидан воз кечиб, пиёда Феодосий йўлларида кезиб, биз Ризо Фозил билан шулар ҳақида гаплашдик ва ўйладик. Сўнгра такси тутиб манзилга равона бўлдик. Хайрият, бу ҳайдовчи кам гап, ўзи билан ўзи овра экан. Биз ўз тилимизда бамайхотир суҳбатлашиб кета бошладик. Ва бирдан такси ҳайдовчиси сокин, соф татар тилида қадимий кўшиқлардан бирини хиргойи қила бошлади.

— Бу кўшиқни қайдан биласиз? — сўраб қолди Ризо ака ҳаяжонланиб.

— Мен татар мактабини тугатганман, — жавоб берди ҳайдовчи ва жилмайиб қўйди.

— Наҳотки? — янада ҳайратланди Ризо ака.

— Ўша пайтларда қайси мактабга бориш бари бир эди. Русчаси яқинроқ бўлса русчасига, татарчасини қулай кўришса татарчасига қатнашар эди, лекин аттестатлар бари бир хил эди: ҳам татарча, ҳам русча тўлғазиларди. Ҳаммамиз бир отанинг болаларидай дўстона яшар эдик. Яна шундай кунлар келар-а?!

Қримтатар тилидан Ўқтам МИРЗАЕРОВ таржимаси



# Хева оҳқонлари

Николай ГАЦУНАЕВ



## БУРГУТ

Едгор бўлсин,  
 Менга бургут тухфа эт.  
 Балиқчисан,  
 Сенга бургут не даркор.  
 Оқчорлоқмидики,  
 сувга уриб тўш  
 у чавоқ овласа  
 сен билан ҳамкор.  
 У — бургут.  
 Бургутнинг йўриғи бўлак.  
 Йиртқишлар ҳолини  
 қилмоқ истар танг.  
 Унда ўзга шиддат,  
 ўзга ўт-юррак,  
 макони — юксаклик,  
 дастуридир — жанг.  
 Бургутнинг йўриғи —  
 куюн!  
 бўрон!  
 кўк!  
 Қулоқларда — ҳуштак!  
 қанотларда — ел!  
 Ўтинаман,  
 уни менга кўрма кўп,  
 бургутни совға қил,  
 иккиланма,  
 кел.  
 Мен осмоний хаёл  
 соҳибимасман,  
 ер ташвиши, аксар,  
 кифтдан босади.  
 Лекин  
 юксак-юксак орзулар —  
 баъзан  
 менинг-да тепамда  
 қанот ёзади.  
 Шунда мен  
 бургутга қиламан ҳавас,  
 совға қил бургутни,  
 илтимос, манга...  
 Ушлаб тураман-да  
 уни бир нафас  
 қўйиб юбораман сўнгра  
 осмонга!

## ХЕВА

Қани ибтидоинг?  
 Қай асрдансан?  
 Олис кечмишингни  
 илғайман аранг.  
 Шартми  
 аниқ билмоқ —

қандай сирдансан?  
 Хева.  
 Бир сўз.  
 Шу бас.  
 Басдир шу жаранг.  
 Сарсон  
 ва саргардон  
 биров...  
 аллаким...  
 карвондан қолгандир  
 қийнаб дард,  
 фиरोқ.  
 Номингни мангуга  
 таратган,  
 балким,  
 шу карвондан  
 тушиб қолган қўнғироқ.  
 Балки,  
 кўчиб-кезиб  
 кезмоқдан бешиб,  
 бу қумларда  
 қутлуғ бир ҳикмат сезиб,  
 бунда қурган  
 собиқ кўчманчи чодир.  
 Балки,  
 шундан номинг  
 тарихга жодир?  
 Хотира  
 ўртаниб чекади нола,  
 қадим лаҳжаларни  
 илғаймиз аранг.  
 «Хева»



Дер эканмиз,  
 бизга ҳавола  
 Бу сирли пичирлаш,  
 Сирли бу жаранг.  
 Нишонлардан нишон  
 етгандир бизга,  
 мафтунимиз  
 билганларни билганинг.  
 Дейлик,  
 қандай қилиб  
 тархини чизган  
 қадимги муҳандис  
 Қўйқирилганинг?  
 Кўпнинг йил муқаддам  
 номаълум кулол  
 ясаб кетган  
 оддий кўзанинг нақши  
 ўзга сайёрадан  
 олинган мисол —  
 Шу қадар сеҳрли!  
 Шу қадар яхши!  
 Шеър,  
 мардлик

фаромуш бўлурми сира,  
 Паҳлавон Маҳмудми  
 ҳеч унутилар?  
 Қумда  
 тўлқин-тўлқин  
 барханлар узра  
 кезиб юрар  
 карвон-карвон булутлар...  
 Нилий  
 нур таралар  
 ҳар бир минордан,  
 Ҳар гумбаз  
 мангулик —  
 дарахтдан мева.  
 Ўзимни топишга  
 Сен бердинг ёрдам,  
 Олдинда абадий қарздорман,  
 Хева!

## ҚАЛЪАЖИҚ

Осмон  
 оҳор тўккан  
 ёзнинг тафтидан,  
 сароб жимирлайди  
 боқсанг тикилиб.  
 Улкан бир ёқутдек  
 сахро кифтида  
 мўлтираб мудрайди  
 Қалъажик кўли.  
 Жимжитлик.  
 Қалтакесак елар  
 Мисли ўк,  
 Сўнгра  
 ер бағирлаб  
 донг қотиб қолар.  
 Ҳаёт сўнган  
 шинак —  
 кўзларини лўқ  
 қилиб турар қадимий қалъа.  
 Сув узра қўрғонлар —  
 баланд торсимон.  
 Бундан  
 ўнлаб аср муқаддам,  
 зотан,  
 Хоразмийлар бунда  
 турганлар посбон,  
 Ватанини асраб  
 бало-қазодан.  
 Улар  
 саҳройидек ҳамлакор, ўктам,  
 ғазаб ўрнатганлар  
 найза учига.  
 Улар наъра билан  
 жангга кирган дам  
 келгиндилар дами  
 тушган ичига.  
 Қиличлар жаранги  
 чақнатган учқун,  
 Қулоқлар остида  
 шамол тортган  
 ув.  
 Қилич сермаб,  
 худди елдириб — учқур



Юксакда,  
 осмоннинг қаъри-қаърида  
 сузар  
 узук-юлуқ,  
 алвон булутлар.  
 ўтар экан  
 боқмай инсон раъйига  
 ғамлар,  
 манглайларнинг  
 шўридан тахир,  
 асрлар  
 устма-уст  
 қалъа пойига  
 кўлдан тўлқинлардек  
 ташлайди бағир.  
 Қуёш қапталида  
 учади лочин,  
 бахш этиб юракка  
 сеҳрли бир руҳ...  
 Менинг Қорақумим,  
 эҳ, Қорақумим,  
 Сен  
 ўтмиш ҳақдаги  
 самовий андуҳ...

Русчадан М. АБДУЛҲАКИМОВ  
таржималари

Ишқирмоқ — Ҳуштак чалмоқ (Хоразм лаҳжаси).

# Ахсикат

Самарқанддаги Афросиёб тепалиги каби қадимий археологик ёдгорликлардан бири — кўҳна Ахсикат эрамиздан олдинги VI—V асрларга оид маълумотларга кўра эрамизнинг то XIX аср ўрталаригача ҳам шу ном билан аталган. Унинг харобалари ҳозирги Наманган музофотининг Тўрақўрғон мавзеси, Шаҳанд қишлоғи чегарасидадир. Унга Задарё мавзесининг маркази бўлмиш Жомашуйдан Сирдарёга қурилган кўприк орқали ўтилади. Кўприкдан ўтишингизданоқ ўнг ва сўлда қадимги Ахсикат шаҳрининг ўтмишида иш берган, даврлар ўтиши билан қулаган, емирилган баҳайбат мудрофаа деворлари, минора шаклидаги қоровул тепа (чинк)лар, шаҳар ичкарасида эса, кўча ва улкан қўрғон-қаср иншоотларининг қолдиқлари кўзингизга ташланади.

Ахсикат диёрида яшаб, болалиги ўтган шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг «Бобурнома»сида қайд этиб ўтади. У: «Сайхун суйининг шимолий тарафидаги қасабалар: бир Ахсидир. Китобларда Ахсикат битурлар. Нечукким, Асириддин шоирни Асириддин Ахсикатий дерлар. Фарғонада, Андижондин сўнгра мундин улўғроқ қасаба йўқтур. Андижондин фарб сори тўққиз йиғоч (бир йиғоч 8 км) йўлдур. Умаршайх мирзо муни пойтахт қилиб эрди. Сайхун дарёси қўрғонининг остидин оқар. Қўрғони баланд жар устида воқе бўллубтур. Хандақининг ўрнига амийқ (чуқур) жарлардур... Фарғонада мунча берк қўрғон йўқтур. Маҳаллоти қўрғондин бир шаръий йироқроқ тушубтур. «Деҳ кужоу дарахтон кужо» (қишлоқ қайдаю, дарахтлар қайда) масалини ғолибо Ахси учун айтибтурлар. Қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундурким, «Мир Темурий» дерлар, андоқ қовун маълум эмаским оламда бўлғой. Бухоро қовуни машҳурдур. Самарқандни олғон маҳалда Ахсидин, Бухородин қовун келтуруб бир мажлисда кестурдум, Ахси қовунининг ҳеч нисбати йўқ эрди», дейди.

...Ўтган асрнинг учинчи чоракларида чор Россияси уюштирган археологик тадқиқотларидан бу ерда деярли натижа чиқмади. Улардан сўнг «маҳаллий халқ» у ерни тартибсиз равишда қавлаб, қимматбаҳо буюмлар қидира бошлади. Худди шу қидирувлар давомида Ахси ва Шаҳанд харобаларидан қадимги олтин, қумуш ва бошқа буюмлар топилган.

Археологик тадқиқотчилар Урта Осиёнинг жанубий, жануби-ғарбий томонларида топилган, мисга чўкичлаб ишланган қадимий буюмларни эрамизгача бўлган V—IV минг йилликка оид деб тахмин қилдилар. Санъатдаги чин гўзаллик

асло эскирмаганидек, топилган ва топилаётган талайгина ёдномалар ичида эрамиздан аввалги ва эрамизнинг XIII асрларига қадар бўлган даврларга мансуб гўзал табиат манзаралари, ҳайвонот олами, қушлар ва бошқа турли жонзотларнинг тасвири шунчалар лол қоларли даражада ўта маҳорат билан акс эттирилиб, ложувард тусда сир берилган кулолчилик буюмлари ҳар жиҳатдан киши диққат-эътиборини ўзига тартади. Сабаби, бу буюмларда фазовий шаклларнинг бадиий тузилиши, ўсимликсимон нақш безакларнинг мазмунан теран, бой ва хилма-хиллиги, рангларнинг ҳаётий уйғунлашиб, ёрқин жилвагарлик касб этиб ҳамда бахт рамзи сифатидаги нилий бўёқларнинг ғоятда моҳирона ишлатилганлигидадир.

Шу нарса равшанки, Шарқ мейморчилиги, Урта Осиёнинг бой кулолчилиги санъати жуда қадим замонлардаёқ кенг тармоқ отиб ривожланган эди. Хусусан, кўҳна Ахсикатнинг ажойиб топилмалари ичида қўшқулоқ — кўзасимон идиш, эрамизнинг III асрига мансуб зангори тусда сир бериб сайқалланган гулдон, X асрга оид, ичига нозиктаъб хаттот томонидан «Шу лаган эгасига оқ йўл, шодлик сиҳат-саломатлик тилаймиз», деб ёзилган лаган ва косалар, яна ўша асрга тааллуқли лаганларнинг бирига: «Бойликка интилишдан воз кечмоқлик саодатдир», деган арабий ёзувдаги ноёб топилмаларни ҳам Фарғона кулолчилиги санъатининг энг ёрқин намуналаридан биридир, деб айтиш мумкин. Бу каби кулолчилик санъати қадам-бақадам, даврма-давр янада ўсди, тараққий этди. Бунга VIII—XIII асрларга тегишли ҳайвонлар, қушлар, табиат, ов манзараси, тантанали маросимлар, жанговар эпизодлар ҳамда ислондан аввалги маҳаллий ёзув лавҳалари туширилган сопол тахтачалар, кўза, ганч қинли биллурий сиёҳдон, хум ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Фарғоналиклар ишлаб чиқариб, Хитойда илоҳий деб қаралган нозик санъат турларига кирувчи ялтироқ рангли нақшинкор шишалар, чиннисозлик маҳсулотлари, ғоят гўзал ва бадиий жиҳатдан юксак ишланган қимматбаҳо зеб-зийнат буюмлари, олтин ва қумушдан ясалган мунчоқлар, узуклар, билакузуклар, зебигардону тўғноғичлар, туморлар, нажжор-наққошлар яратган жуда гўзал жиллоли мўъжизакор буюмлар, нафис тўқилган газмолнинг жуда пишиғидан тортиб, юпқасигача бўлган ҳар хил турлари, ўша даврларда нафақат Урта Осиёда, балки хорижий ўлкаларда ҳам талаб катта бўлган карбас (бўз) маҳсулотлари, сўзсиз, ҳунармандчиликнинг юксак

даражада ривожланганлигини ва ихтисослаштирилганлигини яққол кўрсатади.

Урта Осиёда сиркор сопол ишлаб чиқариш VIII—IX асрларга келиб айниқса кенг қулоқ ёзади. Хусусан, X—XII—XIII аср мўғуллар тажовузига қадар сирланган буюмлар яшаш ғоят юксак тараққиёт даражасига етишганлигини пайқаш қийин эмас. Бу даврдаги сопол идишлар шаклининг ихчамлиги ва гулларининг кўркамлиги билан диққатни ўзига тартади. Хуллас, ўрта аср кулолчилигининг илғор усул ва услуби, хумдонларнинг амалий тузилиши, шакли, қўлланган зарурий асбоб-ускуналарнинг созлиги ва ҳоказолар бу санъатнинг ўз даврига нисбатан камолот чўққисига чиққанлигини кўрсатади. Жумладан, Қува, Риштон, Ургут, Чуст, Ахсикат кулоллари ясаган буюмлар алоҳида диққатга сазовордир.

Турли рангдаги кесак ёки минераллар майдаланиб, махсус элакдан ўтказилган, сўнг унга ёпишқоқ суюқлик (дарахт елими, тухум оқи, асалари муми ва бошқалар) қўшиб бўёқ қилинган. Шунингдек, бўёқлар сунъий усул билан ҳам тайёрланган. Урта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда тайёрланган бундай нафис ва нозик сифатли бўёқларга чет мамлакатларда ҳам талаб катта бўлган. Ҳатто, бу елимли бўёқлар Хитой, Россия, Эрон, Туркия, Италия, Испания, Арабистон, Ҳиндистон каби кўпгина мамлакатларга мунтазам равишда чиқариб турилган.

Ёдгорликлар — ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришига кўра, фарғоналиклар қадимдан конларда ишлаганлар, мис ва темир эритиш билан, темирчилик, металллардан турли хил ҳарбий ва меҳнат қуроллари яшаш, мисгарлик, қандакорлик, аравасозлик, гилам тўқиш, намат босиш, дегрезлик, пичоқчилик, бўз тўқиш, шохидўзлик дастгоҳлари, заргарлик, бинокорлик ва бошқа ишлар учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни ишлаш билан қизғин шуғулланганлар. Жумладан, 1069 йилда ёзилган, туркий тилининг қимматли ёдгорлиги бўлган дидактик йўналишдаги «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») номли асарда, айниқса, ҳунармандларга юқори баҳо берилди. Ўз даврининг ажойиб фарзанди бўлган аллома Юсуф Хос Ҳожиб Болсағуний ўзининг ушбу асаридан шундай дейди: «Улар сен учун жуда зарур кишилардир, сен улар билан яқин алоқада бўл: темирчи, этикчилар, ўймакор, мисгарлар, сувчи, эгарчи, бинокор, тошчи (тоштарош), ўқчи, камончиларнинг фойдаси катта. Хуллас, бу дунёнинг жамики гўзалликлари булар-

дан чиқади».<sup>1</sup>

Сақланиб қолган қуёш ва сув соатлари, юлдузларнинг жадваллари алломаларнинг зўр заковатлари билан ижод этилган мунажжимлик асбоблар қадимги Ахсикатда илмуфаннинг қай даражада ривож топганлиги ва юксалганлигини ҳам яққол кўрсатади.

Араб сайёҳлари ал-Мақдисий ва ал-Истахрийларнинг (X—XI асрлар) берган маълумотларига кўра, Ахсикат уч қисмдан: Шаҳристон (шаҳар маркази бўлиб, унинг жанубий қисмидан IX—X асрларда асосий савдо ҳамда улўғ ипак йўли тармоғи ўтган, шунингдек, бу шаҳар айна бир вақтда металлургия маркази ҳам ҳисобланган), Работ (шаҳар атрофлари), ниҳоят Арки аъло (подшоҳ қароргоҳи)дан иборат бўлган. XII аср охирлари — XIII аср ўрталарида яшаб ўтган географ, тарихчи олим Муҳаммад бинни Нажиб ал-Бакрон ўзининг Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад IIга (1209 йили) бағишлаб ёзган «Жаҳоннома» сарлавҳали дунё харитасининг шарҳи (иловаси)да: «Фарғона — Моварауннаҳр худудидеги вилоят, унинг пойтахти Ахсикат деб аталади. Ниҳоятда хушҳаво жой, Самарқанддан Фарғонагача 53 фарсах (бир фарсах 6—7 км) масофадир... Бу ернинг (яъни Фарғонанинг) яхшилигини билиб, қадимдан ҳар жойдан турли қавмлар кўчиб келиб, иморатлар ва экинзорлар қилиб турғун бўлиб қолганлар. Хонадонлари ҳар жойда, тиллари ҳам ҳар хил бўлган. Уларни «ҳар хона» деганлар. Бу сўз истезмолда «Фарғона» бўлиб кетган»,<sup>2</sup> — деб ёзади. Юнон манбаларида Фарғона сўзи «Паркана», қадимги форс шеваларида «тоғлар қўйнидаги олтин водий», Хитой манбаларида эса, тоғли ўлка маъносини англатган экан.

«Эрамиздан аввалги II асрларда Фарғона аҳолиси чорва, ер хўжалиги билан шуғулланган, пахта, йўнғичқа, буғдой, шоли, узум етиштиришда тенгсиз соҳибкор бўлган. Хитойликлар узумчиликни дастлаб ана шу фарғоналиклардан ўрганишган».<sup>3</sup> Ўша даврларда Урта Осиёга сафар қилган Хитой сайёҳи Чжань Цянь Фарғонанинг бош шаҳрини хитойча Гуйшуань (Ахсикат) деб атайди.<sup>4</sup>

Фарғонада махсус отлар боқилган, хитойликлар бу отларни «Муқаддас тулпор» деб билганлар ва уларга ҳатто сифинганлар, ўз юрларида ушбу отлар учун ҳайкаллар ўрнатганлар.

Чжань Цянь эрамиздан олдинги 126 йили Фарғонадан ватанига мазкур отлардан ва беда уруғидан олиб борган биринчи киши саналади. Хусусан, муаррих Ю. Н. Алескерев Чжань Цянь эсдаликларидан

мисол келтириб, қуйидагича ёзади:

«...Даваннинг (Фарғонани хитойлар шундай деб атаганлар: **Ҳ. З.**) ҳавоси ғоят мусаффо, зилло сувлари доимо шарқираб оқиб туради. Даван тоғ ёнбағирларидаги яйлоқларда тоғ отлари ирғишлаб юради. Йўқ, уларни тоғ отлари дейиш камлик қилади. Улар чиндан ҳам само отлари бўлиб, териси ҳам ўзгача, қизил, худди қон рангидир. Бу отлар чунонам абжир, гипча, оёқлари узун, қўлтиқлари тагида кўз илғамас қанотлари бор. Уларга минган чавандоз ҳар қандай елдишим ёвни осонликча қувиб етади. Ҳар қандай учқур ёвдан ҳам худди шундай қочиб қутила олади»<sup>5</sup>.

Хитойнинг Цинь ва Хань (эраиздан аввалги 255—206—25 йиллар) сулолаларининг императорлари шахсан ана шу зотли отларни қўлга киритиш мақсадида даванликларга бу отлардан кўпроқ юбориб туришларини илтимос қилиб мурожаат этганлар. Ҳатто бу борада улар ўртасида тез-тез жиддий ҳарбий тўқнашувлар ҳам бўлиб турганлиги тарихдан маълум.

Машҳур сайёҳ ва олим Еқут Хамавий (1179—1229 йил) «Мўъжам албулдон» номли асарида Фарғона ҳақидаги ал-Истаҳрийнинг сўзини келтириб шундай ёзади:

«Агар сиз шаҳар ўртасидаги катта қўрғонга чиқиб, ундан Фарғона атрофига назар солсангиз, худди қоғозга чизилган харитага ёки рангли суратга ўхшаган бир манзарага кўзингиз тушади. Бу ўлканинг бош шаҳри (пойтахти) Ахсикатдир. Моварауннаҳрда қишлоқларнинг ва аҳолиси кўпроқ бўлган бундан бошқа шаҳарни кўрмадик, экинзорларининг кенглиги, чорвасининг беҳисоблиги учун ҳам ҳар бир қишлоқнинг ораси бир манзилга яқин келади...»

Бу айтилганлар кўҳна Ахсикат санъати, маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳамда моддий ва маънавий тарихидан бир томчи, тўғрироғи, унга бир ишора, холос. Чунки Ахсикат Искандар Зулқарнайн қўшин торттиб келган даврдан аввал ҳам гуллаб-яшнаган, шунингдек, кўп маротабалар чет эл босқинчилари ҳужумидан харобага айланган ва яна қайта-қайта тикланган. Олтин водий деб аталадиган Фарғона ўлкасидаги мазкур Ахсикат шаҳрининг тарихи узун, кўп қиррали бўлиб, уни ўрганиш, бебаҳо тарихи ҳазинасига йўл топиш давримиш олимларининг шарафли ишига айланса ва эҳтимолки, вақти келиб, ҳозирда хароба ҳолида ётган мазкур Ахсикат аслига келтирилиб қайта тиклаш, ҳақиқий очиқ ҳаводаги музей шаҳарча ҳолига келтиришдек олийжаноб тадбирлар ҳам амалга ошириб, бу ерга қадам ранжида қилувчиларни хушнуд этса ажаб эмас.

**Ҳабибулла ЗАЙНИДДИНОВ**

<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг». «Фан», Т., 1971 й. 667-б.

<sup>2</sup> Ҳ. Ҳасанов. Ҳофизу Аbru, Ҳайдар Мирзо, Филипп Ефремов. «Фан», Т., 1964 й. 28-б.

<sup>3</sup> В. В. Бартольд. Сочинения. т. II, ч. I, М., 1963 г. 176-б.

<sup>4</sup> Уша жой. 199-б.

<sup>5</sup> Ю. Н. Алескеров. Самарканд. Изд. «Ўзбекистан», 1967 г. 30-б.



Шаҳрисабздаги миллий меъморчилик услубида қурилган бозор ҳамиша гавжум.

**Р. Шагаев сурати (ЎзТАГ)**



## СУВОТИ ЮВОШМИ?

Сувооти (бегемот) имиллаб ҳаракат қиладиган ҳайвонлар турига мансубми? Тўғриси, уларни фақат ҳайвонот боғида кузатган одамларгина шундай фикрга келишлари мумкин. Аслида сувоотлари — ўта тажовузкордирлар. Яна, энг қийин пайтларда улар чаққон ва қудратли бўла оладилар.

Масалан, шерлар сувотининг ўз душманини сувга олиб тушиб чўктириб юборишга ҳаракат қилишини яхши билганликлари учун уларга камдан-кам ҳоллардагина ҳужум қиладилар. Тимсоҳлар ҳам уларнинг хулқ-ат-

ворларини яхшигина ўрганиб олишган: воёга етган сувооти ҳар қандай тимсоҳни бемалол енгиши мумкин. Тарихда одамнинг ишонгиси келмайдиган воқеа — дарёда сузиб кетаётган сувооти билан акуланинг жанги қайд этилган. Лекин шунга қарамай, бу жанг сувотининг фойдасига ҳал бўлади. У йирткични қирғоққа олиб чиқиб, бурдалаб ташлаган.

## ИНОҚЛИК

Англиянинг Радлетт шаҳарчасида яшовчи Фрэнк ва Энн Узбослар ғайриоддий, заҳарли жониворларни яхши кўришади. Уларнинг хонадонда 80 дан ортиқ ўргимчак, чаён, илон ҳамда баҳайбат кўпоёқлилар бор. Агар Узбосларнинг бирон ишлари чиқиб, уйлари эгасиз ҳолса, жониворларни назорат қилиб туришни қўшнилари ҳеч қачон рад этишмайди.

— Бу жониворлар,— дейди Энн Узбос (у 500 дан ортиқ аззоси бўлган Британия ўргимчакларни ҳимоя қилиш жамиятининг раҳбарларидан бири),— жуда қадимий ўр-

гимчаксимонлар вакили, яъни ўргимчаклар дунёсининг ҳақиқий динозаврларидир. Мен ўйлайманки, улар меҳр ва муҳаббатга лойиқ. Чунки улар хавфли ва қасоскор эмаслар.

Шуниси ҳайратланарлики, Узбосларга шу пайтгача бу жониворлар бирон марта ҳам зарар етказмаган.

## ЎЗИНИ ТАНИГАН МАЙМУН

Франциялик врач-приматолог (одамларга яқин жониворларни ўрганувчи) Жак-Ив Колле ўз ҳамюрти Жероп



Вьеннинг «Маймунлар дунёси» китобига ҳамда мана шу китоб асосида олинган фильмга маслаҳатчи бўлди.

«Узининг туғилишида,— дея тушунтиради Ж. И. Колле,— шимпанзе, горилла ва орангутанг каби барча маймунлар одамлардан кўра ҳам олғирроқ, қизиқувчанроқ, айёрроқдир. Лекин уларнинг ақлий тараққиёти фақат икки йилга қадар давом этади, кейин тўхтайти, инсонларда эса, аксинча...»

Шунга қарамасдан шимпанзе ёғоч қурилмаларни тахлаб ва унинг устига чиқиб жуда ҳам баландда осиглик бананларни ола билди. Шунингдек, олти бўлакка бўлинган нарсаларни бирлаштира олди. «Бир куни биз шимпанзени кўзгу қаршисида бир-бирига қаратиб бир минутча туриб турдик-да,— дея ҳикоя қилади Жак-Ив,— кейин ухлатдик. Ухлаётганида унинг пешонасига доғ суртиб қўйдик. Уйқудан сўнг яна кўзгу қаршисида пайдо бўлган маймун, аввал пешонасида бўлмаган доғни артиб кетказишга тутинди. Биласизми, бу нима дегани? Бу мўъжизавий жониворларнинг ўз «менини» англашини кўрсатади...»



Эркинжоннинг сигири бир кечада ҳаром ўлиб қолди. Эрталаб оғаси молхонага кирса денг, тўрт оёғи тарвақайлаб ётибди. Эркинжон қаттиқ изтироб чекди. Эҳ, аттанг, яқиндагина олиб келувди-я. Болаларининг оғзи эндигина оқликка тегиб қолувди. Рўзгордан ортган сут-қатиқни гоҳо бозорга ҳам олиб чиқиб, кам-кўстига яратиб туришувди.

Қишлоқда сугирсиз яшаш қийин. Энди бошқа сугир олиш керак. Ҳозир мол арзон дейишади, кузга бориб қимматлашади. Лекин... Эркинжонда ортиқча жамғарма йўқ. Нима қилиш керак? Дарвоқе, сугирини суғурта қилдириб қўйган-ку. Суғурта идорасидан пул олса, қўни-қўшнидан бироз қарз кўтарса...

Эркинжон бригадирдан бир кунга жавоб сўраб, район марказига — суғурта идорасига борди, инспекторга учрашди:

— Аввало сугирнинг ўлгани ҳақида акт бўлиши керак, — деди инспектор. — Сўнгра ўлимтани санэпидстанция кўригидан ўтказиб, бироз жойга кўмасиз. Кўмиш ҳақида ҳам справка олиб келинг. Ундан кейин пул оласиз.

Эртасига Эркинжон яна бригадирдан жавоб сўраб, мол докторини излаб кетди. Излаган одамни узоқдаги фермадан топди, беш сўмга машина кира қилиб уйига эргаштириб келди. Мол доктори ҳидлана бошлаган ўлимтани таёқ билан туртиб кўрган бўлди-да: — Энди акт тузамиз, — деди. — Лекин актга имзо чекиш учун иккита қўшнингиз ва бир депутат бўлиши шарт.

Эркинжоннинг боши қотди: бу қишлоқда депутат йўқ. Юқори қишлоқдаги депутатни олиб келгунча кун кеч бўлади.

— Актни тузаверинг, дўхтир, депутатнинг ҳам фамилиясини ёзаверинг, кейин қўл қўйдирарман.

— Нима, сиз кимни алдамоқчисиз? Депутат — энг ишончли киши. Сигирингизнинг ҳаром ўлгани фақат унинг имзоси билан тасдиқланади. Бўлмаса, акт тузмайман, — деди мол доктори тайсаллаб.

Шунда ён қўшниси Эркинжонни четга имлаб деди:

— Жа, соддасиз-да, ҳамсоя. Буни билмайсизми, ароқ деса ўзини томдан ташлайди. Томоғини ҳўллаш керак.

— Ароқ ўрнига пул берсамчи? — соддалик билан сўради Эркинжон.

— Йўқ, — деди қўшниси шивирлаб, — «пора» деб олмайди. Ароқ қуйиб беринг.

Эркинжон ўғлини бир шиша ароқни ўн беш сўмдан хуфия пуллайдиган «15-магазин» сотувчисига жўнатди. Кейин мол докторини уйга олиб кириб, хотинига «жиз-биз» қилиб юборишни тайинлади.

— Бизга қуйманг, ахир хизматдамиз, — деди мол доктори сохта камтарлик билан. Лекин кўзларини пиёладаги ароқдан узоқласди.

— Ҳа, энди бир келиб қолибсиз, бизга янги сугир олиб берайсиз энди, ака, — мулозамат қилди Эркинжон. У ароқнинг деярли ҳаммасини меҳмонга ичирди. Бўшаган шиша хона бурчагига думалатилганда меҳмон чулдираб қолганди.

— Энди, ҳик, бизга жавоб, ҳик. — Акт нима бўлади ахир, ака? — деди Эркинжон кўзлари мўлтираб.

— Конторга боринг, ҳик, боплаб ёзиб бераман, ҳик, печать ҳам босаман, ҳик.

Эркинжон ноилож рози бўлди. У мол докторни кузатиб ҳовлига кираётганда кеч кириб қолганди. Ногаҳон молхонадан келаётган бадбўй ҳиддан кўнгли айниб ўқчиди. «Ўлимтани тезроқ санэпидстанциясига олиб бормаса бўлмайди».

Эртасига Эркинжон бригадирдан яна бир кунга жавоб сўради.

— Э ука, инсоф борми сизда, — деди бригадир жаҳли чиқиб, — ахир экинлар сувсизликдан саргайиб кетаяпти. Уч кундан бери ўзингиздан ортмайсиз. Майли, бугун ҳам жавоб, лекин охиригиси бўлсин.

Ўлимтани ўттиз чақирим жойга олиб боришнинг ўзи бўлмайди — улов керак. Эркинжон Турсун тракторчининг олдига борди.

— Ҳозир иш жуда тигиз — экинга шарбат сув бераётганларга гўнг обораман, — деди Турсун тракторчи.

— Илтимос, ака, қуруқ қўймайман.

сўнг биз ҳам справка берамиз. Мушукжар район марказидан ўн чақирим узоқда. Тракторнинг тир-тиридан қулоғи том битган Эркинжон у ерга етиб борганда куёш уфққа оға бошлаганди. Бурни носқовоқдай, юзи чўтир қорювул ўзига тегишли «вино пули» ни олгач, ўлимтани кўмишга жой кўрсатди. Чуқур қазиб сугирини кўмгунча Эркинжон қора терга тушиб ҳолдан тойди. Қишлоққа кириб келганларида атроф Эркинжоннинг кўнглидай зимистон эди. Тракторчи хизмат ҳақида икки червонни олиб, Эркинжонни уйига ташлаб кетди.

Эртасига Эркинжоннинг боши қотди. Справка ва акт учун докторга борсинми, справкани санэпидстанцияга обориб топширсинми, ишга чиқсинми? Справкани кечиктирмай тезроқ топширса, пул олади. Кейин сугир олса ҳам бўлади. Лекин, ишга чиқмаса ҳам бўлмайди.

— Нима бўлса бўлар, — деди Эркинжон бир фикрга келиб, — олдин пулни олволай, кейин қанча иш бўлса қиларман. Бригадир ҳам одам-ку, тушунар ахир.

Эркинжон ўғлининг шалоқ велосипедини миниб, мол докторининг идорасига борди. Аммо

Эркинжоннинг хаёли қочиб ухлаб қолди. Туш кўрди. Суғурта идораси унга нақ минг сўм пул берганмиш, қарз олишга ҳожат қолмаганмиш. Бозордан битта сугирни етаклаб келаётганмиш. Сигири мўъраб ҳам қўярмиш. У ширин тушдан энтикиб уйғондию етим бузоқчанинг мўъраётганини эшитди.

Эркинжон чала-пула нонушта қилиб, кеча қўшниларига имзо чектирган актни депутатнига олиб борди. Присмат ака кўп сўраб-суриштирмай қўл қўйиб бера қолди. Санэпидстанциядан ҳам справка олинди. Унинг бир нусхасини ахлатхона қоровулига олиб бориб, ўлимтани кўмганлиги ҳақида ҳужжат олди.

Ҳужжатларнинг ҳаммасини суғурта инспекторига олиб борди Эркинжон. Инспектор саломаликдан сўнг ҳужжатларни кўрар экан, палағда овозда:

— Им, э-ҳа, ҳаммаси яхши, жойида, — деди. — Яшаш жойингиздан справка йўқ-ку, — деб қолди.

— Ахир хун пулини олишим учун унақа справка на даркор, паспортим ёнимда, — деди хуноби ошиб Эркинжон.

— Йўқ, азизим, — деди инспектор бамайлихотир. — Керак, бу масъул идора, яшаш жойингиздан справка йўқ экан, пул беришга ҳаққимиз йўқ...

Эркинжон эртаси куни инспектор айтган справкани ҳам олиб борди. Бирок яна машмаша чиқди: инспекторнинг айтишича, ветврач тузган актда муҳр бору, аммо штамп йўқ эмиш: штамп бўлмаса ҳужжатлар ҳақиқий ҳисобланмас эмиш!

Асаблари қақшаб, жиғи-бийрони чиққан Эркинжон суғурта идораси бошлиғи хонаси томон йўналди. Лекин бошлиқ йўқ экан: уч-тўрт киши уни кутиб, коридордаги стулларда ўтиришарди. Эркинжон ҳам, ўзини босиб олиш ниятида, бир қариянинг ёнидаги бўш стулга бориб ўтирди.

— Ҳа, ўғлим, — деди қария, — анаву кал инспекторнинг хонасидан чиқдингизми дейман?

Гапиришга ҳам қоли келмаган Эркинжон бошини қимирлатиб қўйди.

— Қуриб кетсин булар, бошлиғи ҳам бир гўр. Дарду ҳасратлари чўнтакда. Ўн сўм берсанг, йўқ нарсани ҳам бор қилиб беришади.

«Э калла, шу пайтгача нега хаёлимга келмади экан?» Эркинжон чўнтагини кавлай бошлади: битта ўн сўмлик бор экан. Хотини: «Келаётганингизда гўшт олиб келинг», деб берган эди. «Бир-икки кун гўшт емасак, ҳеч нима қилмас. Шу пул билан балким бугун ишимни битказиб кетарман». У ҳужжат ичига пулни қўйди-да, яна инспекторнинг хонасига қайтиб кирди. Ҳўмрайиб қараган инспекторнинг олдига қоғозларни қўйиб:

— Яна бир кам-кўстини кўриб берсангиз, — деди.

Инспектор ҳам гўшт ҳидини сезган мушукдай авайлаб ҳужжатларни кўрар экан, бирдан чиройи очилиб кетди.

— Ҳужжатларингиз ҳаммаси жойида, бемалол келиб, чек олиб кетаверишингиз мумкин, — деди

# ХУН ПУЛИ

## ҲАЖВИЯ

Тракторчининг юзига қон юғриб, сўзлари мулоимлашди.

— Майли, шунақада бир-биримизга ёрдам бермасак, қишлоқдошлигимиз қаёқда қолди, — деди тракторчи салмоқ билан. — Сиз ҳам унутмассиз ахир.

Ўлимтани оғилдан олиб чиқиб тракторга ортиш ҳам анча ташвиш бўлди. Кун чошгоҳдан ошиб қолганлиги учун қишлоқда қариқартаг ва аёллардан бўлак ҳеч ким йўқ эди: ҳамма ишга кетган. Эркинжон у ёқ-бу ёққа югурди. Хуллас, бир-иккита чол, уч-тўртта ўспиринни эргаштириб келди. Ҳай-ҳайлашиб ярим соат деганда ўлимтани зўрга тележкага юклашди. Тележка нақ икки соат деганда манзилга етиб борди.

— Ветврачнинг справкани? — санэпидстанция вакилининг биринчи сўзи шу бўлди. У Эркинжоннинг: «Бугун ўлимтани йўқ қилайлик», деган сўзларига ҳам кўнмади, справка бўлмаса ўлимта қабул қилинмайди, деб қаттиқ туриб олди.

— Бу ерни саситмай тезроқ олиб кетинг, тушликка чиқаётгандик, иштаҳани ҳам бўғдинглар.

Эркинжоннинг мияси ишлаб қолди.

— Тушлик бир гап бўлар, иштаҳа очадиган жойни биламан, — деди у вакилга.

Канал бўйидаги чойхонада ширкат кабобидан едилар.

— Майли, ўлимтани Мушукжар ёқасига олиб боришларингга рухсат берамиз, — деди вакил гугурт чўп билан тишини кавлаб. — Эртага албатта ветврачдан справка олиб келинг, шундан

эшикка: «Мен 2-фермага, молларни эмлашга кетдим», деган ёзув ёпиштириб қўйилганди. Эркинжон ҳафсаласи пир бўлди-ю, лекин ноилож фермага йўл олди.

— Жуда яхши бўлди-да келганингиз, бироз қарашворасиз, кейин акт ҳам, справка ҳам бўлади, — деди мол доктори хушнудлик билан.

Молларни эмлаш пешинда тугади. Кейин мол доктори Эркинжон билан идорага келиб, сугирининг ҳаром ўлгани, туси қанақалиги, ёши нечадалиги, нархи қанча туриши ҳақида акт тузди.

— Энди Эркинжон, депутат ва икки қўшнингизга имзо чекдиринг, — деди мол доктори.

Эркинжон у ердан чиқиб депутатнинг уйига борса, Присмат ака област марказидаги алақандай йиғинга кетган экан. Энди нима қилади? Кутилмаганда қорнида оғриқ турди. Шунда тушлик ҳам қилмагани ёдига тушдию, ранги бир аҳволда уйига қайтди. Эркинжон иккиқат хотинининг: «Ишингиз тўғри бўлди-ми, дадаси?» деган саволига жавоб бериш ҳам малол келиб, уйга кириб кетди. Эрининг шашти пастлигини кўрган хотини ҳам индамай қўя қолди.

Ярим кечада Эркинжон қорнидаги оғриқ зўрайди. «Энди касалхонага ётмасам бўлмасов, — дея ўйларди у ёқдан бу ёққа тўлғо-ниб. — Лекин ётмасимдан олдин шу сугирнинг хунини олволсам бўларди. Ахир уч йилдан буён бадални ўз вақтида тўлайман. 500—600 сўм беришса, ёнига бироз қўшсам, зотли бўлмаса ҳам, бундайроқ сугир олардим».



## ТАРИХИМИЗ РАНГЛАР ЖИЛОСИДА

Ирмоқлардан дарё ҳосил бўлганидек, ижодкорлар сафига янгидан-янги истеъодлар келиб қўшилмоқда. Зайниддин Фахриддинов ана шундай мусавирлардан бири ҳисобланади.

Зайниддин республика бадий билим юртини ақунлагандан сўнг А. Н. Островский номли Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил олади. Билим даргоҳида устозлари Раҳим Аҳмедов, В. Ковинин, Л. Резниковлардан рангтасвир, қалам-чизги сирларини ўргана боради. Талабалик даврлари ортда қолиб, 70-йилларда мустақил ижодий ҳаёт йўлига кириб келади. Рассом ўзбек халқ этнографиясига ёндошган ҳолда ижодий асарлар яратишга киришди. Натижада тўнғич — «Ҳаёт мазмуни» («Қилич ва қалам») асарини яратади. Асарда асосий етакчи мавзу — жаҳолатга қарши кураш ва зулм, қабоҳат устидан ҳақиқатнинг ғалаба қозониши ҳоқлари илгари сурилган. Муаллиф асар гоёсидан келиб чиқиб, унинг композициясини икки қисмга ажратади. Асарнинг марказий қисмида мутафаккир олимнинг ўз замондошлари: меъмор, таъмирчи, мусавир ва шоирлар ҳамкорлигида илму-фан, санъат борасида мушоҳада қилаётганлиги талкин этилади. Ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўювчи, очкўзлик, зулм-жаҳолат ҳислари қон-қонига сингиб кетган манфур кишиларнинг қиёфасини маҳорат билан тасвирлайди. Халқнинг бошига қора кунларни солган кучларни қоралайди.

Мусавир ранг танлашда ҳам зўр маҳорат кўрсатади. Асарда тасвирланган олим фозилларнинг кийимлари оқ ва самовий ёрқин рангларда тасвирланса, сардор ва унинг навкарлари кийимлари қора ва қизғиш рангларда ифодаланган. Асарда қўл-

ланилган ранглар ҳам образларнинг характерларига мутаносиб шакллантирилган. Бу соҳада анча тажриба орттирган рассом кўп ўтмай «Муқанна кўзголови» деб аталмиш катта тарихий асар яратишга қўл уради.

«Ахбори Муқанна»нинг муаллифи Иброҳим Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг айтишича, Муқанна Марв атрофидаги қишлоқдан бўлиб, номи Ҳошим ибн Ҳаким эди. У илгари қудунгарлик қилар эди, кейин эса илм ўрганишга машғул бўлди. Ҳатто пайғамбарлик даъвосини ҳам қилди. 783—784 йиллари Маҳдий ибн Мансур томонидан қатл этилди.

Мусавир асарда тарихий воқеага ёндошган ҳолда, зардуштийлик динига мансуб бўлган Муқаннанинг араб истилочиларига қарши, ўз эътиқоти учун ҳаёт-мамот жангида қатнашаётган дақиқасини тасвирлайди. Мазкур асар композицияси ҳам икки қисмга бўлинган, ўнг томонда Муқанна ва унинг ҳаммаслакларидан бўлган оқ кийимлилар тасвирланган. Муқанначиларнинг кўзларидаги ўз душманларига қарата нафрату қаҳр, ғазабни ва шунингдек, ўзларига бўлган тўла ишонч учқунларини мусавир маҳорат билан тасвирлайди. Муқанна ва унинг сафдошлари гуруллаб ёнаётган олов ичида тасвирланган. Тасвир тилининг лўндалиги, чизиқларнинг равонлиги, шаклларнинг тугалланганлиги бадий ифоданинг ҳал қилинишига кўмак беради. Рангларнинг мутаносиблиги, уйғунлиги асарни янада теранроқ ечилишига хизмат қилади. Рассом ижодида тарихий шахс сиймолари портретлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Унинг «Улуғбек портрети», «Ибн Сино», «Ал Хоразмий», «Улуғбек ўз шогирдлари билан», «Беҳзод портрети» каби асарлари томошабин қалбидан чуқур ўрин олади. «Улуғбек юлдузлари» асарини кузатар эканмиз, тилсимли юлдузлар ошиёнини илм калити билан очган мутафаккир, олим қиёфаси кўз олдингизда гавдаланади. Асар композициясида қўлланил-

ган барча деталлар давр муҳитини томошабин кўз олдида гавдалантиради. Мусавир Улуғбек кўзларидаги чуқур маънони, ақлзаковатини тараннум этади. Авторнинг навбатдаги — «Ибн Сино ўз шогирдлари билан» асари ҳам кишининг эътиборини тортади. Ибн Сино ўрта асрнинг улуғ қомусий олимидир. Унинг илмий фаолияти фалсафа, медицина, физика, кимё математика, тилшунослик, музикашунослик ва бошқа соҳаларни қамраб олади.

Мазкур асар композициясининг марказий қисмида олим ва унинг шогирдлари тасвирланган. Олим илмий кашфиёт сирини очган дақиқа, унинг юзидаги илҳом бадий бўёқларда очиб берилган. Олимнинг кўзидаги севинч, ҳайрат учқунлари ҳаётга ва ишонарлидир. Шогирдларининг нигоҳлари олимнинг кашфиёти томон катта қизиқиш билан қаратилган. Олим қадди-қомати ҳам мукаммал, аниқ ечилган.

Шунингдек, асарда қўлланилган ҳар бир жиҳоз, кишилар кийимлари давр муҳитини, образлар характерларини тўлақонли равишда ифодалаган. Тарихий шахс сиймолари образларини яратиш Зайниддиннинг бирдан-бир эзгу орузси бўлиб қолди. Кўп йил ижодий изланишлар замида унинг ажойиб асари — «Қамолиддин Беҳзод» портрети сайқал топади. Портретда рассом мусавирни ижод дақиқасида талқин этаркан, Беҳзоднинг сарв қомати нафис куйга тебранаётгандек туюлади. Асарда Абдурахмон Ҳомийнинг шеър ўқиётган сиймоси ҳам томошабинни ўзига мафтун этади.

Ҳа, рассомнинг ижоди кўп қирралидир. У рангтасвирнинг турли жанрларида ижод қилиб келмоқда. Тарихий мавзуда, манзара ёхуд портретми, у ҳар бир асарига ўз иқтидорини, меҳрини бағишлайди. Унинг асарларида замондошларимиз образи руҳияти, шу улуғвор давримиз бунёдкорларининг сиймоси, юрак ҳарорати акс эттирилган. Мусавир яратган портретларида киши руҳининг илғаб бўлмас қиррала-



рини, муайян муҳитдаги ўзига хос ҳолатини яққол очиб бераолган.

Манзара мусавир ижодининг ажралмас бўлагидир. «Ҳовли кўриниши» асарида болалиги ўтган мўъжизакор ҳовли тасвири акс этган. Шинамгина, саранжомгина ҳовли. Деворга ўрнатилган тандир оғзига шох-шаббалар тикиб қўйилган ва худди ичкаридан мусавирнинг севимли бувиси чиқиб келиб, тандир ёнига яқинлашаётгандек. Рассом учун бу ҳовлидаги барча жиҳозлар азиз ва нодир.

З. Фахриддиновнинг тасвирий санъат оламига қадам қўйганига кўп вақт бўлгани йўқ, лекин у шу қисқа муддат ичида ўзининг ажойиб асарлари билан томошабинлар диққатини жалб қилмоқда. У ҳозирги пайтда Тошкент политехника институтининг меъморчилик факультетида ўқитувчилик қилаётир. У ижодий меҳнат кучоғида тинимсиз изланишлар жараёнида ўсмоқда.

Жамила САИДАЛИЕВА,  
санъатшунос

у ясама табассум билан.

Кечга яқин уйига қайтиб келган Эркинжонни нохуш хабар кутиб турарди. Бир неча кун далага чиқмаганлиги ва бригадирдан бесўроқ кетиб қолганлиги учун уни ишдан ҳайдашибди. Энди бригадага бормаса ҳам бўлаверармиш. Бригаданинг табелчиси Омон шундай деб хотинига айтиб кетибди. Эркинжоннинг устига бир челақ совуқ сув қуйилгандай эти увишиб кетиб, ичида бир нима чирт узилгандай бўлди.

— Шу кеча Эркинжон туни билан

мижжа қоқмади. Қорнидаги оғриқ кучайгандан кучаярди. Фақат тонгга яқин бироз кўзи илинибди.

У ўрнидан турди-да, энди тайёр пулни олиб келай, кейин даволангани касалхонага борарман ёки бригадирдан кечирим сўрарман, кўнмаса бошқа бирор ишнинг бошини тутарман, деган ниятда яна район марказига йўл олди. Навбати етиб, суғурта идораси бошлигининг олдида кириб, ўзини танитди.

— Жуда яхши,— деди бош-

лик,— хужжатларингиз билан танишиб чиқдим, ҳаммаси тўғри. Ҳозир чек ёзиб бераман.

У чек ёзиб беришдан аввал нақ ярим соат суғурта қилдиришининг афзаллиги ҳақида ваъз ўқиди. Худди пулни ўзининг чўнтагидан бераётгандай миннат билан гапирди. Унинг ҳали-бери тугамайдиган нутқини эшитаркан, Эркинжоннинг кўз олди қоронғилашиб, қорнидаги оғриқ зўрайди. Оғзидан чиққан кўпикларни артиб, сўзини ақунлаган бошлиқ Эркинжон қўлига тантана билан

чекни узатди. Мўмайгина пулни умид қилган Эркинжон чекка кўз югуртирар экан, «150 сўм» рақамини кўриб, тарвузи қўлтигидан тушди. Бу ҳам етмаганидек бошлиқ:

— Ҳозир маблағ йўқ, пулни кейинги кварталда оласиз,— деди.

— Нима? — Эркинжон шилқ этиб ёнига ағдарилди. Бир оздан кейин «тез ёрдам» машинаси суғурта идорасига етиб келди.

Абдураззоқ КАРИМОВ



Муқанна қўзғолони.

**РАССОМ**

**ЗАЙНИДДИН ФАХРИДДИНОВ**

**АСАРЛАРИДАН**

**НАМУНАЛАР**



Чанқовуз ча-лаётган қиз.






З. ФАХРИДИНОВ.



ҲАЕТ МАЗМУНИ.



А. Бобров. Хинд эпоси «Рамајана» китобиға  
ишланган расм.



Хонанда Бахтиёр Холхўжаев ўз ансамбли билан қўшиқ ижро этмоқда.

А. Кудряшев сурати



# ЯНА КЕЛАР СЕН КУТГАН БАҲОР

Ҳаёт ўзи шундай азалдан,  
Енма-ёнди инкор ва иқрор.  
Гул-майсаги гўзал қирнинг ҳам,  
Назар ташла, паст-баланди бор.  
Гулдан тўшаб пойингга гилам,  
Яна келар сен кутган баҳор...

Қўшиқ тинглаб мунга ботасан, қўшиқ тинглаб кайфиятинг кўтарилади, лекин қай ҳолатда бўлмасин яхши қўшиқ инсон қалбида нурли туйғулар уйғотади. Яхши қўшиқ инсонга инсон эканлигини эслатади, ҳаётга умид кўзи билан қарашга ундайди, фарахли кунларга етаклайди. Яхши қўшиқ ҳамма вақт миллий-дир, шунинг учун ҳам у сарҳадларни тан олмайди. Миллатнинг руҳи рамзида жаҳон кезади.

Қўшиқчилигимизда минг йиллик мозийдан келаётган ҳафта-лаб куйланадиган халқ дostonлари-ю энг ихчам ҳаққоналар, мақому термалар мавжуд, барчасида миллий руҳ бўртиб туради. Бугунги ўзбек қўшиқчилигининг энг яхши намуналари асосан шу миллий заминдан озук олади. Мулла Тўйчи ҳофиз, Юнус Ражабий, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов каби ўзбек қўшиқчилигининг даргалари йўлидан бораётган таниқли хонанда Бахтиёр Холхўжаев ҳам ўз услуби, ўз овозига эга. «Сен кутган баҳор», «Ешлигим», «Сен борсан» каби бир қатор қўшиқлар радио тўлқинлари орқали янраганда ижрочининг исми эълон қилинмаса ҳам барча қўшиқсевар кишилар: «Ана, Бахтиёр куйляпти», дея тинглайдилар.

Бахтиёр Холхўжаев 1972 йили

«Гуллола» қўшиғи билан «Мархабо, талантлар» телевизион кўригининг лауреати бўлгандан буён халқ назарида. Ҳаёт сабаб ва оқибат қонуниятига беҳато амал қилади. Юқоридаги воқеа сабаб бўлиб, оқибатда Самарқанд шаҳар маданият уйида бадиий раҳбар бўлиб ишлаётган Бахтиёр «Шодлик» ашула ва рақс ансамблига таклиф қилинди. Бу ерда у Форш районидagi она қишлоғи Гарашадаги ўрта мактабда музика ўқитувчиси Келдихон Саидаҳмедов қизиқаш уйғотган, кейинчалик саккизинчи синфни тугатгач, Тошкент маданий-оқартув техникумида музика ва қўшиқчилик санъати соҳасидан олган билимларини, таъбир жоиз бўлса, ҳаётга тадбиқ этди. Устози, Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Муҳаммаджон Мирзаев раҳбарлигида имкониятларини намойиш қилиш йўлида тинимсиз изланди. Унинг ижрочилиги мухлисларга манзур бўла борди. 15 йил мунтазам «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли сафида бўлиб, ансамбль билан жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида, РСФСР, Қозоғистон, Украина, Тожикистон жумҳуриятларида ижодий сафарда элга танилди. ГФР, ГДР, Польша, Венгрия, Мозамбик, Вьетнам, Болгария, Мали каби бир қатор мамлакатларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» кунларида иштирок этди. Бу орада ҳарбий хизматда ҳам бўлиб қайтди.

Бахтиёр бастакорлардан Тельман Ҳасанов, Қаҳрамон Комилов билан ижодий ҳамкорликда репертуарини бойитиб борди. Хо-

нанданинг шоир Саъдулла Ҳаким билан ҳамкорлиги унинг ижодида ўзига хос ўрин тутади. Хонанданинг айнан шу шоир ижодига кўпроқ мурожаат этиши ҳам бежиз эмасдек, чунки улар бир қишлоқ қирларида қўй-қўзи боқиб, бирга гуллар териб, бир тоғнинг ирмоқларида чўмилиб улгайишган. Бир-бирининг руҳиятини яхши тушунишади, шунинг учун ҳам ҳамкорликда яратилган қўшиқлари кўпинча муваффақиятли чиқади:

*Қардошига иззатли тилим —  
Тилим-тилим ва яна тилим —  
Она тилим.*

Ҳозиргача йигирмадан ортик қўшиғини республика радиосининг олтин фонди лентасига ёздирган Бахтиёр Холхўжаевнинг репертуари ранг-баранг, унда классик шоирлардан ҳазрат Навоий, Фузулий, Огаҳий, Фурқат ғазаллари-ю Р. Парфи, Н. Нуруллаев, Г. Нуруллаева, С. Ҳаким, А. Суюн ва М. Кенжабоев каби бугуннинг шоирлари ижодидан намуналар жамланган.

Албатта, Бахтиёрнинг барча қўшиқлари ҳаммага манзур бўлади, дея олмаймиз. Ахир мухлислар минг хил дидга, минг хил савияга эга, бунинг устига ҳар қандай шоир ҳам, ҳар қандай хонанда ҳам барча ижод маҳсулини ҳаммага бирдай манзур қила олмаса керак, зеро, санъат асарини ҳамма ҳам бир хилда қабул қилмаслиги табиий. Лекин шу нарсани таъкидлашни истардикки, ҳар бир қўшиқ мухлиси қай-

си қўшиқ қайси йўлда куйланаётганлигини, қай бир қўшиқнинг яхши эканлигини ажрата билади.

Айни пайтда Бахтиёр Холхўжаев Ўзбекистон Ёзувчилари Уюшмасининг Бадиий адабиётни тарғиб қилиш бюроси қошида «Турон чечаги» номли ансамбль ташкил қилиб, республиканинг турли бурчакларидаги хўжаликларда уюштирилаётган «Шеър ва қўшиқ» кечаларида муваффақиятли иштирок этмоқда.

— Шоирлар билан биргаликдаги чиқишлар натижасида менинг ижодимда ҳам бир қадам олға силжиш рўй берди. Рауф Парфининг «Чўлпон ғазалига мухаммас»и, Мирзо Кенжабоевнинг «Ишонгайман», Саъдулла Ҳакимнинг «Она тилим», «Наврўз муборак» каби ижтимоий-сиёсий мавзудаги қўшиқларим шу силжишга мисол бўла олади, деб ўйлайман, — дейди хонанда.

Бахтиёр Холхўжаев — камтарин санъаткор, ўз устида тинимсиз меҳнат қилувчи ижодкор. Бундай санъаткорларни эл қадрлайди. Тарғибот бюросига жойлардан келаётган таклиф-истаклар, Бахтиёр Холхўжаев иштирокида яна учрашувлар ўтказишни талаб қилиб ёзилган мактублар ҳам хонанданинг тўғри йўлдан бораётганлигини кўрсатади. Биз хонандага бу йўлда муваффақият тилаб, фикримизни у ижро этган қўшиқнинг қуйидаги сатрлари билан якунлашни лозим топдик.

*Учмагайман, ёлгон  
шуҳратга-шонга,  
Мана, юрагимни қўйдим  
нишонга.  
Сен рўё гапларга асло  
ишонма,  
Мен сени севаман, сени  
севаман.*

Баҳром ҒОЙИБ,  
Комил ЭРМУҲАММАД

## КИТОБЛАР ОЛАМИДА

### ДЕҲҚОНЧИЛИГИ- МИЗ ТАРИХИДАН

Карл Маркснинг «Икким шароити ва тупроқ хусусияти... каналлар ва ирригация иншоотлари ёрдами билан сунъий суғориш миқёсини шарқ деҳқончилигининг асоси қилиб қўйди», деган ҳақли мулоҳазаси Шарқдаги барча ўлкалар каби бизнинг диёримиздаги суғориш тармоқлари ва сув иншоотларига ҳам бевосита тааллуқлидир. Суғориб деҳқончилик қилина бошланган даврлардан бошлаб токи шу кунгача Наманган воҳасининг суғорилиш тарихи ҳам Ўзбекистон халқларининг сув учун олиб борган шиддатли курашининг таркибий қисмидир.

В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидаёқ — 1918 йил 17 майда «Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм пул ажратиш ва суғориш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги тарихий декрет ҳам республикамизда деҳқончиликнинг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Шу жиҳатдан ҳам тарих фанлари номзоди Йўлчи Қосимовнинг «Наманган воҳасининг суғорилиш тарихидан» («Фан» нашриёти, 1988) деб номланган рисоласи Ўзбекистон, хусусан, На-

манган воҳасининг суғориш тарихига бағишланганлиги билан эътиборга моликдир.

Маълумки, кейинги йигирма йил ичида Ўзбекистон ССРда суғориладиган майдонлар 2,6 миллион гектардан 3,7 миллион гектарга кўпайди. КПСС Марказий Комитетининг Октябрь пленуми (1984)да жуда муҳим масала — «мамлакат озиқ-овқат салмоғини муттасил ошириб бориш мақсадида узок муддатли суғориш программаси, суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Пленумда муҳокама этилган ва 2000 йилгача мўлжалланган программада сув хўжалиги қурилиши кўламлигини кенгайтиришни таъминлаштириш кўзда тутилган.

Муаллиф рисоланинг «Улуғ Октябрь революциясига қадар Наманган воҳасида суғориш ишларининг аҳоли» деб номланган биринчи бўлимида Наманган воҳасининг табиий-жуғрофия шароити ва сув манбалари ҳақида, воҳада сувли деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши, XVIII — XIX асрнинг биринчи ярмида Наманган музофотидаги сув иншоотлари ва сув тақсими масалалари тарихий ҳужжатлар ва далиллар асосида баён этилган.

Чор ҳукумати қирқ йил (1877—1917) ичида Фарғона водийсида,

жумладан, Наманган воҳасида суғориш ишларини ривожлантиришга яхши эътибор бермади ва 1286 от кучига эга бўлган механизмлар ёрдамида марказий Фарғонада атиги етти минг гектар ер суғорилган. Бу борада камқувватли насос станциялари ва Розенбах ариғини ҳисобга олмаса, деярли бошқа иш қилинмади. Рус князи В. И. Масальский бун шундай эътироф этди: «Биз Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган давримизда анча иш қилдик. Лекин тақдир тақозоси билан ўлканинг асосий эҳтиёжи соҳасида, яъни янги ерларни ўзлаштириш, сувдан фойдаланишни қонун йўли билан тартибга солиш ва экин майдонларини кенгайтириш соҳасида деярли ҳеч бир иш қилмадик...» Гарчи, чор ҳукумати сувли деҳқончиликка эътибор бермаган бўлсада, илғор рус олимлари ва инженерлари ўз ташаббуслари билан янги ерларни суғориш мақсадида қатор лойиҳа ва таклифлар билан чиқдилар. Машҳур академик И. Г. Александров: «Фақат инқилобдан кейинги янги Россиягина қолоқ ва камбағал Туркистонни поёнсиз халқ бойликлари ўлкасига айлантириши мумкин», деб орзу қилган эди. Буюк рус олимнинг бу орзуси Октябрь инқилобидан сўнг амалга ошди.

Қолоқ Туркистон ўлкасининг кичик бир бурчаги бўлган Наманган

воҳасида Совет ҳокимияти йилларида деҳқончилик маданияти ривож топди. Бу жараёни муаллиф рисоланинг биринчи бўлимида атрофлича баён этган.

Рисоланинг «Совет ҳокимияти йилларида Наманган воҳасида сув иншоотлари қурилиши даврида суғориш ишларининг тараққиёти» деб аталган бобида Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида сув иншоотларининг қайта қурилиши ва сув хўжалигининг ривожланиши, поплик колхозчи деҳқонларнинг бу жараёндаги ташаббуслари, Шимолий Фарғона каналининг қурилиш ишлари ҳикоя қилинади. Рисоланинг учинчи бобида эса, Наманган воҳасида сув шохобчаларини қайта қуриш ва улардан фойдаланиш, Косонсой ва Катта Наманган каналларининг қурилиши ва буларнинг деҳқончилик учун аҳамияти таҳлил қилинган.

Шунингдек, китобда сув манбаларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, Сирдарё билан боғлиқ Орол денгизи муаммоси хусусида ҳам фойдали фикрлар илгари сурилган.

Содиқ НОРҚЎЗИЕВ,  
фалсафа фанлари номзоди,  
Юсуф МАНЗАРОВ,  
тарих фанлари номзоди



Бўрибой АХМЕДОВ

# Улуғбек эрожедори

...Сирасини олганда, Улуғбекнинг омади келмади. Тўнгич ўғил қилич ўқталиб турган ана шу кезлари кенжа ўғил ақл-идрок, фаросат билан иш тутмади. У яна раият ва амирларни ранжитди, яна ўша кайфу сафолар авжига минди. Қўшиндаги амирлар орасида норозилик кучайди. Бу қанақаси ахир! Улар бу ерларда жонни жабборга бериб юрсалар-у подишоҳнинг эркатойи кўнглига келган ишни қилса, уларнинг иззатнафсига тегса! Амирлар ўртасида кўпдан бери давом этиб келаётган шивир-шивирлар бора-бора подишоҳга қарши фитнага айланган. Улуғбек фитнани бошда сезиб қолди ва турли йўллар билан унинг олдини олди. Амирларнинг баъзиларига юрт инъом қилди, баъзиларини қимматбаҳо матолар, зару олтинлар билан сийлаб кўнглини олди. Эндигина ўрдудаги гала-говур босилган ҳам эдики, кўп йиллардан бери Улуғбекнинг хизмати қилиб юрган темирчи Султон Абу Саъид мирзо исён кўтарди. У бир куни саҳарда қўл остидаги аргин қабиласи йигитларидан тузилган отлик қўшини билан ўз истеҳкомини ташлаб кетди ва Самарқандга қараб йўл олди. Султон Абу Саъид тез орада Самарқанд остоналарида пайдо бўлди ва уни қуршовга олди. Мирзо Абдулазизнинг ихтиёридаги аскар Абу Саъиднинг отликларидан икки баробар ортик эди. Шунга қарамай, қалъадан чиқиб душман билан беллашишга журъат қилмади. Абдулазиз билан Мироншоҳ қавчин қалъа дарвозалари ҳамда буржу бораларига одам тайинлаб, мудофаа жангини ихтиёр қилдилар. Бу ҳақдаги хабар Термизга бориб етгач, Улуғбекни ваҳима босди, энди нима бўлса ҳам Самарқандни сақлаб қолиш зарур бўлиб қолди, чунки пойтахтнинг қўлдан кетиши — тожу тахтнинг қўлдан кетиши билан баробар эди. Шунинг учун ҳам у Жайхун бўйидан кўчиб, шитоб билан Самарқандга қараб юрди. Улуғбек йўл-йўлакай ташвиш оғушида борди. Мирзо Абу Саъидни бартараф қилармикин? Ёки у боргунча Самарқанд қўлдан кетиб қолармикин? Абдуллатиф отасининг йўқлигидан фойдаланиб дарёнинг бериги қирғоғига ўтиб олмасмикин? Ахвол шунга борса, унда Улуғбек шубҳасиз икки ўт орасида қолади. Шу ўтларнинг алангасида куйиб кетмасмикин? Бу ҳам етмагандай амирларнинг кайфияти ҳамон яхши эмас. Ахир улар уни кеча бандга олиб Абдуллатифга топширмоқчи ҳам бўлдилар-ку! Мана шу йўллар Улуғбекнинг юрак-бағрини ўртарди. Йўлда Қаршига икки йиғоч қолганда, қўшинда яна бузилиш содир бўлди. Бир гуруҳ амирлар одамлари билан тунда қаёққадир ғойиб бўлишди. «Лашкар шу қадар паришон бўлдики, — деб ҳикоя қилади тарихчи Абдураззоқ Самарқандий, — кўпчилик чодир ва бошқа ашёларини ташлаб қочдилар. Улуғбек зўр қийинчилик билан қўшиннинг озгина қисмини сақлаб қолди».

Султон Абу Саъид эса Улуғбекнинг шаҳарга яқинлашиб қолганини эшитиб, қамални бўшатди ва Туркистон тарафга қараб қочди...

Улуғбек шаҳарда бир-икки кун қолиб, йўқлигида содир бўлган ахволни тафтиш қилиш билан банд бўлди. Аниқлашича, Абдулазиздан нафақат амирлар, балки қосиблар ва савдогарлар ҳам норози эканлар. Шаҳзода кун оша бозор айланиб, заргарлик ҳамда ҳарир моллар, кимхобу атласдан тикилган зардўзий либослар сотадиган дўконларда, бозор ва расталарда кўзига қайси маъво яхши кўринса, оқчасини тўламайин олиб кетаверадиган қилиқ чиқариб олган эди. Сулув қизлар ва бировларнинг канизақларини олиб кетиш ҳунарини ҳам тарк этмапти. Бунинг устига Низомиддин Хомушнинг одамлари яна гимиллаб қолишибди. Улуғбек ўғлини қаттиқ итобга олди. Мироншоҳ қавчинни аямасдан дўппослади...

Шаҳарда тартиб ўрнатилгандан кейин Улуғбек қўшинни тўлатиб яна Жайхун ёқасига, Мирзо Абдуллатифга қарши отланди. Бу сафар у Абдулазизни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Пойтахт мутасаддийлигини яна ўша Мироншоҳ қавчинининг зиммасига юкледи. Лекин энди ташаббус тамом қўлдан кетган эди. Абдуллатиф отаси Термиздан кўчган ҳамон дарёдан ўтиб, шаҳарни эгаллади ва Пули сангин орқали Самарқандга қараб юрди. Хузур билан Кеш онсонгина қўлга кирди. Мирзо Абдуллатиф шу ерда бир неча кун тўхтаб, теварак-атрофдан озиқ-овқат жамғарди, сўнг Кеш, Хузур ва бошқа ерларнинг лашкарини ҳам қўшиб Самарқанд устига отланди. Тез орада Абдуллатиф Шероз туманига кириб борди. Улуғбекнинг асосий кучлари ҳам шу ерга тўпланган эди.

Самарқанднинг шарқий-жанубий томонида жойлашган Димишқ кўрғонининг шарқий тарафида жойлашган кенг текисликда ҳар иккала тарафнинг қўшинлари саф тортдилар. Улуғбек нимагадир ўз қароргоҳини баланд тепаликнинг кунботар тарафидаги ёнбағирликка жойлаштирди. Бу ердан эса жанг майдони яхши кўринмасди. Қуёш чиқиши билан ёвлашувчи томонлар жонланиб қолдилар. Улуғбек қўйнидан дастрўмолини олиб ёзди ва юқори кўтариб, бир-икки марта силкитиши билан унинг ёнгинасида, беш-олти қадам нарироқда, тепаликда турган карнайчи, сурнайчи ва ногорачилар ишга тушиб кетишди. Карнайнинг наъраси, сурнай садоси, қўшногоранинг гумбири-гумбири осмону фалакни бошига кўтарди. Шундан кейин баронғор, жавонғор ва гулда амирлар қўлларини дуога очдилар ва қилчларини гилофдан суғириб, аскарни жангга бошладилар. Абдуллатифнинг қўшини ҳам наъра тортиб ўзини жангу жадалга отди. Аскарлар жон олиб-жон бердилар. Ўша куни эрталабдан то чошгоҳгача тиним билмай жанг қилдилар. Дастлаб Улуғбек

қўшинининг қўли баланд келди. Душман баронғори кўп талофот кўрди. Жавонғор бўлса бирин-кетин берилаётган зарбага зўрға дош бериб турарди. Абдуллатиф чекиниш тараддудида амирлари билан от устида кенгаш қуриб турган бир пайтда Улуғбекнинг баъзи амирлари, Пирмуҳаммад Тоғой Буқонинг иғвосига учиб, Абдуллатифнинг тарафига ўтиб кетдилар. Бу қўли баланд келиб турган қўшиннинг шаштини синдирди. Хонлик оқибатида лашкарда парокандалик ва бузилиш бошланди. Бу воқеа ҳижрий 853 йил шаъбон ойининг бошида (1449 йил 19 сентябрь) содир бўлди. Улуғбек ноилож қўшинга чекинишни буюрди ва ҳамма нарса қўлдан кетмай туриб, Самарқандга етиб олиш ва унинг мустаҳкам қалъасига жойлашиб олиш тараддудига тушди. Ўша жангда Абдуллатиф билан бирга бўлган ҳожи Муҳаммад Хусрав кейинча тарихчи Мирхондга мана буларни хикоя қилган экан: «Агарчи подишоҳи олам Улуғбек Димишқ ёнида бўлгон урушда чодирни ўшал тепаликнинг бизга қорагон тарафида тикканиларида эрди, мирзо Абдуллатифнинг тамом қўшини жангу жадал майдонини тарк этуб қочгон бўлур эрди». Ҳа, балким шундай-дир. Лекин мағлубият сабаби бошқа тарафда — Улуғбекнинг атрофида хоин кўпайганида эди. Буни Улуғбек аллақачон пайқаган, шунинг учун ҳам чекинишни афзал кўрган эди.

Улуғбек зўр умид билан Самарқанд остоналарига етиб келди. «Агарчи эсон-омон қалъага кириб олиш муяссар бўлса, бас. Мирзо Абдуллатиф исёни бостирилгусидир», — деб айтди у ўшанда яқинларига. Афсуски, бу Улуғбек ва унинг ҳамроҳларига муяссар бўлмади. Мироншоҳ қавчин кўрнамаклик тариқини тутди, шаҳар дарвозаларини Улуғбекнинг юзига ёпди, уни шаҳарга киритмади. Бу қандай адолатсизлик бўлди? Кечагина қаршигда тиз чўкиб лутфу марҳаматинга умидвор бўлиб турган кимса Бугун юзингга оёқ қўйса! Улуғбек бу мунофиқни ўшанда йўқ қилиб юбормаганига пушаймон бўлди. Энди нима ҳам қила оларди. Бўлар иш бўлди. Бу ерда ортикча қолишнинг фойдаси йўқ эди...

Абдуллатиф отасининг кетидан қувмади — уч куни Шерозда қолиб кетди. Амирлардан бири мирзонинг кўнгли хуш пайтини пойлаб ишни пайсалга солишнинг оқибати яхши бўлмаслигини ётғи билан айтган эди, Абдуллатиф: «Қўяверинг, қария у ёқ-бу ёқни бир айланиб кўрсин, кўрамиз немарсага эришур эркан», деб қўяқолди. Ҳа, у ишнинг бу ёғидан хотиржам эди. У Мироншоҳ қавчин билан аллақачон тил бириктириб олганди.

Улуғбек Абдулазиз ва яқинлари ҳамроҳлигида, содиқ қолган кичик қўшин билан Сайхун бўйларига, Шоҳруҳия қалъасига қараб йўл олди. Бир вақтлар Банокат аталган ва Суғддан Шошга, ундан Хитойга боради-



ган карвон йўлида жойлашган бу шаҳар Чингизхон истилоси даврида тамом вайрон қилинган эди. Амир Темир 1382 йили уни қайтадан тиклади ва кенжа ўғли Шохрух мирзо шарафига унга Шохруҳия деб от қўйди. Шохруҳия эски аслидан ҳам зиёда ва мустаҳкам қилиб қурилди. Унинг бир тарафида Сайхун, иккинчи тарафи эса хандақ билан ўралган эди. Унда жамланган озик-овқат кам деганда ярим йилга бемалол етарди. Йўлда Улуғбек Абдулазизга деди:

— Ушал қалъада уч-тўрт кун турайлик, кўрамиз замон ўз ойнасида яна не ҳол сўратини кўргузур эркан, — Улуғбек Абдуллатифнинг сулҳга қўнишига ҳамон умидвор эди. — Майли, оғонгиз тожу тахт иштиёқида бўлса, бош устига, ани олаверсун, фақат урушни тўхтатса бас, — деди у Абдулазизга Шохруҳияга яқинлашиб қолганларида.

Шохруҳия кутволи<sup>5</sup> Иброҳим ибн Фўлод Мироншоҳ қавчин қабилида иш тутмади. У шаҳарнинг эътиборли зотлари билан Улуғбекнинг йўлига пешвоз чиқди, зўр ҳурмат ва эътибор билан уни ва ҳамроҳларини қалъага олиб кирди. Кечқурун кутвол мўй-табар меҳмонлар шарафига қуюқ зиёфат берди, яна бир-икки кун уларга мулозамат қилди, кейин у ҳам валинеъматидан юз ўгирди. Воқеа бундай содир бўлди. Шохруҳияга келганларнинг учинчи кунни Улуғбек билан Абдулазиз сайру саёҳат деб қалъадан ташқарига чиқдилар ва эртадан кечгача Сайхун бўйларини айландилар, тўқайзорда қора кийик овладилар, қалъага эса қоронғу тушганда қайтдилар, лекин бу гал унинг дарвозалари берк эди. Дарвозани тақиллатдилар, овоз бериб ўзларини танитдилар, лекин фойдаси бўлмади. Ичкаридан дарвозабоннинг тўнғиллаган овози эшитилди:

— Кутвол жаноблари, дарвоза ҳеч кимга очилмасун, деб буюргонлар, кетинглар бу ердин, йўлларингни берсин.

Шундан кейин Улуғбекнинг хотирига олий мақом хон Абулхайрхон<sup>6</sup> ҳузурига илтижо қилиб бориш фикри келди. Лекин мулоҳаза қилиб кўриб, фикридан қайтди. Нима бўлса ҳам ота-бола ўртасида меҳру оқибат ва муруват бўлишини андиша қилиб, Самарқандга қайтиб боришга қарор қилди. Маънос бир кайфиятда мулозимларига деди:

— Салтанатни Абдуллатиф мирзога топширурмиз, ўзимиз эрсак мадрасаи хосда толиби илмга дарс бериш ва расадхонада илм билан машғул бўлурумиз...

Бу сафар ҳеч қандай гап-сўзсиз Шайхзода дарвозасини уларга очдилар. Абдуллатифнинг хизматкорлари уларни Боғи майдонга олиб келдилар. Боққа кираверишда, азамат терак тагида уларни мирзо Абдуллатифнинг ўзи қарши олди. Ота-бола қучоқлашиб кўришдилар. Шундан кейин хизматкорлар Улуғбек билан Абдулазизни дарвозадан кўп ҳам олис бўлмаган, боғ ўртасида жойлашган икки қаватли деворлари мармар ва кошнлар билан қопланган, чор айвонлик ихчамгина қасрга олиб бориб ўринлаштирдилар. Ўша кунни кечқурун меҳмонхонада Улуғбек ва унинг ҳамроҳлари шарафига зиёфат берилди. Абдуллатиф подишоҳларга хос сурур билан ҳамма йиғилгандан кейин кириб келди. Уни бу ерга йиғилганларнинг ҳаммаси, шулар қатори Улуғбек билан Абдулазиз ҳам, тик турган қолда қўл қовуштириб қарши олдилар. Абдулатиф тўрга, отасидан юқориқоққа ўтиб ўтирди. Зиёфат совуққина ўтди... Ҳамма тарқалгандан кейин Улуғбек, Абдулатиф ва Абдулазиз холи қолишди. Лекин бирдан гаплари қовушиб кетмади. Ҳеч ким биринчи бўлиб сўз бошлашга ботинмади. Уртада чўккан сукутни Улуғбек бузди:

— Сихат-саломатлигингиз нечук, мирзо? Ахлу аёлнингиз омонмулар?

— Қуллук, худога шукур, ёмон эрмас. Улуғбек у ҳам ҳол-аҳвол сўрар, деб бир неча дақиқа ўглининг кўзларига тикилиб турди, лекин ундан садо чиқмади. Улуғбек аллақандай бўлиб кетди, энди ҳамма нарсдан умидини узди ва айни муддаога ўтиб қўя қолди:

— Биз эмди ёшимизни яшаб, ошимизни ошоб бўлдик чамаси. Бундин бу ёғига қолгон умрни илм-маърифат ила кечирмоқ мувофиқ кўринадур. Бунга сиз не дерсиз, мирзо?

Улуғбек яна ўғлига тикилди.

Абдуллатиф бошда тасодифан ўртага ташланган маслаҳатдан бир оз ўнғайсиланди, сўнг ўзини ўнглаб олди ва отасига тик боқиб иккиюзламачилик қилди:

— Подишоҳи олам зинда эрканлар, бизнинг он ҳазратнинг ўрнига ўлтиришимиз шариатга тўғри келарму эркан?

Дилдан айтилмаган бу гапга Улуғбек ишонмади. Абдуллатиф шунчаки кўнғил овлаётган эди.

Улуғбек ўглини имтиҳон қилишда давом этди.

— Қартайиб қолгон заиф бир кишининг тожу тахт, райят ва элу юрт ташвиши деб аталмиш оғир бир юкни елкасида кўтариб юриши эмди маҳолдур, мирзо. Бундин ташқари, биз мусулмонлик ҳажини ўташ ва ҳазрати пайғамбаримизнинг, саллиоллоҳу алайҳум вассалом, муқаддас қабрини зиёрат қилиш саодатиға етишғонимизча йўқ. Бу ҳар бир мусулмон учун ҳам фарз, ҳам суннат эрур. Бундин ташқари расадхонада ҳам қилатурғон юмушларимиз кўп, мадрасада илми толиб бизга мунгазирдур.

— Парвардигори оламнинг иродаси ва падари бузрукворимизнинг хоҳишлари шундоқ бўлгач, бизда не ихтиёр.

Ноқобил фарзанд тап тортмай шундай деди-я! Нима ҳам дерди у, Амир Темур кўрагоннинг тожу тахтига эга бўлиб турибди-ку. Ота тирик бўлса нима қилибди. Бугун тирик бўлса, эртага балки фоний дундан равона бўлур. Улуғбек ўглининг кўзларига тикилди. Абдуллатифнинг дилидаги фикрни англаш қийин эмасди. Бу унинг муғомбир кўзларидан аниқ-равшан кўриниб турарди.

Ота-боланинг суҳбати шу билан тугади. Уларнинг балким кўп нарсалар тўғрисида гаплашишга майллари бордир-у, лекин гаплари қовушмади. Охири фотиҳа ўқиб ўринларидан кўзгалдилар. Мулозимлар Улуғбек билан Абдулазизни хоналарига кузатиб қўйишди.

Улуғбек ўша кеча мижжа қоқмай тонг оттирди. Туққан фарзандининг кўрсатиб турган каромати, бу етишмагандай аҳли сарой олдида отага қилган ҳурматсизлиги унинг юрак-бағрини ўртади. Кечагина тиз чўкиб оғзини пойлаб турган амирларни айтмайсизми?! Қисқаси, тузини ичиб, туздонига тупиришди. Наҳотки, энди у ҳеч кимга керак бўлмаса? Ахир у бир ёқлардан тенгираб келиб қолган одам эмас-ку?! У шу юртнинг боласи-ку, ахир! Шу ерда туғилди, улғайди, қирқ йил ҳукмфармо бўлди. Бугун бўлса юртига сизмай турибди. Наҳотки?!

Улуғбек ҳеч қачон ўзини шу тарзда бегона ва танҳо сезмаган эди...

Эртаси кунни кечқурун ҳамма яна ўша меҳмонхонада тўпланди ва мирзо Улуғбек машойих, уламо, фузало ва умаро олдида ўзининг сўнгги иродасини — тожу-тахтни Абдуллатифга топшириб, қолган умрни тоат-ибодат ва илм-маърифат билан кечиршга қарор берганлигини эълон қилди. Табрик овозлари хонани бошига кўтарди:

— Боракалло, Муғсиддуин Улуғбек кўрагон ва фарзандларининг умри узок бўлғай!

— Қутлуғ бўлсин, мирзом! Тахту салтанат муборак!

— Абдуллатиф олий ҳазратларининг тахту салтанати у дунёю бу дунё боқий бўлғай!

«Боқий бўлғай?». Бу гапни Улуғбек илгари қаердадир эшитган эди. Улуғбек мажлисда ҳозир бўлганларни бирма-бир кўздан кечирди ва нигоҳи Абдуллатифнинг ўнг тарафида тўртинчи бўлиб ўлтирган «вотвот мунажжим»га тушди. Ҳа, энди эсига келди. Бу ана ўша одамдан чиққан. Бундан 44 йил муқаддам Амир Темур ўлим билан олишиб ётганда у худди шундай хитоб қилган эди. Қизиқ, бу зот энди Абдуллатифга «мунажжимлик» қилаётган экан-да. Еши тўқсонлардан ортиб мункайиб қолган бўлса ҳам унинг

ола кўзлари илгаригидай чакнаб турибди. Улуғбек уни бир қарашда таниди. «Йўқ, у ҳали кўп бор мансабдорларга лаганбардорлик қилуб кун кечиради бу айғоқчи», — деди Улуғбек ўз-ўзига.

Аълам домла Улуғбек ва унинг фарзандлари ҳақиқа узундан-узок дуо қилди. Шундан кейин ҳамма бирин-кетин меҳмонхонадан чиқди. Улуғбек Абдуллатиф ва Абдулазиз билан қучоқлашиб хайрлашди.

— Тангри таоло сизларни ҳаммиша ўз паҳоҳида асрасун. Яхши кунларда дийдор кўришайлик.

Улуғбек ҳаж зиёратини писанда қилиб шундай деди.

— Иншоолло! — Абдуллатиф отасига тик боқолмади. У ерга қараб шу жавобни қилди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Улуғбек ҳаж зиёратини ўйлаб ўғилларига омонлик тилади, яхши кунларда кўришайлик, деб умид билдирди. Лекин бу уларнинг сўнгги кўришишлари эканлигини на Улуғбек ва на Абдулазиз билишарди. Буни фақат биргина Абдуллатиф биларди, холос. Боғи майдондан чиқишгач, Улуғбек отига миниб Чўпон ота тарафида, расадхонага қараб йўл олди, Абдулазиз бўлса Боғи беҳиштга, ўзининг доимий қароргоҳига қараб жўнади.

Бироқ, Абдулазиз кўзлаган манзилига етиб боролмади. У Боғи беҳиштга яқинлашганда сал олдинроқда йўл четида, терак тагида турган бир гуруҳ отлик йигитларга кўзи тушди. Шаҳзода ўгирилиб орқада келаятган навкардан: «Булар ким бўлди эркан», деган маънода имо-ишора билан сўради. Навкар елкасини қисди, чунки у ҳам уларни танимасди. Отлиқлар билан рўбару бўлишганда улардан бири «чу» деб отига қамчи босди ва йўл устига чиқди, сўнг отдан тушиб икки букилиб, мирзо Абдулазизга салом берди:

— Олий ҳазратлари сизга бошқа қароргоҳ таъйин этгонлар, биз бирлан юринг, шаҳзода.

Абдулазиз навкарга диққат билан разм солди. У чопон ичидан совут кийиб, қилич осиб олган экан. Четда турган йигитларга қаради. Улар ҳам шу алфозда эдилар. Абдулазиз ҳаммасини айтди. Булар Абдуллатифнинг йигитлари бўлиб, унинг буйруғи билан иш тутаятган эдилар. Улар шубҳасиз унинг жонига қасд қилишди. Лекин, энди нима ҳам қила оларди, улар кўпчилик. Абдуллатифнинг йигитлари Абдулазиз билан унинг навкарини чор атрофдан ўраб олдилар ва Кўксаройга олиб бориб Тўқсабонинг одамларига топширдилар. Тўқсабонинг одамлари бўлса Абдулазизни тўртинчи қавадтаги хоналардан бирига олиб кириб қаммаб қўйдилар ва устидан қулф солдилар...

Улуғбек шу кечани Али Қушчи билан бирга расадхонада ўтказди. Улар бир вақтгача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўлтирдилар. Пиравардида Улуғбек шогирдига шу кунни тожу тахтни мирзо Абдуллатифга топширгани, ўзи эса ҳаж сафарини ихтиёр қилганини айтди. Бу гапдан Али Қушчининг авзойи бузилди, кўнглини ғашлик босди, лекин буни устозига сездирмасликка ҳаракат қилди. Кўнглига келган гапни айтмоқчи бўлди, лекин Улуғбек қаттиқ ҳориганиданми ёки энди ҳаммасига этак силтадимми, кўзларини юмиб олди. Али Қушчи бир мунча вақт кутди, лекин ҳеч нарсачиқмади... Улар ўтирган ерида тўшаққа ёнбошлаб қўя қолишди. Улуғбек ҳаял ўтмай ухлаб қолди. У Абдулазиз мирзо билан содир бўлган воқеадан тамоман беҳабар эди.

Ҳижрий 853 йил рамазон ойининг еттинчиси (1449 йил 25 октябрь). Эрталаб нонушта вақтида расадхонага Абдуллатифнинг навкари кириб келди ва Улуғбекнинг Маккаю Мадина зиёратига бориш тўғрисидаги истаги инobatга олинганлигини хабар қилди. Улуғбек бундан беҳад хурсанд бўлди-ю, лекин Али Қушчини ваҳима босди. Улуғбек буни сезиб шогирдига тасалли берди:

— Ташвиш тортмангиз, мавлоно, ҳамма нарсанга тангри таолонинг ихтиёрида. Мирзо

бизга бир умрга унутиб бўлмас мурувват кўргизубдурлар.

— Йўк, ҳазратим, бу ерда бир гап борга ўхшайдур, ҳар ҳолда эҳтиётлик тадорикини ҳам кўруб қўйгон яхши. Модомики, жаноблари ўшал муқаддас жойларга боришга аҳд қилгон эрканлар, унда жанобларининг бир ўзини ёлғиз жўнатиб бўлмас. Яқин ва содиқ кишиларимизни сизга қўшгаймуз. Йўк, демасангиз, устоз, сизни ўзум кузатиб борсам.

— Ташаккур, мавлоно. Сиз кўпроқ бу ерда зарурсиз. Сиз ҳам бўлмасангиз расадхонани ким мутасарриф қиладур? Мирзо Абдуллатиф бизни ёлғиз қўймас. Ишончли, яхши одамларни ҳамроҳ қилиб берур, иншоолло.

Ҳа, дарҳақиқат Абдуллатиф отасига ўзининг содиқ кули ҳожи Муҳаммад Хусравни қўшди, жўнаш олдидан уни хилватхонага чақириб, бўладиган гапни уқтирди. Чиқиб кетаётганида эса унга таъкид қилди: «Зинҳор ба зинҳор бу гапларни ағёр эшитмасун!» ...Хуллас, бу хусусда улар кўп баҳслашдилар, талашиб-тортишдилар, лекин Улуғбек гапида туриб олди. Охири деди:

— Ҳар иш тангри таолонинг иродаси билан бўлур. Бошга не тушса кўрурмиз. Бу унинг: «Гап тамом, тортишиб ўтиришга энди ўрин йўк», дегани эди.

Дастурхонга фотиҳа ўқидилар ва Улуғбек хос хизматкорини чақиртириб сафар эгаржабдугини ҳозирлашни буюрди. У шу кунёқ йўлга чиқишга қарор қилди. Абдуллатиф, юқорида таъкид этилгандай, отасига ўзининг содиқ хизматкорларидан ҳожи Муҳаммад Хусравни қўшди.

Уша кун пешин намозидан кейин Улуғбек хос навқари, хизматкорлари ва ҳожи Муҳаммад Хусрав билан бирга Самарқанддан жўнаб кетди. Улар Воғи шамолни этаклаб қолган ҳам эдиларки, орқадан отларнинг дупур-дупури эшитилди. Булар мирзо Абдуллатифнинг йигитлари бўлиб чиқди. Суворийлар йўлни тўсиб Улуғбек билан унинг ҳамроҳларини шу ерда тўхтатдилар...

Улуғбек сафар ҳозирлигини кўриб турган бир пайтда Абдуллатиф отасини ўлдириш тадорики билан банд бўлди. У Улуғбекдан норози бўлиб юрган одамларни хузурига тўплаб, уларга гап уқтирди: «Кимда-ким Улуғбек мирзодин жабр кўргон бўлса хоннинг (у Муғлуқ исмлиқ бир мўғўлни шунчаки номига хон деб эълон қилган эди) хузурига борсун ва айтсунки мирзо Улуғбек фалон вақтда фалон касимни қонунга хилоф тарзда ўлдургон, мен анинг хунини талаб қиламан». «Хон, — деб ҳикоя қилади Абдураззоқ Самарқандий, — шаръан нима лозим бўлса, шуни қилинлар, деб буюрди». Хоннинг хузурига арз-дод қилиб келганлар орасида Аббос исмлиқ девсийрат бир йигит ҳам бор эди. У бир вақтлар золимлиги учун Улуғбек тарафидан ўлимга ҳукм қилинган сулдуз қабиласи бошлиқларидан бирининг ўғли эди. Аббос хоннинг ижозатини олиши билан Абдуллатифнинг олдига чопиб келди...

Суворийлар Улуғбек билан унинг ҳамроҳларини айни йўлда тўхтатган пайтда Абдуллатиф шаҳар уламосини тўплаб Улуғбекни ана шу Аббоснинг қўлига топшириш хусусида мажлис қуриб турган эди. Мажлисга фақат аълам, қози калон ва шаҳар масжидларининг имомлари тўпланган эди. Тўрида Низомиддин Хомушнинг халфаларидан бири, остонада бўлса, малъун Аббос чўк тушиб ўлтиришардилар. Мажлис аҳли бир неча вақт бошларини ҳам қилиб сукут сақлаб ўтирдилар. Тинчликни аълам домла бузди:

— Муҳтарам жамоага маълум ва равшандурким, қоршингизда тиз чўкуб ўлтургон мўмин-мусулмоннинг отаси бундин ўнму-ўн бешму аниги валлоҳу аълам хотирдин фаромуш бўлибдур, йил бурун бизу сизга маълум бўлмагон сабаб ила Улуғбек мирзонинг амри бирлан қатл этилгон эркан. Эмди ушбул йигит падари бузрукворининг хунини сўраб келибтур. Бу хусусда жамоанинг фикри не бўлғай?

Низомуддин Хомушнинг халфаси, имомларнинг кўпчилиги Аббоснинг даъвосини қувватлаб гапирдилар. Фақат қози калон

Шамсиддин Муҳаммад Мискин уларга қарши чиқди:

— Хунталаблиқ — жоҳилиятдин қолгон бир расм-одат. Бу хусусда муқаддас китобларда, шунинг каби «Қуръони шариф»да айтилгонлар барчамизга аъён. Бир халқ орасида одам ўлдиргонлик ёки ноҳақ қон тўқанлик учун жуда бўлмағанда дийага<sup>8</sup> тортурлар. Ахир аҳли мажлисининг кўпчилиги мавлоно Бурҳониддин Марғинонийнинг тамом мусулмон оламига машҳур бўлгон «ал-Ҳидоя»<sup>9</sup> сини<sup>9</sup>, ҳеч бўлмағанда «Мухтасари виқоя»<sup>10</sup> ни ўқигон кишилардурлар. Абу Ҳанифа жанобларининг «ал-фиқҳ ал-акбай»<sup>11</sup> чи? Они ҳам ўқигонмиз. Инсоф ва истиҳсон<sup>11</sup> ила иш тутмоқ зарур. Ахир подишоҳ кимнидир ўлимга маҳкум этгон бўлса, эл-юрт эмнияти ва рифоҳияти деб

қилгон. Модомики шундай эркан, у шариат олдида жавобгар эрмасдур.

Имомлар билан халфа фикрида қаттиқ туриб олдилар. Пировардида можаро кўтарилди. Кимдир чой қуйилган пиёлани қози калонга қараб отди. Мансаб ва мартабаси ҳаммадан юқори бўлган аълам домла овози борица бақирди:

— Ҳой, жамоа! Қойси ерда ўлтиргонингизни унутманг, ахир бу ер Чорсу бозори эрмас-ку!

Ғала-ғовур аста-секин босилди. Аълам ҳаммани бир-бир кўздан кечириб чиқди. Кўпчиликнинг кўзларида тобелик ва бўйсунуш аломатларини кўргач, тўшак қатидан тўрт букланган қоғозни олди ва уни ёзиб, биринчи бўлиб ўзи муҳр босди, сўнг ўнг қўлида ўлтирган хожа Хизр масжидининг имо-



Рассом Т. Саъдулла

мига узатди. Имом қоғозга бир кўз ташлаган бўлди, сўнг у ҳам унга муҳрини босди. Бошқалар уни ўқиб ҳам ўтирмадилар, муҳрларини босдилар-у, қўйдилар. Фақат қози калон Шамсиддин Муҳаммад Мискин қоғозга муҳрини босмади. У ҳатто ўша хатни қўлига олмади ҳам... Улуғбекни қатл этиш тўғрисидаги фатво шу тариқа имзоланди. Аълам уни ҳамон остонада тиз чўкиб ўлтирган Аббосга узатди:

— Мана, ўғлим, ол, худо биз бандаларни кечурсин!

Аббос ўрнидан сапчиб турди, бориб аъламдан қоғозни олди, икки букилиб жамоага таъзим қилди, сўнг фатвони тўрт буклаб қўйнига солди ва қўллари кўксига орқа билан юриб хонадан чиқди...

Қозикалон Шамсиддин Муҳаммад Мискин уйига бир аҳволда аранг етиб олди ва меҳмонхонага кириб ўзини кўрпача устига отди. Овқат ҳам емади. Туни билан мижжа қоқмай тўлганиб чиқди, эрталабга бориб эса, қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Шу тариқа у бир ҳафта чамаси оғриб ётди. Ўша кунлари кўп валийлар ва фақиҳларнинг ҳаёти унинг кўз ўнгидан ўтди. Не-не софдил кишилар тўғрилиги орқасидан азоб чекишмаган, қувинга учрашмаган, қурбон бўлишмаган. Абу Ҳанифа, Ибн Ҳанбал, Нажмиддин Кубро ҳам эътиқод йўлида қурбон бўлганлардан эмасмиди?! Ибн Ҳанбал Муътазаллийларга<sup>12</sup> қарши тургани учун халифа Маъмун (813—833) ва ал Муътасим (833—842) томонидан бир неча бор қамалган ва жазога тортилган. Абу Ҳанифа бўлса қози калонлик лавозимини қабул қилишга рози-ризолик бермагани учун халифа Мансур (754—775) уни зиндонга ташлади ва у ўша ерда калтак зарбидан ўлиб кетди. «Мухтасари Викоя»га шарҳ ёзган бир олим ҳукмдор талаб қилган масала бўйича ёзма ривоят беришдан бўйин товлагани учун уни қўл-оёғини боғлаб ётқизиш, қоқ белидан, гўла каби арралаб ташлаган эканлар. Қози калон ўз тақдирини ҳам ўшаларникига ўхшатди. «Эгилиб кун кўргандин кўра тик туриб ўлган яхши», деди у охири... Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Мискин ҳам оламдан кўз юмди. Айтишларича, кимдир, унинг овқатига заҳар қўшиб берган эмиш...

Ҳа, юқорида таъкид бўлганидек, Абдулатифнинг йигитлари Улуғбек ва унинг ҳам-

роҳларини Боғи шамол этакларидида тутиб қолдилар. Шундан кейин содир бўлган воқеани ўша фожеа тепасида бўлган ҳожи Муҳаммад Хусрав тарихчи Мирхондга ба-тафсил ҳикоя қилиб берган, олим эса уни ўзининг «Равзат ус-сафо» номли китобига битиб қўйган экан. Келинг, биз ҳам китобдаги ана шу ҳикояни келтириб қўя қолайлик:

«Шом пайтида мирзо Улуғбекнинг узангисида Самарқанддин чиқдик. Ул жаноб ўзида йўқ хурсанд ва бахтиёр эрдилар, муборак кўнгиллариға нимарса келса тортинмай сўйлардилар. Бир оз масофа ўтилгондин сўнг кутилмағонда кимдир орқамиздин от қўюб бизга етишди. Ул кас сўнгра менинг илкимдин тутиб четга тортди. Анга тикилиб қарадим, кўрсам сулдуз қавмиға мансуб ва мирзо Абдулатифнинг йигитларидин эркан. Мен ондин: «Хўш, нима гап ўзи?» деб сўрадим. У қулоқимга астагина шивирлади: «Мирзо Улуғбекни бирон ободон ерга олиб боруб туринг ва ўшал жойда кутунг. Мирзо Улуғбек подишоҳ эрур, шу сабабдин у зоти олийларининг ҳаж сафари ҳам турку тожикни ҳайрон қилатургон тарзда, зўр дабдаба бирлан кечмоғи лозим, бунга тайёргарлик эрса, ҳали поёниға етишмагон». Кутилмаган бу ҳодисадин таажжубланиб, онинг юзига тикилдим. Ул менинг шубҳаларимни сезди шекилли, баланд овоз бирлан деди: «Аъло ҳазратларининг амру фармонлари шу».

— Фармонға бош эгурмуз, дедим мен унга.

Ўша отлик йигит қайтиб кетганидан кейин мирзо Улуғбек: «Не гап?» деб сўрадилар. Мен анга бўлгон гапни айтдим. Хулласи калом, яқин орада кичик бир қўрғон бор эркан, ўшал ерга боруб тўхтадик. Ҳаво бироз совуқ эрди. Аъло ҳазрат ўчоққа ўт қалаб юборишни буюрдилар. Навкарлардин баъзилари ушбу юмушга тутиндилар. Ўтти катта қилиб ёқдилар. Тасодифан ўчоқдин учгон учкун мирзо пўстини пешиға келиб тушди ва онинг бир четини куйдира бошлади. Мирзо Улуғбек они енг бирлан уриб ўчирди ва: «Аҳвол не эканин сен ҳам билдинг-а?!» деб ўчоқдаги оловга хитоб қилдилар. Шундан кейин унинг кайфияти тамом бузилди, оғир-оғир тин олиб, изтироб чека бошладилар. Бироз фурсатдин кейин мирзо Абдулазизнинг ҳол-аҳволини суриштирдилар:

— Мирзо Абдулазиз омонму эркан? Балким қатлга еткурмадиларму эрканлар они?

Мен анга тасалли бериб, юпатишға ҳаракат қилдум... Бир вақт эшик очилиб, Аббос исмли кимса шериги бирла кириб келди. Аъло ҳазратнинг кўзлари онга тушиши бирлан ранги ўчди, сапчиб ўрнидин турдилар ва ташланиб Аббоснинг кўкрагиға бир мушт туширдилар. Аббос орқасига тисарулди, шериги орқадин келиб мирзо Улуғбекка ёпишди, илгини қайириб пўстинини ечиб олди. Шу пайт Аббос ташқариға арқон олиб келиш учун чиқиб кетди. Мен подишоҳ таҳорат қилиб олсун учун эшикни ичидин занжирлаб турдим. Сўнг Аббос кириб, Улуғбек жанобларининг қўлларини боғлаб тошқариға судраб олиб чиқди ва машъала ўрнатилгон дарахт остиға олуб боруб тиз чўқтирди ва ул бесаодат қиличини гилофидин сугирди ва ул одил ва олим подишоҳнинг бошини танидин жудо қилди... Биз эрсак аввал уйнинг теварак-атрофиға беркиниб ётдик, сўнг барчамиз Самарқандга қайтдик».

Ҳа, Улуғбекнинг ҳамроҳлари барчаси бурчак-бурчакка яшириниб томошабин бўдилар, кейин кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ёвузлик амалга оширилганидан кейин Самарқандга қайтиб бордилар. Оби Суж ариғининг бўйгинасида жойлашган кичик бир қалъада эса, боши кесилган Улуғбек билан олишув чоғи унинг қўйнидан тушиб тупроққа қорилиб ётган китоб қолди холос...

<sup>1</sup> Ўрду — подишоҳ ва хонларнинг ҳарбий юриш чоғидаги вақтли қароргоҳи.

<sup>2</sup> Йигоч (ёғоч) — масофа ўлчови; тахминан 6 км га тенг.

<sup>3</sup> Баронғор — қўшиннинг ўнг қаноти; жавонғор — сўл қанот; гул — марказ қисм.

<sup>4</sup> Хандақ — ичига сув тўлатилган зовур; махсус мудофаа иншооти.

<sup>5</sup> Кутвол — Қалъа волийси; комендант.

<sup>6</sup> Абулхайрхон (1428—1468) — кўчманчи ўзбеклар хони. Ўша кезларда у Сигноқда эди.

<sup>7</sup> Тўқсабо — махсус байроқдор ҳарбий қисм бошлиғи.

<sup>8</sup> Дийа — хун ҳақи

<sup>9</sup> «Ал-Ҳидоя» — юқорида зикр этилган Бурхониддин Марғинонийнинг (1197 й. вафот этган) фикҳ (мусулмон қонунчилиги)га оид асари.

<sup>10</sup> «Мухтасар викоя» — Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг (XIV аср) мусулмон қонунчилигиға оид машхур асари.


<sup>11</sup> Истиҳсон — яхшилик билан эслаш.

<sup>12</sup> Муътазаллийлар — VIII аср ўрталарида Араб халифалигида пайдо бўлган диний оқим.



Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг ходими, тарих фанлари номзоди Қ. Муниров ва кичик илмий ходим Муяссар Солиҳова қўлёзмаларни кўздан кечиришмоқда.

Р. Шағаев сурати (ЎЗТАГ)



Семен ЛИПКИН

## ОЙ ЁГДУСИ

Шаҳарлик йигитлар титкилаб юрар,  
Излаб деҳқонларнинг уйдан бугдой,  
Саҳрога сочилган капалар узра  
Туркий қилич янглиғ ярақлайди ой.

Деҳқон оиласи биледи равшан:  
Улар Котовскака жўнайди бешак,  
Қозоқлар ерига кетади ундан,  
Сўнг синф сифатида тугайди, демак,

Қизил вагонларда уйқусиз нигоҳ,  
Эгри ҳақиқатдан сўзлар плакат...  
ГоҶо денгиз қадар энгашар гиёҳ,  
ГоҶо шамолларда тиклар мағрур қад.

Пойлашар бу камқон аёллар сабрин —  
Хўмрайган халқ кўзи турар тош ёриб.  
Ҳатто бадраф билар қизларнинг жабрин,  
Соқчилар туришар изидан бориб.

Ярим очиқ ҳолда ёпилар эшик:  
Кўз олдида турсанг соқчи хотиржам.  
Едимдадир саҳро — дард тўла бешик,  
Ойнинг ёгдусига чўмган гуж-гуж ғам.

Одессада менинг бир танишим бор.  
Утди энди даври — вақт уни йикди.  
Қочолмади таниш қисматдан зинҳор,  
У ҳам ўн саккиз йил ўтириб чиқди.

Эсларми у қандай қилганин қулоқ?  
Қандай излаганин уйлардан ғалла?  
Шамолни-чи, майса бўлганин улоқ?  
Эсларми сўнган ой нурин бу палла?

## ШОҲИД

Тушундингми, атомдан ёмон  
Парчаланса ногаҳон юрак,  
Мумкин эмас ахир ҳеч қачон  
Аҳмоқона ҳузурни суймак.

Мумкин эмас биз учун тўхташ,  
Зеро, кўп йўл ўтилди босиб,  
Ахир оддий шоҳиддан яқкаш  
Чиқар бўлса пайгамбар ўсиб.

## ЁЗ БОШИ

Унутса қиз, юз бурса ёр, сотса дўстинг  
даст —

Ўтиб кетар, ҳаммаси ўтар...  
Адашибди қаҳри қаттиқ Экклезиаст,  
Ҳеч бир нарса ўтмаскан магар.

Туғилар қиз унутмоққа отасин яна,  
Хотин тагин қилар хиёнат,  
Дўстинг яна сотаверар — айланар таъна:  
Ҳеч бир нарса ўзгармас албат.

Сену менинг қалбимизда қолар умрбод,  
Неки бунда рўй бериб ўтар,  
Зеро ўлим хаёлийдир, биз ҳам барҳаёт,  
Ҳеч бир нарса ўтмаскан магар.

Ахир жўка англай туриб гулга бурканар,  
Қушлар сураб жарангдор хаёл,  
Шундай бўлган, бўлар доим ва жўнаб кетар  
Бизга қайтиб келмоққа алҳол.

\* \* \*

Терган чоғим сўзга ҳарфларни бир-бир,  
Туғилган мазмундан кутганда исмат,  
Англаб етган эдим олдиндан дилгир,  
Қандай ҳисоб-китоб қилишин қисмат,

Етмай қолишини туйнукка бўйим,  
Ўз таним қисинин югандан бадтар.  
Қўрққан оддий халқнинг нигоҳин, ўйин  
Қандай сақлашимни ўлимга қадар.

Телба аср бўлиб мен билан ҳамроҳ,  
Ғазабга минароқ кўтарди чўқмор,  
Болалигимдаёқ сезгандим, эвоҳ,  
Эканим ўзимнинг эркисиз исёнкор.

Аммо сирли эди менинг ҳаётим,  
Яшадим ғалати тушуниб ҳар дам  
Илоҳий суянчиқ — махфий қанотим —  
Дунёда ҳақиқат мавжудлигин ҳам.

Енгилмас курашнинг дастидан афғор  
Келар бўлсам агар дилда алам, ранж,  
Ҳатто берди менга ожизлик мадор,  
Ҳатто топа билдим ўкинчдан қувонч.

## КУЛ

Тиришишди қуёш ҳам, куз ҳам,  
Дарахтларда барглари ёқди.  
Зарангларнинг насли ҳам бу дам  
Ерда ётиб, чанг аро боқди.

Қиёфаси, бўёғи бўлак,  
Тани, кўрки, таъми ҳам ўзга,  
Бир-бирига ўхшамас барглар,  
Лекин бари ётар қалашиб.

Қизилида — ҳиндунинг юзи,  
Сариғи бу — ҳа, тўғри, мўғул.  
Бу дунёда яшил барг ўзи  
Ваҳра топмай ёнди, бўлди кул.

Ночорликка қолмаймиз ҳайрон,  
Гўё шундай ётишга маҳкум.  
Лагер чанги, кузги барг-хазон  
Инграр оёқ остида маъсум.

Нечун кузги сукунат аро  
Тушган барглар узра турибмиз,  
Бизлар олиб ўзга бир ҳаво,  
Гуноҳимиз билмай юрибмиз.

Шоҳиддир тол, қуриган ёнғоқ,  
Уларнинг ҳам умри мураккаб.  
Бўлмасам ҳам беғуноҳ япроқ,  
Баргдан яхши бўлсам не ажаб.

Аёл менга қайғую нажот,  
Гоҳ номусдан қаддим бўлган дол.  
Етажакман мен шундай, наҳот —  
Лагеру куз хазони мисол.

## ЁШ ОНА

Печь устида ётарди Настя,  
Ерда эса йўловчи «начфин»!  
Қўйдек ювош иккита кекса  
Бир бурчақда пишиллар секин.

Деразадан мўралар гилос,  
Қозикдевор кўздан яширин.  
Кекса кампир эшитар бехос  
Ялангоёқ ўтганин «начфин».

Қиз қўрқади, ранжийди эркак  
Ва қизийди суҳбат оҳиста.  
— Керак эмас, бу нима керак!  
— Жоним, керак! — дер майор аста.

Донмас, ҳозир Бугдан ҳам йироқ,  
«Начфин» ўзин иши билан банд,  
Ажралолмай қўрқинчдан бироқ,  
Настя кўрди қўчқордай фарзанд.

Маънисиз бахт ҳуснидан жўшиб,  
Бенаф чирой ишқи этиб хун,  
Настя чўчиб, асирга тушиб,  
Ешлик ҳусни барқ уриб тун-кун,

Кўзга кўчиб журъатсиз тугён,  
Қувлик, ҳайрат қўшилиб кетар,  
Елғиз унинг ўзига аён  
Ширин бахтга ўзин бахш этар.

Қиз жуда ҳам ҳали бокира  
Онасидек покиза, маъсум.  
Ўғлин кўзи эслатмас сира  
Бирон кимса кўзларин бу зум.

Чаросиди? Қанақа кўзи?  
Қўй кўзиди? Е чағиртошми?  
Қанақайди у ҳарбий ўзи?  
Келишганми? Кексами, ёшми?

Ҳали олдда ғусса тўла шом,  
Яшириндир эски жароҳат.  
Ҳар вақт ҳозир таънаю дашном,  
Юпатишу қўпол ҳақорат.

Бола билан тушар Донга қиз,  
Қулмоқ гуллар, кезар дайди ел,  
Сикетанлик хонимни шу кез  
Унга қараб чизар Рафазель.

Эргаш МУҲАММАД  
таржималари

<sup>1</sup> Начфин — молия бошлиғи.

# УНУТИЛГАН МУАЛЛИФ

Саид АЛИЕВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор

Айрим адабиётшунос ва танқидчиларнинг мақолаларида, мамлакатимизда Андрей Платонов каби ёзувчи ва унинг 50 йилча босилмай қолиб кетган «Котлован» қиссаси каби асар йўқ, деган фикрлар билдирилди. Бу ҳақиқатга унчалик тўғри келмайди, чунки Ўзбекистонда ҳам 50 йилдан зиёдроқ даврда унутилган киссалар, ёзувчилар бор.

Ушандай асарлардан бири «Гулисурх» («Қизил гул») қиссаси бўлиб, унинг муаллифи Бухоро инқилобида қатнашган ва Советлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашган Ҳожи Мирбобо Муҳсинзодадир. 1934 йили Тошкентда Ўзбекистон Давлат нашриёти ўзбек тилида, лотин алифбосида Мирбобо Муҳсинзоданинг «Гулисурх» номли қиссасини нашр қилган (Масъул муҳаррир — Н. Охундий, адабий муҳаррир — Даврон) эди.

«Гулисурх» қиссасини Москвадаги В. И. Ленин номли СССР Давлат кутубхонасида сақланаётган нусхасидан сурат-нусха олдириб, ўқиб чиқдик. Қиссада инқилоб арафасида Бухоро амирлигидаги адолатсизликлар, меҳнаткашларнинг оғир ҳаёти, тараққийпарварларнинг амирликка қарши мардона курашлари ўз аксини топган. Асарнинг бош қаҳрамони камбағал деҳқон ўғли Жуманазар Шарқий Бухоро (Тожикистон)нинг Фарм вилоятида Орифбой эшигида хизмат қилиб, ўз меҳнат ҳақини ололмайдди. У қочиб амирлик пойтахти Бухоро шаҳрига келади. Бунда кишиларни ишлатиб, ҳақ тўламай бойлик ортирадиган балиқпаз Ҳожи Мирбадал қўл остида ишлайди. У билан ҳар йили баҳорда Баҳоваддин зиёратгоҳида бўладиган Гулисурх (қизил гул) сайилига бориб балиқчилик қилади. Ёзувчи ўз қиссасида қадимий халқ сайили, унинг ўзига хос томонларини тасвирлаш билан бу сайилдан текинхўр савдогарлар ва риёкор рухонийлар ўз манфаатлари йўлида фойдаланганини хикоя қилади.

Ҳожи Мирбадал бошда ҳар иш куни учун 2 тангадан иш ҳақи беришни ваъда қилиб, Жуманазарни мардикорлар бозоридан олиб келган бўлса-да, ўз ваъдасида турмайди. Жуманазар икки ярим ой тонгдан хуфтонгача ишлайди. Ҳақини талаб қилганида, жанжалдан сўнг хўжайин зўрға 10 танга беради. Жуманазар Баҳоваддинда Кўсасўфи хизматига киради. Кўсасўфи зиёратга келувчи омманинг соддалиги, ишонувчанлигидан фойдаланиб, уларни алдайди. Шу йўл билан пул-мол йиғади. Жуманазардан фойдаланиб ёлғон-яшиқ «мўъжизалар» кўрсатади. Жуманазарнинг ундан ихлоси қайтиб кетмоқчи бўлганида уни тухмагга гирифтор қилади, миршабларга

топшириб, Бухоро зиндонига ташлатади.

1917 йил февраль буржуа-демократик инқилоби бўлиб, Рус подшоси тахтдан қулагач, Бухоро амири ҳам халқ ғазабидан қўрқиб «Баённома» («Манифест») эълон қилади, унда айрим ислохотлар ўтказаман, деб ваъда беради. Ёш бухороликларнинг бир қисми бу баённомага ишонмай, уни табриклаш ва намойишга чиқиш керак эмас, деб ҳисобласа, иккинчи қисми, биз кутган ислохот даври келди, деб «Баённома» берган амирни табриклаш учун намойишга чиқади. Намойишчилар орасида қиссанинг муаллифи Ҳожи Мирбобо Муҳсинзода ҳам бор эди. Намойишчилар Саррофон тоқидан Хиёбон майдонига келиб, митинг қиладилар. Унда Файзулла Хўжаев ва бошқалар нутқ сўзлайдилар. Сўнгра саройдан хабар олиб келиш мақсадида 3 кишини фойтунга ўтказиб саройга юборадилар. Булар сарой олдидаги регистрон майдонига келганларида таёқ, темир ва тошлар билан қуролланган бир неча минг муллабачча, мударрис ва амалдорлар шовқин кўтариб, жадиждларни жазолашни талаб қиладилар. Уч жадид саройга киргач, қушбеги уларни қаматади, Ҳожи Мирбобони 75 таёқ урдириб, саройнинг Обхона зиндонига ташлайди. Қисса қаҳрамони Жуманазар бу ҳодисаларни ўз кўзи билан кўриб, даҳшатга тушади. Эртаси куни Садриддин Айний ва Мирзо Назруллони ҳам Обхонага келтириб, 75 таёқдан урадилар. Когондан рус аскарлари келиб буларни Обхонадан қутқазиб, Когон шифохонасига олиб борадилар. Жуманазар ҳам қамоқдан қутилиб, шуларга эргашади.

Қиссада тарихий ҳақиқатнинг бадий тасвирини кўрамиз. Жуманазар, Ҳожи Мирбадал умумлашган тўқима образлар бўлса-да, 1917 йил апрелидаги намойиш ва ёш бухороликларнинг 75 таёқдан урилишлари, уларнинг рус аскарлари томонидан қутқазилишлари тарихий ҳодисалардир. Бу қисса муаллифнинг биринчи бадий насри бўлганидан ва, умуман, 30-йилларда ўзбек ҳамда тожик насри энди шаклланаётганидан «Гулисурх»да айрим бадийлик жиҳатидан бўш ўринлар, натуралистик лавҳалар йўқ эмас. Бироқ шундай воқеаларни ўз кўзи билан кўрган тарихий шахс томонидан ёзилганлиги асарга бўлган қизиқишни орттиради. Асар ҳам бадий, ҳам атеистик-тарихий-этнографик, ҳам лингвистик (ўзбек тилининг Бухоро шеvasи) материал сифатида қимматга эга.

Мирбобо Муҳсинзода ким?

Унинг ҳақида Бухоро инқилобчиларининг етакчиси Файзулла Хўжаевнинг уч жилдлик асарларида, машҳур ёзувчи Садриддин

Инқилобчи-ёзувчи Мирбобо Муҳсинзода.



Айнийнинг 1921 йилда ўзбек тилида ёзган ва адабиётшунос ҳамда таржимон Раҳим Ҳошим томонидан тожик тилига таржима қилиниб, 1987 йилда Душанбеда босмадан чиқарилган «Бухоро инқилоби тарихи», шунингдек айрим тарихчиларнинг китобларида маълумотлар мавжуд.

Бу сатрлар муаллифи ЎзССР Олий Суди ва ЎзССР прокуратурасига хат билан мурожаат қилиб, улардан жавоб олди. ЎзССР прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия катта маслаҳатчиси Д. С. Непомнящий 1989 йил 8 февралда имзо чеккан 13/277—88 рақамли жавоб хатида ёзилишича, Ҳожи Мирбобо Мирмуҳсинов (Мирбобо Муҳсинзода) 1868 йилда Бухоро шаҳрида бахмал тўқувчи касиб оиласида туғилган. 1917 йил февраль инқилобига қоракўл териси билан савдо қилган. 1930 йилларда адабий-ижодий ишлар билан шуғулланган. 1936 йилда уни НКВД ҳибсга олиб, унга «аксининқилобий ҳаракатда қатнашиш ва Советларга қарши ташвиқот олиб бориш» айбини тўнқаган. Бухоро область суди президиумининг 1957 йил 23 декабрида қабул қилган қарорига кўра Мирбобо Муҳсинзода устига қўйилган айбларни исбот қилувчи далиллар бўлмаганидан у (вафотидан кейин) оқланган.

Юқорида эслатилган китоблар ва Мирбобо Муҳсинзодани билган кишиларнинг сўзларига қараганда, у 1917 йилнинг апрелида амир одамлари томонидан 75 таёқ урилгач, Когонга келиб, шифохонада даволанади, кейин кўпгина ёш бухороликлар билан Самарқанд ва Тошкентга келади. 1918 йилда Тошкентда Бухоро Коммунистик партияси тузилиб, унинг Марказий Комитети сайланганда, Мирбобо Муҳсинзода Марказий Комитет аъзоллигига киритилади. У партия топшириғи билан Бухоро инқилобига тайёр-

ланувчилар орасида иш олиб боради. 1920 йил сентябрида Бухоро халқ инқилоби ғалаба қозонгач, М. Муҳсинзода масъул лавозимларда хизмат қилади. БХШЖ (Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияси)да касаба уюшмаларини ташкил қилишда фаол қатнашади, жумҳурият касаба уюшмалари президиумининг аъзоси сифатида иш олиб боради.

1922 йил январидан БХШЖ Хукуматининг қарори билан Шарқий Бухоро ишлари бўйича Мухтор Вакил лавозимига тайинланиб, босмачиларга қарши кураш фронтига юборилади. Жуда қийин иқтисодий ва ҳарбий шароитда у раҳбарлик қилган отрядлар босмачиларга қарши кураш олиб боради.


Ҳали Москва, Тошкент, Душанбе архивларидаги ҳужжатлар холисанлило ва хайрихоҳлик кўзи билан қаралиб чиқилганда кўп масалалар ойдинлашади.

Мирбобо Муҳсинзода «Гулисурх»нинг сўзбошисидан асарни қандай ёзгани, унга кимлар ёрдамлашганини миннатдорлик билан таъкидлайди:

«Мен бу «Гулисурх» ҳикоясини фантазиялар каби ҳаёл оламидан эмас, балки, ўша асрдаги турмуш кўринишларидан, ҳақиқий ҳаётда қарама-қаршилиқлар ўртасида (танлаб. — С. А.) олдим.

Бу асар менинг биринчи адабий фаолиятимнинг намунасидир. Бу асарнинг материалларини тўплашда марҳум Ҳалим Ашуров тўла ёрдамда бўлиб, ишлаш жиҳатидан ўртоқ Муҳаммадҷон Мухторзода ёрдам этганлар».

Бунда эслатилганлардан биринчиси — Ҳалим Ашуров (1897—1933) Бухоро инқилобида фаол қатнашиб, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида кўп хизматлар қилган. Иккинчиси — Муҳаммадҷон Мухторов (1908—1971) «Васфий» таҳаллуси билан ўзбек ва тожик тилларида ёзган шеърлари Ўзбекистон ва Тожи-



Суратда: (чапдан) Садриддин Айний, Мирзо Абдулло ва Мирбобо Муҳсинзода.

кистон матбуотида босилар эди. М. Васфий ҳам 30-йилларнинг охирида қатагон азобини бошидан кечирган. У киши узоқ йиллар «Бухоро ҳақиқати» ва «Ҳақиқати Ўзбекистон» газеталари редакцияларида ишлаган иқтидорли журналист ва таржимон ҳам эди.

Мирбобо Муҳсинзоданинг Қосим деган ўғли 1940 йилда Бухоро ўқитувчилар институтини битириб, Вобкент районида ўқитувчилик қилади. Уша йилларда Вобкент райони халқ маорифи бўлими мудири вазифасида ишлайди. Унинг тенгдоши ва ўртоғи, ҳозир пенсионер Ғулом Ҳалимов-

нинг сўзларига кўра, Қосим ўз хоши билан Тошкент вилоятига бориб, у ердаги мактабларда ўқитувчилик қилиб юрган. Бу сатрлар муаллифи Тошкент вилоятидаги мактабларнинг бирига хат ёзиб, Қосимни биладиганлар бўлса, жавоб ёзсин, деб мурожаат қилди. Хат Қосим билан узоқ йиллар бирга ишлаган кекса ўқитувчи Абдурахим Эсонбоев ва Қосимнинг қизи Дилбар Қосимовна Мирбобоевага бориб тегибди. Улардан яқинда хат ва Қосимнинг расмини олдик.

Меҳнат ветерани А. Эсонбоев ва Дилбарнинг ёзишларича, Қосим Мирбобоев 1914 йилда Бухоро шаҳрида туғилган, Улуғ Ватан урушида қатнашиб, кўзи хираланиб қайтиб, Тошкент вилояти мактабларида ўзбек тили ва адабиётдан дарс бериб юрган. Уйланиб фарзанд кўрган. 1973 йилда вафот этган. Ҳозир хотини Салима — пенсионер экан. Набиралар инқилобчи ва ёзувчи боболари ҳақида деярлик ҳеч нарса билмас эканлар.

Ҳа, Сталин ва унинг атрофидаги бағритош, лаганбардор, шўхратпараст демагоглар ҳукм сурган йилларда ижтимоий адолат оёқ ости қилинди. Уша мудҳиш

йилларда Мирбобо Муҳсинзода каби инқилобда қатнашиб, Совет ҳокимиятини мустақкамлаш йўлида жасорат билан хизмат қилган, халқ тили билан айтганда, сув келтирганлар хор-зор, Ежов ва Берия каби ўза синдирганлар азиз бўлиб, ўғил ўз отаси ҳақида гапирмасликка, набиралар эса ўз инқилобчи ва ёзувчи боболарини билмасликка мажбур бўлган эдилар.

Қайта қуриш, демократия, янгича фикр юритиш, қонунчиликнинг тикланиши туфайли ижтимоий адолат ғалаба қилмоқда. Чинакам ватанпарвар граждандар ўз халқи дилидан жой олиб, ҳурмати жойига қўйиладиган, уларнинг авлоди ёруғ юз билан бошларини кўтариб юрадиган замон келди.

«Гулисурх» қиссасини янгидан бостириб чиқариш ва унинг муаллифи хотирасини абадийлаштириш (Бухоро шаҳридаги кўчалардан бирига унинг номини бериш) зарур. Хусусан Бухоро халқ инқилоби 70 йиллигини нишонлаш арафасида бундай тадбирларни амалга ошириш хайрли иш бўлур эди.

Бухоро

## Қайта қуриш — ҳаётимиз мезони

# МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАР САМАРАСИ

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 24—27 фоизга кўпайтирилсин. Кимё, электротехника, энгил саноат, ускунаозлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноатлари юқори суръатлар билан ривожлантирилсин. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ялпи миқдори 14—16 фоизга кўпайтирилсин...

КПСС XXVII съезди республикамиз меҳнаткашлари олдига ана шундай вазифаларни қўйган эди. Мана съезд бўлиб ўтганидан буён ҳам икки йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Ишни тўғри ташкил этган ва ишлаб чиқариш имкониятларидан омилкорлик билан фойдаланаётган илғор меҳнат коллективлари яхши натижаларга эришмоқдалар. Тошкент каноп фабрикаси ишчилари ҳам қайта қуриш шароитида дуруст кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Фабрика бўйича 1986—87 йилларда маҳсулотларни реализация қилиш плани 103,1 фоиз қилиб бажарилди. Утган йили эса бу кўрсаткич 111,7 фоизни ташкил этди. Илғор ва тажрибали ишчилар эса янада юқорироқ кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Тўқувчилар А. Ф. Алимухамедова, Л. С. Дюгай, А. Г. Зодибоева, йигирувчи Р. М. Бабишева, яссиловчи К. Р. Галямовалар белгиланган йиллик топшириқларни анча ошириб бажардилар.

Цехлар ва бригадалараро ўзаро социалистик мусобақани тўғри ташкил этиш мезонларига З. А. Камаева етакчилик қилаётган завод ишчилар комитети изчил амал қилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариш имкониятлари ва ишчиларнинг қобилиятлари тўғри ҳисобга олинган ҳолда улар учун ишлаб чиқариш планлари аниқ қилиб белгиланган. Ишлаб чиқариш унумини оширишда моддий омиллар билан бир қаторда маънавий омиллар ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Бугунги кунда илғор ишчиларнинг исм-фамилияларини «Ҳурмат тахтаси» ва «Фахрий дафтар»га ёзиш ҳам моддий рағбатлантириш принципларига асосланган. Ма-

салан, «Фахрий дафтар»га киритилган ҳар бир ишчи 30 сўм, «Ҳурмат тахта»сига қўйилган ишчи эса 20 сўм билан тақдирланади.

— Гап фақат пулда эмас, — деди фабрика комитети секретари Камаева рағбатлантириш омилларини изоҳларкан. — Ишчининг меҳнатини эъзозлаш, уни маънавий ва руҳий жиҳатдан рағбатлантириш муҳимдир. Ана шунда унинг ишчанлик қобилияти ортиб боради, у ўз меҳнатидан қаноат ҳосил қилади.

Шу нарса ҳам кўзга ташланадики, ҳали фабриканинг ишлаб чиқариш жараёнида баъзи муаммолар мавжуд. Масалан, каноп толасидан сифатли маҳсулот олиш учун 18 хил мураккаб техник жараёнларни амалга оширишга тўғри келмоқда. Бошқача изоҳлаганда, луб заводларидан келтирилган хомашё мураккаб техник жараёнлардан ўтгандан кейингина улардан яхши маҳсулот олинмоқда. Бу жараёнларнинг ҳар бирининг эса ўзига хос томонлари бор. Мана шунинг учун ҳам фабриканинг инженер-техник ходимлари ўзларига берилган мураккаб вазифаларни диққат-эътибор ва изчиллик билан бажармоқдалар. Улар айни вақтда техник ва технология ускуналарини мутасил равишда такомиллаштириш устида иш олиб бормоқдалар. Бош инженер Г. А. Бисерова, бош механик М. Урмонов, ёрдамчи усталар А. Г. Прянов, Ю. В. Бибикиналардан иборат техникавий коллектив технология жараёнларни такомиллаштириш борасида анчагина иш қилдилар. Хусусан, йигирув ва тўқувчилик, тикув-ўлчов цехларидаги техник воситалар такомиллаштирилди.

Бош инженер Галина Александровна Бисерованинг ахборотига кўра, 70-йилларгача фабрика учун керак бўлган асосий технологик ускуналар четдан — бошқа мамлакатлардан келтирилган. 1970—1980 йиллар давомида эса ишлаб чиқариш цехларидаги барча техник воситалар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган машиналар билан қайта ускуналанган. Масалан, тўрт хил маркадаги дастгоҳлар билан

ускуналанган тўқувчилик цехида ҳозир тўрт хил артикулда маҳсулот чиқарилмоқда.

Фабрика маъмурияти қайта қуриш талабларидан келиб чиқиб, ишчи кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Фабриканинг Пскент ва Юқоричирчиқ филиалларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, ишлаб чиқаришда 1300га яқин киши ишламоқда. 48-маҳсус ҳунар билим юртида ҳар йили ўртача 30 нафардан ортиқ ёш ишчи тайёрланиб, фабрикага ишга юборилмоқда. Бундан ташқари, фабрикада ишлаётган ёшларнинг бир қисми Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат инженерлари тайёрлаш институтининг кечки курсида ўқимоқда.

Ким кўп ишласа, кўп ҳақ олади. Қайта қуришнинг ҳозирги босқичидаги талаб шундай. Кейинги вақтларда иш унумдорлигининг ошиши ҳисобига фабрика ишчилари ва хизматчиларининг иш ҳақлари бирмунча ортди. Масалан, илгари уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 150—160 сўмни ташкил этган бўлса, ҳозир ўртача иш ҳақи миқдори 170—180 сўмдир.

— Ишимизга қайта қуриш талаблари асосида ёндашадиган бўлсак, — дейди фабрика партия комитетининг секретари Усмон Исмоилов. — Ҳали коллективимиз олдида муҳим муаммолар турибди. — Хусусан, ҳар иккала филиалимизда иш ўринларини кенгайтиришимиз зарур. Шу йўл билан у ердаги маҳаллий аҳолини, хусусан, хотин-қизларни иш билан таъминлашни кўзда тутмоқдамиз. Янгидан 160 ўринли болалар боғчаси, ёш оилалар учун 96 ўринли ётоқхона қуришимиз лозим. Шунингдек, ҳар бири 96 квартиралари 4 та уй ҳамда озиқ-овқат магазини, чойхона қуришни ҳам режалаштирганмиз. Бу хайрли ишларни амалга оширсак, ишчиларимизнинг уй-жой ва ишлаш шароитлари жуда яхшиланади. Бу маънавий омиллар ишлаб чиқариш унумини оширишга катта ижобий таъсир кўрсатади.

Гўзалбек ХОЛЛИЕВ,  
Яраш ҒАФФОРОВ

Тўнгичинг афгон кетди, —  
Жаҳондан жаҳон кетди.  
Қуриб чашминг Ороли  
Юрагингдан қон кетди.  
Нега? Нега? Нега?

Тилла балдоқ тақмайсан,  
Кўзгуга ҳеч боқмайсан.  
Шаҳар кўрган эрингга  
Бир ёқиб, бир ёқмайсан.  
Нега? Нега? Нега?

Тонг сахар ногоҳ кўрдим:  
Сочларинг ўрим-ўрим,  
Муздай сувда чўмилиб  
Шошилиб уйга кирдинг.  
Нега? Нега? Нега?

Уй олди ғуж боғ эди,  
Марғуб, майин чоғ эди.  
Ой ўрик шохларига  
Осилган чироқ эди.  
Нега? Нега? Нега?

Яшайман шаҳарда ман,  
Лекин тонг сахарда ман  
Кўзимдан қочиб уйку  
Сени суюб ўйлайман.  
Нега? Нега? Нега?

## ЗИКИРЁ ОШИҚ, ХИДИР ҚУДУҚЧИ ВА ГУЛНОР ПАРИ ҚИССАСИ

Чўққиларин бошига  
Оппоқ қорлар тақия,  
Олис тоғ қишлоғида  
Рўй берган бу воқеа.  
У пайт бизлар болаё,  
Тўртда ё бешда эдик.  
Шов-шув бўлди, Зикирё  
Ҳарбийдан келибди, деб.  
Ҳарбийдан авваллар ҳам  
Келганлар бўлган, аммо  
Ҳаммани лол қолдирган  
Эди бошқа муаммо.  
Ҳарбийга ўн беш ёшда  
Кетган экан Зикирё.  
Раис ўглин ўрнига  
Утган экан Зикирё.  
Ўзиям беш ё олти  
Йилча хизмат этганмиш.  
Она тили ёдидан  
Кўтарилиб кетганмиш.  
Бир томони соддалик:  
Ҳатто қодир эгамни  
Ҳавасини келтириб  
Лол қилайин деганми —  
Бир уй одам маҳлиё  
Сўрар бўлса неники,  
Бош чайқабди Зикирё:  
«Ташунмайди меники».  
Мум тишлаб туравериш  
Ярашмайди-да, ахир.  
Қишлоқ оқсоқоли бир  
Тадбир топибди, охир.  
Қай бир йили кончилар  
Тоғда олтин қидириб,  
Ўзлари билан бирга  
Олиб юрган Хидирни.  
Шу-шу Хидир қудуқчи  
Бошлар экан бир юмуш,  
Салмоқлаб ҳар гапида  
«Постой», деб қўяр эмиш.  
Хуллас, холис тилини  
Хидир яхши билади.

Зикирёга бир нави  
Ҳамсуҳбат шу бўлади.  
Кезиб қишлоқ ичинини  
У ёқ-бу ёққа чопиб,  
Хидирбой қудуқчини  
Келтиришибди топиб.  
«Постой», дебди Хидирбой,  
Тамакисин ўрабди.  
У ёқда ҳам борми ой,  
Тоғ борми, деб сўрабди.  
«Постой», дебди Хидирбой,  
Мўйловини бурабди.  
У ёқда ҳам борми сой,  
Тош борми, деб сўрабди.  
Аввалига гапга гап  
Қовушгандай бўлибди.  
Қур аҳлининг Хидирдан  
Кўнгиллари тўлибди.  
Зўр иш қилиб қўйгандай  
Керилибди Хидирбой.  
Яна тагин сўрабди:  
У ёқда ҳам борми сой?  
У ёққа ҳам кончилар  
Туришадими бориб?  
Тош борми у ёқда ҳам,  
Тоғида борми қори?  
Мансуб тилда Зикирё  
Тушунтирмасин ҳарчанд,  
Хидир сўрайверибди:  
Тоғ борми, борми арча?  
...Бу ғалча Хидирбойни  
Боплаб берсинми сўкиб?  
Е жим тураверсами:  
Нодонга жавоб — сукут.  
Ўртанибди Зикирё,  
Юраги сиқилибди.  
Томоғига нимадир  
Тош каби тикилибди.  
Ўз тилида булбулдай  
Сўзлагиси келибди.  
Ўпкаси тўлиб роса  
Бўзлагиси келибди.  
Фош этай деса сирин  
Ҳадди сиғмас, тили йўқ.  
Номус — ярим ўлимдир,  
Сабр! Бошқа йўли йўқ!  
Энг қизиги, кейинроқ  
Содир бўлди тун чоғи.  
Сочилганда фалакка  
Ой — тун қизин мунчоғи  
Ялангоёқ Зикирё  
Аста ошиб деворни,  
Тун сайлига чорлади  
Қўшни қизи Гулнорни.  
Бир-бирига аввалдан  
Мойил эди диллари.  
Аммо хуноб бўлдилар  
Тўғри келмай тиллари.  
«Боринг-е!» деб бурди юз,  
Гулнор қаттиқ ранжиди:  
«Арзон савдо қилибсиз  
Муқаддас дил ганжини.  
Обрўингиз борида  
Этакни ёпиб олинг.  
Тилингиз тушунгувчи  
Бирон қиз топиб олинг».  
Шундай дея чимриниб  
Гулнор кета бошлабди.  
Зикирё ўзини қиз  
Оёғига ташлабди:  
«Жон сўзим, умрим ҳаққи,  
Бўйнингга бўлсин маржон,  
Меники сеникини  
Тушунади, Гулноржон.  
Сени кўрсам, кўнглим чоқ,  
Ой қўнади дилимга».  
Ҳижронда унутганим  
Сўз келади тилимга».  
Шундай қилиб, мўъжиза  
Рўй берибди дафъатан.  
Ўз тилига қайтибди  
Зикирё шу дафъадан.

Бундан ҳам қизикроғи  
Рўй берибди эрталаб.  
Онаси Зикирёни  
Уйғотаркан эркалаб,  
Ўғли айтган каломдан  
Бағри яшнаб кетибди.  
«Ассалом!» деб Зикирё  
Таъзим бажо этибди.  
Сўнги воқеаларни  
Айрича сўзлар ҳар ким.  
Балки униси тўғри,  
Буниси ростдир балким.  
Баъзилар айтишича,  
(Келтираман сўзини):  
«Қайга қўярин билмай  
Қувончидан ўзини».  
Онаизор чопқиллаб  
Ҳовлига чиққан эмиш.  
Овози етган жойдан  
Бор элни йиққан эмиш:  
«Оху зоримга етди  
Парвардигори олам.  
Ўз табаррук тилида  
Сўзлай бошлади болам».  
Баъзилар бошқачароқ  
Қилишади ҳикоя:  
«Мушфиқ она ўғлидан  
Шод бўлиб бениҳоя  
Сабабини сўраса  
Зикирё тилин тўшаб,  
Қўшнимиз... Гулнор бор-ку  
Ўргатди, дебди ўша...»  
Бу воқеани, дўстлар,  
Шунчаки сўзламадим.  
Сўздан яширин, ўзга  
Муддао кўзламадим.  
Тилини унутганлар  
Топилиб турар ҳамон.  
Зикирёлар бахтига  
Гулнорлар бўлсин омон!



## ОҚИБ ЎТДИ ЮЛДУЗ ТўЛА ТУН

Дарахтларнинг гул қадахларин  
Тоза, тиниқ дурга тўлатиб,  
Хушбўй еллар эсганда сарин  
Оқиб ўтди юлдуз тўла тун.

Табиатда бор тирик зотни  
Яхши-ёмон демай бус-бутун,  
Она каби бағрига босиб  
Оқиб ўтди юлдуз тўла тун.

Энди қайтиб келмас у асло,  
Айтмассан, ёр, бир айтган сўзинг.  
Оқшом ўзга, юлдузлар ўзга,  
Ўхшамассан ўзингга ўзинг.

Кетдимикан у менадан ризо,  
У — бир одам. Ранжиши мумкин.  
Едга солиб марҳум отамни  
Оқиб ўтди юлдуз тўла тун.

Еш боладек кўнглим бузилди,  
Кимга бу ҳол гина кўзимда?  
Бир парча тун... нажотми истаб  
Кун узоғи кезар изимда...

Оқиб ўтди юлдуз тўла тун.

Саъдулла ХАКИМ



## ТАҚИҚ

Токи бисёр экан эҳтиёж,  
Токи камёб ғазнада ақиқ —  
Истисно бор, бордир имтиёз,  
Учраб турар турфа хил тақиқ.

Худди дала оғуси каби  
Оқибати пинҳон тутилар.  
Қалқон бўлар давр талаби,  
Бир сўз демак тақиқ этилар.

Худди «Кеча ва кундуз»<sup>1</sup> мисол  
Йўлларига урилар кишан.  
Тарих билан ошқора висол,  
Ғурур ҳисси этилажак ман.

Бу кечмишдан мисоллар, зотан  
Кечмиш гўё ўхшар кечага.  
Еркин кунлар у қуёш билан  
Ендош юрар, чиқар кўчага.

Тақиқ эса кечмишга зурёд,  
Қўлларида залолат туғи,  
Ҳаволарда кезинар урён:  
Аёллар, йил оралаб туғинг!

Айтганидек бир чоқлар наби  
(Тақиқ кияр одобдан совут):  
Чап юзингга тортса тарсаки  
Қўл кўтарма, ўнг юзингни тут.

Ев қарама катта оғангга,  
Оқил ука акага қарам.  
Тақиқ борки, ким тобе унга,  
Кимдир эса яшар муҳтарам.

Токи бисёр экан эҳтиёж,  
Токи камёб қалб мулки ақиқ —  
Истисно бор, бордир имтиёз,  
Учраб турар турфа хил тақиқ...

## НЕГА?

Эй, ҳаёт фароғати,  
Ҳуснида ой тальяти.  
Уйчан кўзинг қалбимни  
Изгиробга талатди.  
Нега? Нега? Нега?

Сен ҳамон ўша-ўша,  
Заҳматинг қўша-қўша.  
Юрсанг, йўлинг — пахтазор,  
Ухласанг, дала — тўшак.  
Нега? Нега? Нега?

<sup>1</sup> Чўлпоннинг шу номли романи.

# МАДАНИЙ ХИЗМАТ МУАММОЛАРИ

Коммунистик партия ва совет ҳукумати қайта қуриш ва жадаллаштириш шароитида жамият тараққиётини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажариш, оммани коммунистик руҳда тарбиялашда маданият ва санъатнинг ролини янада оширишга кенг эътибор бермоқдалар. Зеро, «Маданиятни кўтариш вазифаси навбатда турган энг зарур вазифалардан биридир, — деб таъкидлаган эди Ленин. — Бу эса сиёсий-оқартув ташкилотининг вазифасидир».

Энг оммавий маданият ўчоқлари бўлган маданий-оқартув муассасалари халққа яқин туради, миллион-миллион кишиларга маданий хизмат кўрсатади, фан-техника тараққиётига ва бадий ижодкорликнинг равнақиға имконият туғдиради. Лекин партия XXVII съезди таъкидлаганидек, социал соҳанинг орқада қолиши, энг аввало, марказ ва маҳаллий идоралар томонидан социал-маданий соҳа моддий базасининг етилган муаммоларига етарли эътибор берилмаганлигидадир. Бунинг оқибатида ижтимоий соҳани ривожлантириш учун, аслини олганда, иккинчи даражали имкониятларни ажратиш принципи пайдо бўлди.

Хўш, бу хато ва камчиликлар нималардан иборат эди, уларнинг ижтимоий илдизлари мавжудми ёки тасодифий ҳолми? Бизнинг фикримизча, ҳозирги кундаги маданий-оқартув муассасалари ишининг талабга жавоб бермаслигининг энг асосий сабаби уларнинг етарли равишда моддий-техника жиҳатдан таъминланмаганлигидадир. Кўплаб хўжалик раҳбарлари тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи беш йилликларда бу соҳага иккинчи даражали соҳа сифатида қараб, маданият соҳасининг аҳамиятини кўрабилмадилар. Маданият соҳасига бармоқ ортидан қараш ҳоллари афсуски ҳали ҳам давом этмоқда. 1987 йили жумҳуриятимиз бўйича Маданият министрлиги учун бори-йўғи 110 миллион сўм маблағ ажратилди, холос. Шундан 30 миллион сўми кутубхоналар ривожланишига сарфланди. Бу рақамдан, агар республикадаги барча кутубхоналарни (7692) эътиборга оладиган бўлсак, ниҳоятда кам эканлигини яққол тасаввур этамиз.

Маданий-оқартув муассасалари ишини талаб даражасига кўтаришга ҳалақит бераётган сабаблардан бири маданият ўчоқлари учун кадрлар тайёрлаш, уларни тарбиялаш, жой-жойига қўйиш масалаларидаги чалкашликлар билан боғлиқдир. Тўғри, ўтган йиллар давомида бу соҳада ҳам анча ишлар қилинди. Тошкентда етмишинчи йиллар бошида Маданият институти ташкил этилди. Бундан ташқари, яна бешта маданий-оқартув техникумларида республикада кенг иқтисос бўйича клуб ходимлари, бадий-ҳаваскорлик коллективларининг раҳбарлари, кутубхоначилар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Буларда ҳар

йили ўртача уч минг нафарга яқин маданий-оқартув муассасалари ходимлари тайёрланмоқда.

Хўш, бу категориядаги ходимларнинг билимида қандай ўзгаришлар рўй бермоқда? Ҳозирги кунда кутубхоналаримиздаги ходимларнинг ҳаммаси бўлиб салкам 25 фоизгина олий маълумотли, шундан фақатгина 18 фоиздан кўпроғи махсус олий маълумотлиларни ташкил этади. Бу кўрсаткич Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан анча паст.

Бунинг устига Тошкент Давлат Маданият институтини битириб чиқувчиларнинг 20 фоизи юборилган жойларга етиб бормаётганлигини қандай тушуниш керак? Энг аввало ўқув юртини тамомлаб, ишга келган ёш мутахассисларга етарли иш шароити яратилмаётганини айтиш керак. Ваҳоланки, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ аҳолисиға маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги (1977 йил, 10 ноябрь) қарориди маданий-оқартув ходимларининг меҳнат шароитини, турмушини яхшилаш чоралари кўрсатилган эди. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикада ҳали ниҳоятда кам хўжалик бу қарорга амал қилапти. Жумладан, қарорда СССР давлат банкига олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаб чиққан ва қишлоқдаги маданият ва кино тармоқлари муассасаларига ишга тайинланган ёш мутахассисларга уй-рўзгорини тиклаб олиш учун беш йил муддатга 1000 сўмгача қарз бериш, бу қарзни учинчи йилдан бошлаб тўлашга кўрсатма берилган эди. Мутахассисларнинг бепул квартиралар билан таъминланишлари, улар қишлоқда фаол маданий-оммавий ишларини ўтказганликлари учун маошининг 30 процентини миқдориди қўшимча ҳақ олишлари тавсия этилган эди. Лекин афсуски, ҳали республикамизнинг бирорта ҳам областида, бирорта ҳам хўжалигида юқорида айтилган имкониятлардан фойдаланаётгани йўқ.

Ҳозирги шароитда маданият муассасаларининг аҳволи қандай, қайта қуриш ва жадаллаштириш жараёнига улар қандай ҳисса қўшишлари мумкин? Фикримизча, асосий эътиборни ўтказилаётган тадбирларнинг савиясини оширишга қаратиш лозим. Кутубхоналарда ўқувчиларнинг ёшини, касбини ҳисобга олиб тадбир ўтказиш ҳоллари учрамаяпти.

Кутубхоналарнинг марказлаштирилиши натижасида (марказлаштирилиш жараёни бошланганига яқинда 15 йил тўладию, лекин ҳали ҳам фақатгина Маданият министрлиги системасининг ўзидагина 75 кутубхона бу тартибга бирлашмаган) аҳвол бироз жонлангандек бўлди. Бизнингча, кутубхона ишини жадаллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, кутубхоналар ҳаё-

тидаги асосий зиддиятни — кўп йиллар давомида асосий эътиборнинг ташкилий масалаларга қаратилганлиги, ўтказилаётган тадбирларнинг мазмуни эса иккинчи даражага суриб қўйилганлигини бартараф этиш лозим. Бу эса кўпинча марказий кутубхона дирекцияси, Маданият министрлигининг илмий-методик бўлимига боғлиқдир. Иккинчидан, китоб тарғиботи ишини тўғри йўлга қўйиш керак, асосий эътиборни бадий адабиётлар билан бирга мутахассислар учун чиқарилаётган махсус адабиётларга ҳам қаратиш лозим. Айниқса, бу масалада республикадаги аҳвол жуда ачинарли. Сабаби, мутахассислар (инженер, техник, агроном, врач, ўқитувчи ва бошқа касб эгалари) кутубхонадан махсус адабиётлар олмайдилар, кўплари эса бу бино қаерда жойлашганини ҳам билмайдилар. Турли областлардаги кутубхоначилар билан бўлган суҳбатлар шундан далолат бермоқдаки, бирор марта кутубхона остонасини ҳатлаб ўтмаган колхоз раислари, совхоз директорлари жуда кўп. Учунчидан, кутубхона ишининг янги шакллари ташкил этиш, барча эски, талабга жавоб бермайдиган усуллардан воз кечиш лозим. Мана шу масалалар ҳал бўлса, кутубхоналар ишида жиддий ўзгариш ясаш мумкин.

Энди клублар хусусида гаплайшайлик. Клублар ишини яхшилаш мумкинми, бунинг учун нима қилиш керак? Кўп йиллар давомида баъзи бир мутахассислар онгида ўрнашиб қолган эскича ишлаш услудидан қутилиш лозим. Улар клубнинг асосий вазифаси кинофильмлар кўрсатишдан иборат деб билмадилар. Ҳозирги кунда телевидениенинг ҳар бир совет оиласига кириб бориши натижасида одамларнинг клубда фақат кинофильмлар (қишлоқ жойларида эса асосан мазмун, жанр жиҳатдан бир хил ҳинд фильмлари) томоша қилиш (бу ҳам совуқ, нам, кўримсиз клубларда) истагини сўндирди. Кузатишлар шундан далолат берадики, 70-йилларнинг бошларидан клуб ишларида кескин орқага қайтиш пайдо бўлди — клублар ўз томошабинларидан ажралиб қола бошладилар. Бундай шароитда маданий-оқартув муассасаларининг фаолиятини янги иш услублари билан бойитиш лозимдир. Клублар қошида бадий ҳаваскорлик тўғрақларини очиш, уларни етарли моддий-техника базаси билан таъминлаш лозим. Иккинчидан, кадрларга бўлган муносабатни ўзгартириш лозим. Нима учун 60-йилларда, ҳали маданий-оқартув муассасалари учун керакли миқдорда олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар етишмаган ва уларнинг ўрнида бошқа мутахассислар ишлаган бир шароитда (тўғри, ҳозир ҳам кўплаб клубларда махсус мутахассисликка эга бўлмаган кадрлар мавжуд) клубларда одамлар гавжум бўлар эди, қизиқарли тадбирлар ўтказиларди. Ҳозир эса

бунинг аксини кўраимиз. Сабаб нима? Бунинг асосий сабаби телевидение, видео-техника эмас, балки маданият масканлари ишига, унинг кадрларига партия ва хўжалик раҳбарларининг нотўғри муносабатидир. Бу мутахассис кадрлар 70-йилларда, баъзи жойларда ҳозиргача ҳам раҳбарларнинг «оператив» ишларини бажарувчи дастёрларига айландилар.

Мана, бир неча йиллардан буён колхоз ва совхозларда колхоз раислари ва совхоз директорларининг маданият ишлари бўйича ўринбосарлари мавжуд. Бу ҳол ўз навбатида, хўжаликда социал масалаларга, маданият соҳасига эътиборни жамлаштириш имконини берди. Республикаимиздаги кўплаб хўжаликларда бу кадрлар катта ишларни олиб бормоқдалар, қишлоқ турмуш маданиятини оширишга яхши ҳисса қўшмоқдалар. Лекин ҳамма ерда ҳам шундай эмас. Маданият, социал соҳалар билан шуғулланувчи ўринбосарларнинг аксарият кўпчилиги бошқа касб эгалари — инженер, иқтисодчи, техник, агроном, ветеринария врачлари эканлиги кўпчиликни ҳайрон қолдиради. Ахир республикада 20 мингдан ортиқроқ маданий-оқартув ходимлари бор-ку! Наҳотки, шунча маданият ходимидан хўжалик раҳбарларига маданият бўйича ўринбосар топиш мумкин бўлмаса?

Жамиятимиз ҳаётидаги янгилашни, демократиянинг чуқурлашуви — буларнинг барчаси совет кишиларининг маданий-оқартув муассасаларида олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий тадбирларга бўлган қизиқишини кучайтирди. Бу имкониятдан фойдаланиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳаётга қизиқишларини янада кучайтириш — клуб, кутубхоналарнинг вазифасидир. КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, халқнинг маънавий савияси ўса борган сари санъат ва маданиятнинг жамият ҳаётига, унинг маънавий психологик муҳитига таъсири кучая боради. Маънавий, маданий ҳаётга раҳбарлик қилиш оддий иш эмас. Бу соҳа одоб билан иш қўришни, адабиёт ва санъатга меҳрни, истеъдод соҳибини ҳурматлашни тақозо этади. «Бу ўринда кўп нарса партиянинг маданий сиёсатини пропаганда қила билишга, уни амалга ошира билишга, ёзувчи, композитор, расомнинг ижоди, изланишлари ҳақида гап борганда, уларни баҳолашда адолатли, хайрихоҳ бўлишга боғлиқдир», деб таъкидланади КПСС XXVII съезди қарорларида. Масалалар қайтадан кўриб чиқилаётган ҳозирги шароитда меҳнаткашларнинг қизиқишларини ўз вақтида ва тушунарли тарзда қондириш жуда катта аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги пайтда бутун партия билан халқ учун қайта қуришдан зарурроқ ва муҳимроқ вазифа йўқ.

Абдухалил МАВРУЛОВ,  
тарих фанлари номзоди





Абдулхохор ИБРОХИМОВ

**МУАЛЛИФДАН:** Пьеса «Таъзиянома» деб аталади. У бир киши ёки бир неча кишига ёзилган таъзиянома эмас. Бу вафоти муносабати билан таъзиянома ёзилмаган Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, номуносиб таъзияномаларга муносиб кўрилган баъзи адибларга ўттиз ёшида урушда бедарак кетган отам Абдусамат Иброҳимов каби ўзи маълум бўла туриб, кайри номмаълум аскарларимизга таъзияномадир. Қуйида Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри коллективи яқин орада «Пуч» деган ном остида томошабинларга тақдим этадиган ушбу комедиядан парча ўқийсиз.

# ТАЪЗИЯНОМА

Тўлаганнинг шахсий кутубхонаси. Шифтга етадиган жавонлар китобларга тўла. Хонадаги хонтахта атрофига атлас кўрпачалар тўшалган, икки жойга эса журнал курсичалари, стуллар қўйилган. Хонтахта устида доналари терилган шахмат, бир курсича устида ўйин картаси, иккинчи курсичада нард бор. Хона тўрида каттакон ёзув столи, устида стол лампаси, қаламдон ва газета-журналлар, стол қошида эса катта кресло. Яна шунга яқин жойда сунчиқлари баланд диван-каравот.

Кутубхонага туташ — меҳмонхонада Тўлаган гап бермоқда. Меҳмонхона ва кутубхонани боғлайдиган икки тавақали нақшинкор эшик зарб билан очилди-да, Тўлаган улфатлари: Хонқаро, Элтутмиш, Оғабек, Суюн, Евқоч, Қайтмас, Тўқмоқли, Метин, Бойсунқурни кутубхонага бошлаб чиқади, бири рўмолчаси билан лаб-даханини артса, иккинчиси тишини тишқовлагич билан тозаларди. Ҳамма кутубмағанда ҳайратга тушиб, ёқа ушлаб, китобларга маҳлиё бўлиб бир оз жим қолади.

Тўлаган. Марҳабо, азизлар. Хонқаро. Баракалло! Шундай илму урфон гўшангиз бор экану, бизлар қиёматли кадрдонларингиз билмас эканмиз-да, Мавлоно Тўлаган Тўхтамиш ўғиллари?

Тўлаган. Шундоқ, Хонқаро ҳазратлари. Илгари бу хонага даромад ҳовлидан эди. (Эшикни кўрсатиб). Анови қопқони ўрнатди-у, даромадни бу ёққа олиб юбордик. Азизлар, ўз уйларингдагидек, баҳузур яйраб ҳордиқ чиқарингизлар. Истасангиз китоб арақланг, истасангиз карта ўйнанг, истасангиз шахмат суринг, истасангиз, биллиард ўйнанг...

Хонқаро билан Элтутмиш китобларни кўздан кечирадилар. Оғабек билан Евқоч карта ўйнашади. Суюн уларга томошабин бўлади; Қайтмас стол устидаги бир журнални олиб, кроссворд ечишга киришиб кетади; Тўқмоқли билан Бойсунқур шахмат ўйнайди. Метин уларга томошабин

бўлади. Севил бир даста пиёла кўтариб, Тўлиной икки чойнак, Еруғқун икки чойнак кўтариб кирадилар. Чойнак-пиёлаларни хонтахта, стол ва курсичалар устига қўядилар. Суюннинг кўзи Севилга тушади-ю, сесканиб кетади. Севил ҳам Суюнни кўриб, эсанкираб қолади, пиёла қўлидан тушиб кетай дейди. Улардаги ўзгаришни ҳеч ким сезмайди. Қизларнинг учовида ҳам хонатлас кўйлак-лозим, Севил лозимининг ироқи жияги бор (бу турмуш қурганлик белгиси). Тўлиной билан Еруғқуннинг сочлари қирқ кокил қилиб ўрилган, Севилники эса иккита қилиб ўрилган. Тўлаган уларни улфатларига таништиради.

Тўлаган. Талабамиз Тўлиной, ҳисорлик кадрдоним кенгаас Тўғрулбекнинг фарзанди комиласи...

(Тўлиной аста бош силкитиб қўяди...)

...Талабамиз Еруғқун, тошқовузлиқ кўнғирот Алптакиннинг ёлғиз дурдонаси. Алптакин билан АҚШга бу йилги сафаримда бирга бўлган эдик...

(Еруғқун аста бош силкиб қўяди.)

...Аспирантимиз Севил, қизил ўрдалиқ, яъни Нодирабегим салтанати даврида бунёд этилган Оқмачит шаҳрилик эски кадрдоним Оқбўтабийнинг туғишган жиянлари...

Севил аста бош силкиб қўяди. Суюнда ҳам шундай ҳолат ҳукмрон.

...Ҳаммалари қанотимиз остида таҳсил кўрмоқдалар, хонадонимизда фарзанд мақомида яшамоқдалар, модомики шундай экан, бунини сизлар ҳам, қиёматли улфатларимиз сифатида билиб қўйишингизни лозим кўрдик.

Хонқаро. Баракалло, танимасни сийламас дейдилар. Иншоолло бул муслималар биз аҳли улфатга ҳам фарзанд мақомида бўлғайлар.

Тўлаган (аёлларга). Сизларга рухсат, аянгизга айтинглар, манти қасқонларни ўтга қўйверсинлар.

Аёллар чиқадилар.

Қайтмас. Тўлаган, оғайни,

сенларга қулай-да, бирини студентим дейсанлар, иккинчисини аспирантим дейсанлар, яна бошқасига консультантиман, дейсанлар-да, хоҳласанг оқсоч қилиб тутасанлар, хоҳласанг, текин хизматкор қилиб фойдаланасанлар, эпини қилолсанг, ўйнашлиқ вазифасини ҳам юклайверасанлар.

Суюн. Йўғ-эй, йўғ-эй, шундай қайта қуриш замонида-я! Тўлаган инсофли, диёнатли, тақвоси кучли одам-ку.

Қайтмас. Бе, қаёқ-да! Хўш, қани, менга айтсин-чи, ўтган галги ўтиришимизда хизмат қилган ўша «сарвиғуллари»ни қаёққа гумдон қилганикин? Ахир, улар бир неча йил шу хонадонда «фарзанд мақомида» яшаган эдилар-ку?.. Хўш?

Суюн. Афсуски, Тўлаган меҳмон-да, бўлмаса, уям ўзини химоя қилишни, ҳатто сўкиб ташлашни ҳам билади...

Хонқаро. Қизишманг, биродар, ахир бир халқнинг фарзандларимиз.

Тўлаган. Суюн, нима, Қайтмасни энди билаяпсанми?.. Мавриди келганга ўхшайди, сизларга тушунтириш бериб қўймасам бўлмайдиганга ўхшаб қолди... Аввалги «сарвиғуллар» ўқишни тугатишди, яъни ўз бўсонига қайтиб кетишди. Тўйлари ҳам бўлиб ўтди, рафиқамиз билан маънавий ота-она мақомида иштирок этиб қайтдик.

Қайтмас. Ундай бўлса, узр. Лекин студентлар-ку уйингда заруратдан, ётоқхоналар тақчиллигидан туради, дея қолайлик, анави турмуш қурган Севил деганинг эриники қолиб, нега сеникида турар экан? Хўш?

Тўлаган. Турмуши бузилган...

Қайтмас. Епирай! Тўлаган. Тоғаси эри тутволиб ураётганда устидан чиқиб қолиб, бизникига олиб келиб ташлаб кетди.

Қайтмас (киноя билан, чўзиб). Тооғаси дегини?! Суюн. Бузук кўнгилдан фақат эгри фикр ўтади, деганлари

рост экан (Қайтмасни кўрсатиб). Мана исботи.

Қайтмас. Сен ҳадеб гапга суқилаверма, сен ниманиям билардинг?

Суюн. Шу ўтган бир йил ичида Севил калтак зарбидан мияси чайқалиб кетган ҳолда касалхонамга бир неча марта келтирилди, реанимацияда, изоляторда ётиб даволанди, акт-пакт тузишда мен ҳам иштирок этдим бош врач сифатида.

Элтутмиш. Кўхна тарихдан маълумки, аёллар ҳуқуқи топталган жамиятлар ҳам, салтанатлар ҳам таназзулга юз тутмишдир.

Хонқаро. Бале! Қуръони шарифда ҳам оллоҳ таоллоҳ олдида ҳам, илм олиш борасида ҳам ҳар бир муслим ва муслима тенг ҳуқуқлидир дейилмиш. Илму фан бешиги бўлмиш қадим Шарқимизнинг энг сўнги асрларда тараққиётда Оврүподан орқада қолиб кетишига асосий сабаблардан бири шуки, аёлларимиз ҳуқуқи камситилди. Мабо-до аёлларимиз ҳуқуқи камситилмай, улар ижтимоий файзли меҳнатда фаол қатнашганларидами, балки ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, ал-Форобий, ал-Беруний, Ибн Сино, ал-Бухорий, Ғаззолий давридаги даражада ривож топиб келармидик. Лекин бир шоир айтганидек, тарихда қоралама нусха бўлмайдиган, ҳақиқий тарих фақат бир нусхадир. Шу сабаб, бундан бу ёғига эҳтиёт бўлайлик, умумжаҳон тараққиётга етишиб юрайлик. Амриқолик бир адиб яқинда 2000 йилгача АҚШ президентлигига аёл киши сайланишини орзу қилди. Такрорлайманки, аёл кишига, умуман Ер юзида энг шарафли зот бўлмиш инсон боласига қўл кўтариш ҳаромдир, бу шарият ҳукмига хилофдир.

Қайтмас. Оббо Хонқаро ҳазратлар-эй, аёлларга муносабат масаласида ҳам ўз ақида-нгишни кўзлайсиз-а.

Хонқаро. Маслакдан айру яшаб бўлмас, эй биродари азиз.

(Давоми 32-бетда)

Соҳиба ИРИСХҶАЕВА,  
филология фанлари номзоди

Ижобий қаҳрамон социалистик жамиятнинг туб манфаатларини ифода этиш орқали ўзининг характер қирраларини намоён қилади. Буни Улуғ Ватан уруши йиллари ҳаётини акс эттирувчи асарлар таҳлилида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, республикамиз болалари Улуғ Ватан уруши жанггоҳларидан йироқда бўлсалар-да, урушнинг бутун даҳшат ва фожиаларини қалбдан ҳис этиб, кулфат ва уқубатларини катталар билан барабар тортдилар. Шу маънода Гулчехра Жўраеванинг «Алвон дастурхон», Тўлқин Илҳомовнинг «Учаверинг, турналар», Темура Убайдуллонинг «Коммунист юраги» достонларининг муайян ибратли жиҳатлари мавжуд.

«Алвон дастурхон» достониде уруш даҳшатлари ҳозирги давр билан қиёс этиларкан, муаллиф эътиборида ўн ёшли бола образи туради. Қаҳрамоннинг отаси урушда. Рўзгор ташвишлари она зиммасига тушган. Достон «бир диёнатсиз» аёлнинг ўша пайтда нондек азиз бўлган оқ қоғозни сўраб келиши воқеаси билан бошланади. Сахий, беғубор бола, «аёл бечора фронтга, ота ёки акасига хат ёзар», деган умидда унга яхшилик қилмоқчи бўлиб, токчада турган дафтарни бериб юборади. Ишдан ҳориб, ранги заъфарон ҳолда қайтган онага фарзанд пешвоз чиқаркан, ўзининг танти ишидан мамнун бўлиб мақтанади. Афсуски, унинг бу «кашфиёти» онани қаттиқ ранжитади. Дафтар ичида нон талони борлигини англаган бола ҳам чуқур изтироблар гирдобиде қолади. Фарзанд онанинг ғам-аламини енгиллатишга уриниб, тун бўйи онанинг дармонсиз қўлларини уқалаб чиқади. Унинг мурғак қалбиде: «Не қилсам онамнинг кўнглин ололсам, ўша нон-қоғозга айлана қолсам», деган туйғу пайдо бўлади.

У дастлабки ҳаёт синовиға дуч келади. Инсофсизлик, юлғичлик нималигини англай бошлайди. Қийинчилик, очлик, йўқчилик давриде инсонийликнинг нақадар муҳимлигини ҳис этади. Шу тариқа асарда ҳаётда илк бор алданган гўдакнинг туйғулари, ўйлари она туйғулари билан пайвандланиб кетади:

Онадан бошланар экан кайфият,  
Оқшомги таътилде йўқ эди шодлик,  
Туршакли шўрвани шопириб ичдик,  
Майли нонсиз қолсак, розимиз  
минг бор,

Она дийдорига оч қолиш душвор.

Асарда она-Ватан тушунчаси ва она образи ягона бир маъно касб этади. Шоира она образи орқали эл-юртга, ҳаётга, одамларга бўлган қарашларини умумлаштиришга интилади. Битта нон талонининг йўқолиши бутун бир оилага қанчадан-қанча заҳмат келтирди. Аммо уруш қолдирган доғ «онанинг кемтик бармоғида, ака тиззасининг бужир ямоғида» гина эмас, балки ҳар бир қалбда ўчмас из қолдирди. Ҳозирги тўкинчилик болакай кўз ўнгида гўё бир эртақ сингари тикланади. У мунаввар замонасига меҳр билан боқаркан, тўкин дастурхон, осойишта турмуш унга лаззат бахш этади, даврдан, замондан мамнунлик туйғулари пайдо бўлади. Бу туйғу айни вақтда шоиранинг қалбидан тўлқинланиб мисраларга қуйилади. Ҳозирги ёшлар тасаввур ҳам қилолмайдиған даҳшатли воқеаларни, қийинчиликларни мураккаблиги билан қаламга олади. Хуллас, достонда китобхон қалбини ҳаяжонга соладиган, уни жиддий ўйлашга, эзгу ишларга ундайдиган куч бор. У ижобий қаҳрамоннинг қалб туйғулари ифода этилган тарбиявий таъсир кучидир.

Тўлқин Илҳомовнинг «Учаверинг, турналар» достониде ҳам Улуғ Ватан уруши даври ҳаёти билан ҳозирги тинч давр қиёсий тасвирланади.

Достоннинг илк мисраларидаёқ қаҳрамон-

нинг ўтмиш кечинмалари ўқувчи диққатини тортади:

Уруш эди ўшанда...  
Тўхтарди ўйинимиз,  
Чиқиб қолса эшикдан  
Қора кийган қўшнимиз...

Нима учун қўшни аёлнинг қора кўйлак кийиши болаларни ташвишга солади? Муаллиф қаҳрамоннинг ўйлари, туйғуларини тасвирлаш орқали китобхонни ҳаяжонга солувчи мисралар яратади.

Достоннинг биринчи қисми турналар келиши, баҳорнинг бошланиши тасвири билан бошланади. Қуёш заррин нурларини сочиб, болалар қалбини қувончга тўлдирмоқда. Осмонни тўлдириб учиб бораётган турналар қаҳрамонни ўйга толдиради, уруш йиллари кечган хотираларни ёдга солади: «Дердик ёгаётган қор унга айланиб қолса», бувижонлари ширин-шакар кулчалар ёпиб болажонларни сийласа, сариқ сумалак новвотга, миниб юрган тол новдалари ростакам отларга айланиб қолса-ю, она еримизни поймол этмоқчи бўлган газандалар қириб ташланса. Қаҳрамон турналар пастлаб учини ҳақидаги бувисининг гапларидан ҳам поэтик маъно топади: турналар пастлаб учса, демак уруш тўхтайдиган, ўғли урушдан соғ-саломат қайтиб келади. Бу орзу оғушида бувиси доим кўча эшикни очиб қўяди. Уғли, ўғилжони уйига эшикни қоқмасдан, бирор фурсатни ҳам беҳуда ўтказмай, тезроқ кириб келиши керак.

Достон қаҳрамонининг амакиси урушда икки кўзидан ажраб, ҳассага таянган қолда қайтади. Қаҳрамон кечинмалар гирдобиде қолади: демак, амакижони бундан буён тиниқ осмонда учиб юрган турналарни, оппоқ тонгларни, қуёшнинг заррин нурларини, турфа ранг гуллар жилваси-ю юлдузлар жамолини кўролмайди. Қандай қилиб бўлмасин унинг кўнглини кўтариш, ҳамдард, ҳамнафас бўлиш йўлларини излайди. Ҳасаси қўлидан тушиб кетган амакисининг айвондан тушолмай гандираклар турганини кўрганда унинг қалбиде фашист газандаларига қарши нафрат ҳисси жўш уради. Муаллиф қаҳрамоннинг ана шундай қарама-қарши туйғулар билан тўлиб-тошган болалик оламини ёрқин мисраларда ифода этишга ҳаракат қилади.

Уруш даври манзаралари ҳақидаги қаҳрамоннинг хотиралари китобхон ўйлари билан ҳамоҳанг бўлиб кетади... Лекин шунга қарамай қаҳрамон тушқунликка берилмайди. Унинг орзулари юксак, тилаклари самимий:

Ардоқлайлик заминни,  
Бахтли бўлсин оналар.  
Тиниқ осмонимизда,  
Учаверинг турналар...

Катталарнинг ёшларга ибратли фазилатларини кўрсата олиш — достоннинг ижобий жиҳатларидан бири. Жумладан, икки кўздан ажралган, ногирон киши билан турмуш қурган аёлнинг инсонийлиги, ҳаёт синовларига бир тан, бир жон бўлиб бардош бериши тасвирланган воқеалар достоннинг муваффақиятли чиққан қисмларидир.

Аммо достоннинг кўп ўринларида қаҳрамон фақат қуруқ ўй-хаёллар билан банд бўлиб қолади, воқеа-ҳодисаларга фаол аралашмайди. Достонда тилга олинган аёлнинг болаларга чўпчак айтиб бериши воқеаси эса, асарнинг гоёвий-бадий тўқимасига сингиб кетмаган.

Чўпчагим, чўпчак,  
Олтин беланчак.  
Мард — баҳодирни  
Ҳамма севажак...

Шоир шундан кейинги тўртликда: уруш тугаса, бизнинг кўчада ҳам байрам бўлади,

ўйин-кулгимиз яна давом этади, бахтли келажак кулиб боқади, деган ибратли гоёни илгари сурмоқчи бўлади. Афсуски, бу нарса асарнинг композицион тузилишига сингдирилмайди. Шоир қаҳрамоннинг ички дунёсини бутун мураккаблиги билан тасвирлаб бера олмагандек таасурот қолдиради.

Темура Убайдуллонинг «Коммунист юраги» достониде Чилининг тараққийпарвар ёшлари, ишчилари, зиёлиларининг тинчлик, озодлик, демократия йўлида кўрсатган жасоратлари қаламга олинади. Асар марказида ўн тўрт ёшли Хуан туради. У кекса коммунистнинг тарбиясида эрк учун толмас курашчи бўлиб етишади.

Чилида ҳар йили сентябрь ойи баҳор байрами сифатида нишонланади. Ана шундай тантаналарнинг бириде бу ажойиб ўлкага Хунта қаллакесарлари ажал уругини сепмоқчи бўладилар. Эркесвар халқларни зиндонларга улоқтириб, Чилидаги ҳар бир хонадон ҳасрат гирдобига қориштирилади. Одамларнинг фарёди оламини ларзага солади. Ламонедининг кули кўкка совурилади. Чили халқининг улуғ фарзанди Сальвадор Альенде ҳалок бўлади. Унинг жасорати ҳақида қўшиқ басталаган шоир Виктор Харанинг овози бевақт тўхтайдиган...

Корваланинг қалб изтироблари, Пабло Неруданинг ўлими тасвирланган воқеа достоннинг таъсирли ўринларидир. Неруданинг ўлими бутун дунёни зир титратди. Исла — Негр соҳили ҳувиллаб қолади. Ана шундай аламли кунларнинг бириде ёш Хуаннинг бошига ҳам кулфат ёғилади. Отаси қамоққа олинади. Хуан дод солади, изтироб чекади. Бехосдан бошига тушган мушт эса, унинг ғазабини яна ҳам оширади. Энди у ноҳақликка қарши, шафқатсиз зулмга қарши кураш йўлини излайди.

Шоир китобхон диққатини қаҳрамоннинг ички кечинмалари тасвирига қаратади. Хуан хунта жаллодларига қарши ёзилган варақаларни муҳим жойлардаги деворларга ёпиштира бошлайди. Бу эса, жуда хавфли иш эди. Кўнларнинг бириде Хуан варақа ёпиштириш учун дўсти Карлос билан кетаётганида полициячиларга дуч келиб қолади. Хуан ўзини дадил туттади. Жаллодлар қўлига тушса ҳам дўстини қочириб юборишга улгуради. Шу тарзда шоир ёш Хуанни катароқ жасоратга тийёрлаб боради. Уни чалажон ҳолда маҳкамага келтиришади, қийноқларга солишади. Емонлик, дўқ, пўписа билан мақсадга етолмаган генерал уни алдаш йўлига ўтади:

— Жавоб бер, болакайим,  
Солмаймиз сенга кишан.  
Сўзла, устозинг кимдир?  
— Нафрат, ғазабим менинг!  
— Ким сенга иш буюрди?  
— Чеккан азобим менинг!  
— Итвачча, не мақсадинг?  
— Кураш, кураш, доимо...

Шоир достонда Хуаннинг турмада чеккан азобларини ҳикоя қилиб бериш билан баробар унинг онгида рўй бераётган ўзгаришларни ҳам кўрсатишга интилади.

Лекин достон қаҳрамони тасвириде жиддий нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Бу, аввало, баландпарвоз, умумий таъриф ва тавсифларнинг кўпайиб кетганлигида кўринади. Масалан, хунта вакиллари ўта гўл, аҳмоқ, ландовур қилиб тасвирланади, ижобий қаҳрамон ўта ақлли, билимдон, зийрак, мард қилиб берилади. Натижада қаҳрамоннинг болалик олами сояда қолиб кетади. Бу ҳодиса, ўз навбатида, достон конфликтини «говак» қилиб қўяди, қолаверса, ўқувчининг ижобий қаҳрамонга бўлган ишончини сусайтиради.

Болалар адиби Анвар Обиджоннинг ўзбек халқ достонлари йўлида ёзилган янги қиссаси «Даҳшатли Мешполвон» деб аталади. Шу қиссадан парча босамиз.



қул, бирини чўри сифатида узоқ ўлкага ҳайдаб кетишди. Уларнинг орасида Мешполвоннинг ярадор дадаси билан кўзлари кийикникидек чиройли онаси ҳам бор эди.

Мешполвон ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, банди қилинганлар ортидан анча жойгача эргашиб борди. Шунда дадаси қаттиқ ўқрайиб: «Ойимқизларга ўхшаб ҳиқиллама! Юрт сенга қолаяпти!» деб жеркиб берди. Онаси бўлса, юраги тўлиқиб унга бир қараб қўйди-ю, негадир тезда юзини ўгириб олди.

Дадасининг гапидан кейин Мешполвон ўз ўзидан жойида тўхтаб қолди, даштнинг чағир йўлида имиллаб қадам ташлаётган одамларнинг қораси ўчгунича мўлтираб тураверди. Юзлаб оёқлар остидан кўтарилиб, уфқни тумандек қоплаб олган чағир-тўзон аста-секин сепсилди, илонизи йўл энди бўм-бўш эди. Банди қилинганлар сафи бутунлай кўздан йўқолган бўлса-да, улар айтиб бораётган қўшиқ болакайнинг қулоқлари остида қайта-қайта жаранглайверди:

Мардлар сенга фидо бўлди,  
Бизлар тирик жудо бўлдик,  
Кечир бизни, она юрт.

Мунгли қўшиқ айтмоқдамиз,  
Сени ташлаб кетмоқдамиз,  
Кечир бизни, она юрт.

Берган сутинг оқлолмадик,  
Душманлардан сақлолмадик,  
Кечир бизни, она юрт.

Энди пайхон далаларинг,  
Қул-чўридир болаларинг,  
Кечир бизни, она юрт.

Анча маҳалгача дараги бўлмаганидан юраги пўкиллаб, душманлар унияи қулликка судраб кетишдимикан, деб жони ҳалак юрган энаси, Мешполвоннинг соғ-саломат қайтиб келганини кўриб, аввалага севинчи ичига сиғмай қолди. Кейин бирданига уввос солиб йиғлашга тугинди:

— Қора папоқ кийганлар ҳамма нарса-мизни талаб кетишди. Энди сени қандай тўйдираман, етимчагинам?

— Мунча ваҳима қиласиз? — дея аччиғлиниб чинқирди Мешполвон. — Филни пишириб беринг деяпманми? Жа борса, бир қозон шўрва ичиб, икки тандир нон ейман-да.

Яхшиямки, бу юртининг қуёшли ойи кўп, тупроғининг мойи кўп, ариқ билан сойи кўп. Босқинчилар кетганидан кейин, ёз ўрталарида экилган бўлишига қарамай, арпаю буғдой, мошу ловия, маккаю шоли, жавдару қўноқ, қизилчаю ошқовоқлар кеч кузга қолмасдан пишиб етилди. Одамлар кўп тиришиб, кам ухлаб, тут шиннисини зогоранонга булаб, ошқовоқни сутга димлаб, беҳи баргидан чой дамлаб, қулликка кетганлар гамида кўз намлаб, қишдан эсон-омон чиқиб олишди.

Бу даврда Мешполвон билан энасига айниқса қийин бўлди. Кампир бечора ўзини унутиб, чала тўйиш туфайли неварасининг кўзлари киртайиб бораётганига куонса, хўратомоқ бола дўмбирадек қорни кун сайин кичрайиб, белида иштон ўрнашмай қолаётганидан ичкиб юрди.

\* \* \*

Сирдарё билан Амударё жўш ураверди, Орол денгизи тўласича тураверди. От кетидан тойлар ўтиб, кун кетидан ойлар ўтиб, яна бодом гуллади. Қушлар чуғурлашни, чумолилар ушоқ ўғирлашни бошлади. Мешполвоннинг юртдошлари асалари галаси билан бир вақтда тирикчилик ташвишига тушди. Кампирлар уруглик донни саралаб, чол-

лар қўш ҳайдашди, қизлар ариқ тозалаб, ўғил болалар кесак янчишди.

Шудгордаги қоп-қора дўнғалак кесаклар худди қора папоқли бошларга ўхшарди, болакайлар уларни аямасдан янчиб, ҳавасга теша уришаверди.

— Вуй, манавининг катталигини-и!  
— Сепкилшоҳнинг аскарбошиси ана шу-да.  
— Ие, бир уриб атала қилайлик бўлмаса. Мана!  
— Ҳаюв-в!!!

Олиб теша-тўқмоқни,  
Янчинг қора папоқни,  
Ҳаюв-в!

Билакда куч тўплаймиз,  
Юракда ўч тўплаймиз,  
Ҳаюв-в!

Тоғимизда лола кўп,  
Юртимизда бола кўп,  
Ҳаюв-в!

Майли, бизни кўрган чоқ  
Куйиб ўлсин Сепкилшоҳ,  
Ҳаюв-в!

Уруглар сепилиб, кўчатлар экилиб, сукут ўрнини умид эгаллади. Деҳқоннинг оёғи даладан, оғзи ялладан бўшамай қолди.

Лайлак ўтиб, роз келди, баҳор кетиб, ёз келди. Жўжалар хўрозга, куртаклар чаросга айланди. Бошоқларга ўроқ, қовунларга пичоқ тегиб, жазлар бир қозон, тандирдаги ўтлар аламазон бўлди.

Мана шундай файзли кунларнинг бирида Мешполвон ўтин ёраман деб, тўнка яқинида турган сопол тоғорани пачоқлаб қўйди. Шу нарса баҳона бўлди-ю, ўғлини соғиниб, кўпдан бери ичидаги захрини кимга сочишни билмай юрган энаси хумор ёзиб саннашга тушди:

— Битта тўнғакни эплаб ёролмайсан, яшшамагур. Бўйинг терак бўлсаям, ўзинг эркак бўлмадинг. Эркак бўлганигда, отанангни қулликка жўнатвори-и-б, томошақовоқдек дўмпайиб ўтирармидинг? Ҳой, кўзимга қара, жигарларингга куйишни билмасанг, одамлардан уялишни бил. Орият деган нарса борми ўзи сенда? Ориятинг бўлмаса, бўйинингни бўйинтуруқдек қилиб юравер. Э, сатқайи одам кет!

Қорнидай катта, иштаҳасидай кучли бўлмасаям, ҳарқалай, Мешполвонда ўзига яраша ҳамият бор эди. Энасининг гапи юрагига сезиларли даражада оғир чўкиб, дилига ғашлик чуваланди. Отга мингаштириб бозор кезадиган дадаси билан очлигини кўздан сезадиган онасини ўзиям ўлгудек соғиниб юрувди. Кампирнинг хархашаси туртки бўлиб, эркаклик нималигини биздан кўрасиз энди, дея шартта сафарга ҳозирланди.

Аммо ғариб жангчининг на максус устбоши, на қурол-аслаҳаси бор эди. Яктак-иштон устидан астарсиз чопонини кийиб, белига чилвир боғлади, елкасига ҳўкизтери пўстакни илиб, қатик ивителидаган сопол чапани дубулгадак бошга ўрнаштирди, белбоғига даскалла қистирди, қозоннинг ёғоч қопқоғини қалқон, учига бигиз қоқилган ўқловни найза қилди. Қўшни чолнинг олдинги оёғи оқсоқ хачирини қарзга олиб, эгар-жабдук урди. Унга минмоқчи бўлганида, офтобда қизиб турган узанги оёғини жизиллатди. Уша турқ-атворда хачирни етаклаб, энасининг қошига борди, унинг шилпилдоқ калишига суқланганича бир сўз деди:

Сепкилшоҳнинг элатига қилай юриш,  
Бўлар энди дунёда энг катта уруш,

**М**ешполвон тўғрисида олтиариқликлар жуда кўп ҳангомалар айтиб юришади. Вуларни эшитмабсиз, дунёга келмабсиз. Лекин шунисиям борки, унинг ғаройиб кечинмаларини биров ундоқ таърифласа, бошқаси: «Йўқ, аслида бундоқ бўлган», дейди. Менимча, эртакиларнинг ҳаммасиям ҳақ. Чунки, зигирдеккина ҳақиқатдан туғилган қиссанамо бу чўпчак асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб, ўсиб-улғаяверган, ҳар бир ота-она ўғил-қизига ўзидан қўшиб-чатиб сўзлайверган. Аҳвол шундай бўлгандан кейин, энди борини ортиқча яширмай, йўғини лофлаб оширмай, сизларга ўртчасини ҳикоя қилиб берганим тузук.

Айтишларига қараганда, ўша омадли Мешполвон келажакда ўз ишлари афсонага айланиб, номи тарихда қолишини ҳали билмаган чоғларидаёқ ташқи тузилиши билан бошқалардан яққол ажралиб тураркан: икки лунжи ногора, бети офтобдан зогора, жағида эшак тепкиси нақшлаган чандик, қорни нақ қирқ пудлик сандик, бурни мушукникидек пучук, елкаси баайни хурпайган чумчук, бўйни олдинга энкайган, қулоқлари динкайган, оёқ босиши иланг-биланг, боши Езёвон чўлидек яп-яланг, кўринишидан камгапу анқов, аслида маҳмаданаю мижғов, кўзлари бойқушникидек ола... хуллас, росаям қизик бола экан.

Шу болапақирнинг ҳандалакдек бошига момогулдуракдек кўргилик ёғилиб, ўн икки ёшга тўлиб-тўлмаб тирик етим бўлиб қолди. Йиртқич Сепкилшоҳнинг қора папоқ кийган аскарлари сел янглиғ босиб келиб, унинг болалик қувончларини беаёв ювиб ўтди. Хонадонлар талон, экинзорлар пайхон бўлди. Тиррик қолган жангчилар билан соғлом қиз-жувонларни занжирбанд этишиб, бирини

# САХОВАТЛИ ОТАХОН

Одатдагидай кунларнинг бирида Ҳидоятилла ака ўғлини ёнига чақириб, кўнглидагини тўқди:

— Уғлим, сен ҳам тўрт фарзанднинг отаси-сан. Тўқ, фаровон ҳаёт кечираяпсан. Биласан, мен айна уруш йиллари етимлик азобини тотганман. Бир бурда нонга зор ўтган тунларни эсласам, ҳамон кўнглим бузилиб кетади. Шукур, ҳаммаси ортда қолди. Ачиқ хотираларгина ортимдан соядай эргашиб юради. Дунёда тинчлик бўлсин экан. Тинчлик бўлса, хонадонинг тинч, фарзандларинг бахтиёр бўлар экан. Уша уруш йилларда тортган азобим ҳаққи, тинчлик ишига ҳиссамни қўшсам дейман. Хабаринг бор, ўн йилдан буён турмуш харжларидан орттирган пенсия пулимни, деҳқончиликдан қилган даромадларимнинг ҳам бир қисмини қўшиб ҳисоблаб чиқдим. Ўн икки минг сўм бўлибди. Шунинг тинчлик фондига ўтказсам, деган эдим. Сен нима дейсан?

Олимжон дабдурустан қилинган таклифни эшитиб, бир нарса демоқчи бўлди-ю, дадасининг жиддий қиёфасига тикилиб шаштидан қайтди. Ўзбекнинг фарзанди отага тик қараса, уят.

— Тўғри ўйлабсиз, — деди у дадасининг мақсадини қувватлаб. — Мен ҳам ишлаб турибман, камчилигимиз йўқ.

Эртаси кунини Ҳидоятилла ака жамғармасидан 12 минг сўмни Тинчлик фондига ўтказиб қайтди. Бир-икки кун оила аъзоларининг баъзилари ранжигандай бўлиб ҳам юришди. Шунда Ҳидоятилла ака келинларига босиқлик билан тушунтирди:

— Болаларим, одам нафсини қўйиб берса, албатта ҳеч нима ортмайди. Шукур қилинган, еганларинг олдиларингда деганларидай, ҳеч кимдан кам эмассизлар. Беш юз сўмлик кўйлак кийиш шартми?.. Ҳа, деган туяга мадад, ҳукуматимизни ҳам оғир аҳволда қолдирмаслигимиз керак.

Отанинг бу гапидан таъсирланган келинлар яна аввалгидай уй-рўзғор юмушлари билан бўлиб кетишди.

Ҳидоятилла аканинг нафақат оилада, эл-юрт ўртасида ҳам ҳурмати баланд. Мағрур, тўғри сўз одам.

Ҳидоятилла Инатов иккинчи группа инвалиди. Бир қўли йўқ. Ўн йилдан буён нафақа олади. Аммо тўрт мучаси бутун одамдан кам меҳнат қилмайди.

Отанинг ҳовлисида иссиқхона бор, шунга

қарайди. Ҳовлидаги ҳар бир қарич ерга тадбиркорлик билан ишлов берилган. Мевали дарахтлар, бир неча ток, ҳовли ўртасида эса иссиқхона жойлаштирилган. Апрель ойининг илк кунлариданоқ Ҳидоятилла аканинг Жиззах шаҳридаги ҳовлиси ёз бўлиб кетади. Помидорлар фарқ пишади, резавор кўкатлар кўмкўк бўлади. Ҳаммаёқ саранжому саришта.

— Мана шу ердан йил ўн икки ой ризқ унади, — дейди Ҳидоятилла ака. — Халққа тўрт фасл ҳам резавор кўкатлар, ёзда мева, кузда узум, қишда ёздан ортиб қолган помидор-бодринларни тузлаб, етказиб тураман. Урганиб қолганман, бозорга чиқмасам, халқ билан мулоқотда бўлмасам, сиқилиб кетаман. Ундан ташқари, бунинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Яхши-ёмонни кўраман, бирни кўриб зикр қиламан, бирни кўриб фикр. Агар ўғлим Олимжон, келиним Зулхумор кўмаклашмаса, бу ишлар бир ўзимга оғирлик қиларди. Бахтимга шулар бор экан. Айтганимни икки қилишмайди. Барака топишсин. Тинчлик фондига ўтказган пулларим ҳалол меҳнатим, пенсия пуллари. Ундан етим болаларга, уруш бўлаётган юртдаги халқларга, дунёимиз тинчлигига менинг қўшган ҳиссам бўлсин, дедим. Олам нонинч, қанча болалар ота-онасиз қолишди, қанча қариялар бошпанасиз, юртимиздаги аёлларнинг оғир меҳнатлари мени ҳам ўйлантиради. Буни кундалик матбуот — телевидение орқали кўриб, билиб турибмиз. Ҳайронман, бир хил одамлар бойлик йиғаверади, йиғаверади. Бозорга ҳар хил одамлар келишади. Кўплар билан гаплашиб, суҳбатлашиб қоламан. Яқинда бир тенгдошим билан гаплашиб қолдим. Бир юз етмиш бешта қўйи бор эмиш. Хотин-бола чақалари ёз бўйи гилам тўқишиб, сотишар экан. Шунча пулни нима қиласиз, деб сўрасам, тўй бор, ўлим бор, дейди. Шу киши уч сўм сарфлаб тушлик қилмади, кузатиб турдим. Бундай ҳасисликнинг нима кераги бор. Кунинг ўтиб турса, соғ бўлсанг, эл қатори яшаб турсанг, сенга яна нима керак? — дея гапини тугатди Ҳидоятилла ака.

Мана, Сизга саховатли бир инсоннинг фалсафаси!

— Пулларни Тинчлик фондига ўтказганимга бир йилу тўрт ой бўлди. Билмайман, улар керакли жойларга етиб бордим, йўқми? Ҳеч кимдан ҳеч нима эшитмадим. Лекин, — дейди отахон бироз куюниб, — пулни қабул қилишда саводи «хаминқадар» бир қиз «Инатов» ўрни-

га «Инамов» деб ёзиб юборган. Ҳатто исм-фамилиям тугул, адресим ҳам ёзилмаган.

Бундай хайрли ишга бефарқ қараган ўша қиз, меҳнат фаолиятида яна бошқа бирор кимса шунча пул ўтказганини эслармикан? Нечун у шунча пулни қабул қилаётиб, ҳаяжонланмади? Лоақал кўнгли учун олқишламади? Тинчлик фондига 12 минг сўм ўтказган бу саховатли инсон ҳақида бирон бир жойда миннатдорчилик изҳор қилинмади. Бир йилдан буён Сирдарё вилояти Тинчлик фонди бўлими раиси Мухаммад Эргашев бу инсонни изламаган жойи қолмади. Яхшиямки, бахтли тасодиф рўй берди. У кишининг оналари бир жойда: «Уғлим ўн икки минг пулни давлат тинчлигига ўтказиб юборди», деб қолганларини эшитиб, дарҳол комитетга кўнғироқ қилдик. Мухаммад Эргашев хазина топгандай ҳаприқиб кетди. Қаҳрамонимизнинг уйларига бордик, ҳаммасини ўз қулоғимиз билан эшитдик.

Ҳидоятилла ака, Сиз жуда савобга қолдингиз. Олтинчи апрель кунини Сизнинг буюк саховатингиз ҳақида Москвага телеграмма жўнатдик. Сизнинг бу одамийлигингиз, ҳимматингиз тинчлик ишига улкан улуш бўлиши, шубҳасиз...

Отахоннинг, ўзбекона ҳимматидан руҳланиб қўлимга қалам олдим. Дил сўзлари ушбudir...

Дунёдай камтарин, теран отахон,  
Сизнинг саховатга тенг келар осмон.  
Қалбингиз дарёдай уммонга тўли,  
Меҳрингиз ҳикмати кўшиқдай улуг!  
Бемаврид йиғлаган афгон боласин,  
Тўхфангиз нон бўлиб толгай чорасин.  
Қай элда кимда-ким толгайлар,  
Меҳрингиз тафтидан ором олгайлар.  
Тинчлик деб жон берган Саманта Смит  
Индира Гандидай кетди ноумид.  
Уларнинг қабрига қўйилган гуллар,  
Соҳир туйғулардан сўз олиб тургай.  
Ўтти еттинчида отилиб кетган,  
Сотқинлар дарёга чўктириб кетган,  
Шаҳидлар пойида унган лола-руҳ,  
Қалбингиз кўридан олгайлар шуқуҳ.  
Осмонни гоҳ-гоҳда қоплагай булут,  
У ер-бу ерларда чақнаб турар ўт.  
Қурбонга тутилган бир қўлтам сувдай,  
Номингиз зикр этмоқ зарурдир жуда.  
Сиздек мардлар элни бошга кўтарсин!  
Ризқ дея қадалган чечак кўкарсин!  
Эзгулик қўлласа, дунё қўллагай,  
Саховатпешалар зиё йўллагай.

Шарофат БОТИРОВА

Жиззах

Ноқулайдир ялангоёқ жангга кириш,  
Энажоним, калишингни бериб тургин.

Токи чапя бутун экан — бошим омон,  
Пўстакдан ўқ ўтмас душман отса камон,  
Бир урганинг, қиличдан ҳам ўқлов ёмон,  
Энажоним, калишингни бериб тургин.

Қозонқопқоқ юрагимни асраб юрар,  
Сепкилшоҳинг кимлигимни энди кўрар,  
Ғалабага битта калиш етмай турар,  
Энажоним, калишингни бериб тургин.

Мешполвондан бундай қаҳрамонликни кутмаган энаси олдинга иккиланиб қолди. Кўсов билан савалаб, шаштидан туширмоқчи ҳам бўлди. Лекин синчиклаб қараса, аҳди қаттиқ, кўзида ачиқ, лаблари пичирлаб, тишлари ғижирлаб турибди. Қайсарлиги қўзиганини сезиб, энди уни йўлдан қайтаролмаслигини фаҳмлаб, индамай ҳужрага кириб кетди. Бир зумдан кейин икки кўзи озиқ-овқатга тўлдирилган хуржунни зўрға кўтариб чиқиб, эгар қошига ўнгарди. Калишини

ечиб бераётиб, панд-насиҳатлар билан неварасига оқ йўл тилади:

Йўлинг ойдин йўл бўлсин,  
Босган изинг мўл бўлсин,  
Янтоқ узсанг, гул бўлсин,  
Тиконлари тилмасин.

Сўз қуйилар лабимдан,  
Мағиз чайна гапимдан,  
Нон тилама ҳар кимдан,  
Нафсинг бузук бўлмасин.

Учраса ҳам ўтинчи,  
Салом бергин биринчи,  
Сени кўрган ҳар синчи  
Одобсиз деб билмасин.

Тентак сўкса, дўқлама,  
Енғоқзорда ухлама,  
Алам ўтса, йиғлама,  
Бардошлилар ўлмасин.

Ҳатто ҳолинг тангида  
Ғоз юр одам рангида,  
Йўл сўрама бангидан,  
Сени сарсон қилмасин.

Ювошга мушт дўлайма,  
Зўрни кўрсанг, гўлайма,  
Оч қолганда сулайма,  
Қизлар сендан кулмасин.

Мешполвон ўзини хачирга жойлаб, энасининг гапини белига бойлаб йўлга тушди. Йўллар эса кафтдаги ажинлардек чизик-чизик, ярми текису ярми бузук, бири чексизу бири узук эди. Болапақир оқсоқ жониворини ниқтаб, ҳар қайси гузарда бир тўхтаб, тепа келса ўрлаб, нишабликда ашулани туёқовозига жўрлаб бораверди:

Олма едим бақалогидан,  
Гилос едим чақалогидан,  
Анжир едим япалогидан,  
Боғбон буванинг шапалогидан...

Сепкилшоҳ бу маҳал қасрида парқувга ёнбошлаб, арбоблар даврасида бежавотир айш суриб ётар, заминнинг қайсидир нуқта-часида ўзига қарши даҳшатли бир куч сил-жиганидан мутлақо беҳабар эди...



**ШИЛЛИҚ ҚУРТ**

Оламда бор-йўқлигин  
Билмоқлик маҳол.  
У ёпишган кўкат  
Бўлади похол.

Кириб олиб олмазор боққа,  
Аланглайди қўрқиб ҳар ёққа.  
Шарпа сезса писиб олади,  
Худди копток бўлиб қолади.  
Кўринмаса бирон зот унда  
Ўғирлайди олмадан тунда.  
Кўриб қолса ногаҳон бир Шер:  
«Олмазорга қоровулман!» — дер.

**ҚИРҚОЁҚ**

Қирқта оёғи бор,—  
Юриши секин.  
Текин ўлжа бўлса  
Югурар лекин.

**САССИҚ  
ҚУНҒИЗ**

Хушбўйликдан кетса баҳс  
Ўйнайди гаров.  
Қўлинг тегар-тегмас  
Сасийди дарров.

Насрулло АСАДУЛЛОЕВ

ИККИ ХАЖВ

**МЕН —  
ИККИТА  
ОДАММАН**

Ишдан кечикаётганим учун ичимни ит тирнаб борарди. Ҳар қанақа транспорт билан ҳам ишга етиб боролмаслигим аниқ эди. Нима қилсам экан-а, деб ўйладим-да, ишхонада менсиз нима воқеа юз бераётганини билмоқчи бўлдим. Сезиб қолишмасин деб телефон-автомат трубкасини дастрўмолим билан беркитиб (жосулар тўғрисидаги фильмларда шунақа ҳолатни кўп кўрганман), бўлимимга қўнғироқ қилдим. Трубкани Сабоҳат олди.

— Менга ўртоқ Қаюмов керак! — дедим.

— Ҳозиргина ташқарига чиқувдилар,— деб жавоб берди Сабоҳат,— у кишига нима деб қўяй?

— Кейинроқ қўнғироқ қиламан,— дедиму трубкани осиб қўйдим.

Ажабо! Бу қанақаси бўлди: аслида мен кўчадаман-ку, яна ишда ҳам эмишман! Ажабланирли-да ахир! Олти йилдан бери бирга ишлайману Сабоҳатнинг бирон марта ёлгон гапирганини эшитмовдим-а!

Бўлим бошлигининг номерига сим қоқдим.

— Алло! Иван Иванович! Илтимос, Қаюмовни чақириб беринг.

— Бир минут олдин Қаюмов менинг хузурида эди,— деди Иван Иванович.— Вироздан кейин бўлимга қўнғироқ қилинг, ўзидан топарсиз.

Дунёда қандай гаройиб ҳодисалар бўлмайди-я! Ўзимда жасорат пайдо қилиб, бошқарма бошлигини безовта этдим:

— Ҳозиргина коридорда кўрувдим! — дея қатъий гапимни кесди Доро Саломович.— Айтинг, қаерга телефон қилсин Қаюмов? Нима? Уни ўзингиз топарсизми? Ихтиёр сизда!

Ўзимни дадил тутиб, бошқармага қўнғироқ қилдим. Овозимни дўриллатиб тезда Қаюмовни топиб беришларини талаб қилдим.

— Қаердан гапираяпсиз? Ҳа, ҳа, албатта. Бунинг аҳамияти йўқ,— деди бошқарувчи.— Ҳозироқ уни топарсиз.

Бир минутлардан кейин у хи-жолат тортиб гапирди:

— Айтишларича, ўртоқ Қаюмов тобе ташкилотга кетган экан. Эҳтимол, бугун бўлмаслиги ҳам мумкин.

Телефон-автомат будкасида чикдим, унинг ёнидаги скамейкага ўтириб ўйга толдим: «Кимга ишонсам экан-а? Ҳурматли ва масъулиятли кишиларгами ё ўзимгами?.. Еки мен иккита одаммикимман?»

**КҰНГИЛДА-  
ГИДЕК  
СУҲБАТ**

Комил уйига қўнғироқ қилди. — Алло! Мен эшитаяпман! — деб жавоб беришди у томондан.

— Алло, ким эшитаяпти? — қалтираб сўради Комил. Чиндан ҳам нариги тарафдаги овоз уни танг қолдирганди. Е бошқа телефон номерини тердимиким-а?

— Сизга ким керак?

— Мен сиздан сўраяпман: сиз кимсиз?

— Мен ҳам инсон сифатида сўраяпман: сизга ким керак?

— Алло! Майнавозчилик қилмай жавоб беринг. Сиз кимсиз?

— Яхши йигит, тарбия кўрганмисиз ўзи? Ким керак сизга?

— Кўриниб турибди: қирчанги чолсиз, бирор кимсани тарбиялаш қўлингиздан келмайди. Лоақал қаерга тушганимни айтиб беролмайсизми?

— Ҳозирча қўлга тушганим йўқ, аммо айтиб қўяй, бундай дағаллик қилсанг, албатта қўлга ҳам тушасан, галваре!

— Сен ўзинг галваре! Чўқмор! Телба!

— Ўзинг телбасан, тушундингми? Лақмасан...

Шундан сўнг Комил трубкадан хотинининг таниш овозини эшитди:

— Алло! Нима гап ўзи? Мунча бақирасиз? Дадагизга ҳам шунчалик кўре гапирасизми?..

Тожиқчадан З. ДУСТМАТОВ таржимаси

Раҳим ОТАХОНОВ

**БИР ТУН ТУЙҒУСИ**

Ярим кеча. Ухлаяпти рафиқам —  
Ухлаяпти бир ҳаяжоним.  
Қўзичоқдек ухлар ўғилчалар ҳам,  
Неки тирик мавжудот бари уйқуда.  
Мен  
Осмон гумбазини кийиб бошимга,  
Сархуш кезмоқдаман қоронғиликда.  
Тун ўз шамоллари билан  
Атрофимда шовуллаб оқар.  
Шамол рангини,  
Шақли-шамойилини кўрдим.  
У сур рангда эди.  
Лабларим қофия жуфтлар ҳамкорликда  
Атиргулнинг қирмизи лаблари билан.  
Ҳаяжон одимлайди,  
Бармоқларим санайди бўғин,  
Бахт бўғинларини санайди улар.  
Юракнинг ҳар бир зарби  
Мисра бўлиб тушар шеъримга.  
Бир нафас тўхта, тун,  
Ой нуридан ранг бер шеъримга.  
Шеъримнинг ҳар ҳужайрасига  
Гуллар ифорини қўшиб кет, шамол.  
Уй буржида яшил фавворадай кўкка отилган  
Терак остида  
Юлдузлар ҳаракатин кузатиб турдим.  
Суҳбатлашиб турганимда тун, шамол билан,  
Қанот қоқиб  
Хўрозлар қичқира бошлади.  
Шоирлару хўрозларга  
Қолганми, дейман дунёнинг ишлари.  
Мен шеър битолмай юрсам,  
Хўрозлар одамларни уйғотолмай ҳалак,  
Уларнинг бўғзига тикилиб қолган тонг...

**ҲАҚИР-ҲАҚИРЛАР**

«Менинг Рустамим сендами, Гани?.. Охуним билан Ғиёсимни Бахтиёр олиб кетди. Абдурауф билан Мухрини энди олиб келаман».

(Магнитофон қўшиқларига қизиқувчи ёшлар суҳбатидан).

«Бизнинг ошхонада чекиш мумкин эмас. Лекин, ҳар эҳтимолга қарши, столларга кулдон ташлаб қўйганмиз».

(Бир ошхона мудирининг ўзаро суҳбатдаги гапидан).

«Паровоз» сўзи асли ўзбекча бўлса керак. Акс ҳолда: «Фалончининг оғзи бепаравуз», деган гаплар ҳам пайдо бўлмасди».

(Бир тилшуноснинг ўз шогирдлари даврасидаги гурунгида).

«Консерваторияда консервалар ишлаб чиқариладими?»

(Иштаҳаси яхши бир кишининг саволи).

«Мустафо Билолов тўпга етиб олмоқчи эди, аммо тўп ундан тезроқ ҳаракат қилди ва... дарвоза чизигидан ташқарига чиқиб кетди».

(Футбол ўйини ҳақидаги репортаждан).

«Ўғлимга Турғунбой деб исм қўймоқчи эдим-у, яна ўйлашиб қолдим. Турғунлик даврини эслаб қолмасмиким, шу тарафини ўйлаб турибман».

(Ўта эҳтиёткор бир кишининг редакцияга ёзган хатидан).

«Кунгабоқар, кунгабоқар деб кулаверасизлар-у, кунгабоқарнинг пистасини чақиб еишдан ор қилмайсизлар, ноинсофлар».

(«Кунгабоқар» лақабли одамнинг чойхонадаги гапидан).

(Давоми, боши 27-бетда)

**Қайтмас.** Қани, менга шуни тушунтириб беринг-чи, Хонқаро ҳазратлари, ҳаммамиз (*икки қўли билан ҳаммани кўрсатади*) бир-биримизга деярли тенгдошмиз, бир кўчада гўдақликдан тегишиб катта бўлганмиз, устига-устак ўсмирликдан бошлаб, бунгаям ярим асрча бўлиб қолди, «гап» ўйнаб, улфатчилик қилиб келаяпмиз. Шу сабаб бўлса керак, ҳаммамиз бир-биримизни сенсираймиз. Фақат се... сизга қолганда сизсираймиз-а? Нимага шундайикин-а, Хонқаро ҳазратлари?

**Хонқаро.** Дарвоқе, шундай-а? Аҳли улфат, сизлар нима дейсизлар? Хўш, нима учун? — Руҳоний бўлганингиз учун!

(Хонқаро бош чайқайди.)

— Ҳусайн Бойқаро авлодидан бўлганингиз учун.

— Демак, Амир Темур авлоди бўлганингиз учун.

(Хонқаро бош чайқайди.)

— Ҳожатингиз қабул бўлгани учун.

(Хонқаро бош силкийди.)

— Рим папаси Павел Иккинчи билан суҳбатда бўлганингиз учун.

(Хонқаро бош чайқайди.)

**Қайтмас.** Бўлмаса, ўзингиз айта қолинг, шаҳар бердим, нима учун сизни ҳамма сизсирайди?

**Хонқаро.** Чунки камина ҳаммангизни сизсирайди-да.

*Бир оздан кейин гурра кулги кўтарилади. Қайтмас қўл силтаб нари кетади-да, кроссворд ечишда давом этади.*

**Хонқаро билан Элтутмиш яна китобларни кўздан кечирадидлар, Тўлаган улар билан бирга.**

**Ҳамон карта ва шахмат ўйинлари давом этарди. Суюн атрофини кўздан кечириб, ҳамма ўзи билан овора эканини ҳис этгач, Тўлаганга яқин боради.**

**Суюн (аста).** Тўлаган, мен бир телефон қилиб келсам.



**Тўлаган.** Бемалол, телефон кабинетимда.

**Суюн чиқади. Кутилмаганда Қайтмас гапириб юборади.**

**Қайтмас.** Топдим! Ўзим топдим! (*Журнални осмонга отиб, илиб олиб*) Волга Каспийга қуйилади.

**Ҳамма нигоҳини Қайтмасга қаратади, унинг гапи улфатлар онгига анчадан кейин етиб боради. Бирданига гурра кулги кўтарилади: «Волга Каспийга қуйилади».**

## КРОССВОРД



— Оғзингни оч, дўмбоғим!..

### МУҚОВАДА:

Биринчи бет:

Мингбулоқ манзараси.

Тўртинчи бет:

Куз манзаралари.

Угам дарёсининг бошланиши.

Отда сайр.

Р. Нурибоев сурат-лавҳалари

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

### 9-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

**ЭНИГА:** 1. Даража. 4. Оқдарё. 11. Панжоб. 12. Руанда. 13. Ҳиндикуш. 16. Ифода. 17. «Қиёмат». 18. Ижара. 21. Ширкат. 22. «Меҳнат». 23. Фурқат. 24. Лоцман. 29. Обуна. 30. Жайхун. 31. Тоифа. 35. Занжибар. 37. Табриз. 38. Ижевск. 39. Мальта. 40. Итоғли.

**БУЙИГА:** 2. Режа. 3. Жабҳа. 5. Қарши. 6. Ажам. 7. Опарин. 8. Қандим. 9. Гектар. 10. Қашқар. 14. Дорилфунун. 15. Замахшарий. 19. Лабзак. 20. Мезроб. 25. Богота. 26. «Шаҳноз». 27. Дурбин. 28. Барака. 32. Иззат. 33. Орият. 34. Урал. 36. Фейл.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия», газеталаридан фойдаланилди.


Босмахонага туширилди 18.08.1989 й. Босишга руҳсат этилди 29.09.1989 й. Р—05139. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. Тиражи 142389. Вуяортма № 1416. А—131. Ваҳоси 35 т. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000. Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

**«ГУЛИСТОН»**  
**ЖУРНАЛИГА**  
**ОБУНА БЎЛИШНИ**  
**УНУТМАДИНГИЗМИ?**



— «Гулистон» журнали сондан сонга қизиқ чиқаётди-а...


Г. Еқубов сурати



Угам дарахтзори.



Угам чўққилари.



Сув кечиб...

Р. Нурибобов суратлари

